

**Абдумутал АБДУЛЛАЕВ**

# **ААУШТА ЭРТАГИ**

**Қисса**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти  
ТОШКЕНТ — 2006

# Ўзбек баджий адабиёти

84(SU)6 - 4

А 15

## Қисса

Абдуллаев, Абдумутал.

А 15      Алушта эртаги: (Қисса) /А.Абдуллаев;  
[Кириш сўзи Муҳаммад Алиники]. — Т.:  
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти, 2006. — 124 б.

ББК 84 (SU) 6

10 32187  
2

Абдумутал Абдуллаев буюк истиқолимиз шарофати, муқаддас динимиз, улуғ алломалар донишмандлиги, улар қолдирган умуминсоний ғоялар тарғиботи борасида ўзига хос бадиалар туркумини битмоқда. У миллий қадриятларимиз, адабий меросимиз, ўзлигимиз ҳақида таъсирчан асарлар яратса олди.


Ёзувчининг ижодида Ишқнинг икки қаноти тадқиқ этилади. Булардан бири самимий, покиза, инсоний севги бўлса, иккинчиси — Ҳаққа етишмоқ орзуидаги чинакам ишқ дардидир. Кейинги йўналиш унинг тасаввуф ҳикояларида яққол кўринади.

Абдумуталнинг тили содда ва ширали, осон ўқилади, юракда олижаноб ҳис-туйғулар уйғотади.

Муҳаммад АЛИ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчisi.

“Алушта эртаги” — соф муҳаббат қиссасидир. Муҳаббат қиссаси эса гоҳида маҳзун, гоҳида жўшқин кечади. Бу айни ҳақиқат. Чунки севги ҳаётнинг буюк мўъжизаси саналади. Ушбу қиссада ҳам ҳар бир қалбда сайқалланувчи бу ажойиб қудрат қаламга олинган.

Китоб “бир нафасда” ўқилади, аммо қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, бошига тушган сайдолар сизни ўйлашга, оламга уйғоқ қалб или боқишга даъват этади.



№ 156-2006

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий  
кутубхонаси нашриёти. 2006 й.

**A**

слида бу эртак эмас, бироқ мен учун аллақачон афсонага айланған бу воқеа ўтган асрнинг 70-йилларида содир бўлганди.

Ёзги таътилга чиққан куним ишдан бир оз кеч қайтдим. Остонада онаизорим кўзлари жовдираб кутиб олди.

— Болам, хотининг кетиб қолди.

Бепарвогина сукут сақладим.

— У бутунлай кетди!

Ранг-рўйи сарғайған онаизорим мен учун куйиб-пишаётган эди. Ора кунда олти марта аразламаса егани татимайдиган, гапга чечан, кўзларидан дўзахнинг ўти чақнайдиган келинга ҳам боши учарди. Аммо не бўлганда ҳам рўзғорнинг бузилиши битта қаср қулашидан баттарда.

Дадам оғир-вазмин, камгап одам эди.

— Кутилибмиз-да, — деди қовоқларини уюб. Негадир шу тобда унинг офтобдан қорайған юзлари янада тундлашиб, қалин лаблари пир-пир учайтган эди. Бечора изтиробда эзилаётган бўлса-да, ортиқ тишининг оқини кўрсатмади.

Кечки таомдан сўнг, дуо ўқилгач, менга ўгирилиб, гап қотди.

— Индинга Кримга учасан!

Онам ял этиб дадамга тикилди. Мен дастурхондан бош кўтармадим.

Хўкмнинг давомини эрталаб эшилдим. Дадамнинг бошлиғи — завод директорининг Ялтадаги дўстига "Хусайнни" навли узумдан олиб боришим керак экан.

Сездимки, бу мени оиласвий жанжаллардан узоқлаштириш учун ўйлаб топилган баҳона эди.

Шу куни дадам раис бўлган хўжалик боғидан сархил узумлар узилиб, иккита қофоз кутига жойланди. Тайёрага чипта олинди. Сафар анжомлари тайёрланди.

\* \* \*

Турмушим бузилганига заррача ачинмадим десам, ўзимни ҳам алдаган бўламан. Ахир уч йиллик ҳаёт ойна каби чил-чил синади-ю, юрагингиз ачишмайдими? Зайнаб (тасодифми ёки қонуният) — хотиним чиндан ҳам "Ўткан кунлар"даги Зайнабга ўхшаб кетарди. Тили кескир, муросага кўнмайдиган, ушлаган жойидан кесаман дейдиган кўрсфеъл эди. Шу билан бирга саранжом-саришталикни ёқтирадиган, кўпроқ ёлғизликни қўмсайдиган хислатлари ҳам йўқ эмасди. Очиғи, фарзанд кўрмаганимиз бир сабаб, менинг идора ишидан ортмаслигим иккинчи баҳона, онасининг енгилтаклиги, ҳадеганда "тор қорнимга сиққан, кенг ҳовлимга сифмайсанми" — деб ёнига чорлайвериши учинчи туртки бўлди-ю, оқибатда жуфтимни йўқотдим.

Тайёрагоҳга кетаётганимизда қўшнимизнинг ўнинчи синфда ўқийдиган ўспирин ўғли Воҳид велосипедда учеб келиб, қўлимга хат тутқазди.

— Зайнаб аям бериб юбордилар.

Эътиборни тортмаслик учун мактубни ён чўнтағимга солиб қўйдим. Онам, қўни-қўшнилар билан хайрхўшлашиб, дадамнинг хизмат машинасига ўтиридик. Яна Турғунбой исмли ҳисобчи ҳам бизга ҳамроҳ бўлди.

Андижон тайёрагоҳига қадар ҳеч ким чурқ этиб оғиз очмади. Дадамнинг кичик-кичик кўзлари ич-ичига ботиб кетган ва шу туфайлими янам ғамгин, ўйчан кўринарди. Калта қирқилган оппоқ сочи ёшига нисбатан улуғ кўрсатарди. Пешонасидаги қатор-қатор ажинлар, дағалроқ бурни, қалин, гўштдор лаблари анчайин сержаҳл, сиркаси сув кўтармайдиган одамлигидан шаҳодат берарди.

Хўппа семиз, юз-кўзи ёш боланикiday, бир қарасангиз худди йиглаётгандай туюладиган ҳисобчи Турғунбой aka ҳам ўз хаёллари билан банд.

Мен эсам бир томондан Зайнабни эслаб юрагим орзиқади (гарчи орамизда қайноқ муҳаббат барг ёзиб улгурмаган эса-да). Иккинчи томондан, нотаниш шаҳардаги

нотаниш кишилар билан бўлажак учрашувни ўйлаб ҳаяжонга тушаман.

Тайёрагоҳда оқ-сариқдан келган, кўзлари кўк, худди Евгений Леоновни эслатадиган директор бир неча аёнлари билан бизни кутиб турган экан. Хизматдаги йигитлардан иккитаси обдон ўралган қутилардаги узумни кўтаришди. Бошқа бирори чойхонага таклиф қилди.

Шаҳарда анчагина нуфузли саналган директорнинг чойхонага киришини сира тасаввуримга сифодиромай тургандим. Кейин билдимки, биз учун ҳозирланган жой худди ресторанлардай безатилган алоҳида хона бўлиб, узун стол атрофига юмшоқ стуллар, диван, креслолар териб қўйилганди. Оппоқ дастурхон ноз-неъматларга тўла. Турли ўлчамдаги биллур қадаҳлар, кумуш қошиқ ва санҷқилар, охорланган сочиқлар, чор атрофда хизматга шай ўқтам йигитлар бу хона салобатини минг чандон орттириб юборганди. Умримда бундай меҳмоннавозликни кўрмаганим боис бир оз саросимага тушиб, оstonада иккиланиб туриб қолдим.

- Ортиғали, ҳани бу ёққа келинг-чи!

Директорнинг чорловидан сўнг, хонага кирдим. Бошлиқ тўрда, қўллари хиёл қалтираб турадиган зиёлинома бир киши билан бирга ўтирибди. Яна икки йигит қувироқдан жой олишган. Мен ҳам уларнинг ёнига бориб ўтирдим.

Паловдан олдин қадаҳлар тўлдирилди.

- Йўлингиз бехатар бўлсин!

Директор ортиқча мулозамат кутмай, қадаҳдаги конъякни яримлатди. Сўнг менга ўгирилиб, деди:

- Сизни Симферополда ҳеч ким кутиб олмайди. Ялтагача ўзингиз борасиз. Ўша ерда "Южний" меҳмонхонасига кириб, Иван Васильевич Подлобошниковни сўрайсиз. Бу ёғига ишингиз осон кўчаверади. Иван Ялтанинг пайғамбари...

Паловхўрлик узоққа чўзилмади. Боз устига ваqt ҳам зиқ эди. Қутиларни ишчилар тайёра юкхонасига жойлаб чиқишиди. Мен кузатувчилар қуршовида нарвонга келдим.

У ёғига хайр-хўшлашиб, юқорига кўтарилидим. Кейин кўрдимки, тайёра фақат мени кутаётган, салон ичи йўловчилар билан лиқ тўла экан.

Жойимни топишимга ёрдам берган чиройли стюардесса қиз тўрга ўтиб, тайёранинг парвозга шайлигини, учиш асносидағи қоидаларни батафсил уқтириди. "Ил-18" ҳавога кўтарилиди. Юрак қурғур шув этиб, нафасим бўғзимга тиқилаёзди. Токи маълум баландликни эгаллаб олгунича тайёра гоҳ силкиниб, гоҳ қалтираб, йўловчиларни бир оз безовта қилди. Ўз йўналишига тушиб олгач, унинг учайтганлиги ҳам сезилмай қолди. Ҳамма енгил тин олди. Мен юз-кўзимдан қуйилган терларни артиб, энди атрофга назар ташлай бошладим. Ҳамроҳларимнинг асосий қисми андижонликлар эди. Ўзаро шивир-шивирлардан ойдинлашдики, бирор Одессага, яна бошқаси Сочига кетаяпти. Барчанинг ташвиши ўзи билан. Ярим йилдан буён армиядаги ўғлидан хат келмаётган ота минг ҳадик билан Шимолий Муз уммони бандаргоҳига ошиқаётганлигини айтади. Бир аёлнинг эри Кисловодскка дам олгани бориб, юрак ҳуружи билан шифохонага тушиб қолибди.

Мендан олдинги қатордагилар диққатимни жалб этди. Афтидан улар бир оила аъзолари эдилар. Ўртада баланд бўйли, истараси иссик, кўзлари кулиб турувчи 45 ёшлардаги одам ўтирибди. Ўнг тарафида чиройли юзидан нур тараган, лаблари қирмизи, оғзи тўла тилла тишли сулув аёл, чоп томонида балоғатга етган дўмбоққина қиз. Демак, ота, хотини ва қизи дам олгани Ялтага кетишаяпти. Кўп ўтмай фикрим тўғрилиги аёnlашди.

— Аввал Ялтадан жой топамиз, — ойимчасининг қулоғига шивирлади эр. — Юкларни жойлаб, кейин Дилрабодан хабар олгани ўтамиз.

Аёлнинг даҳани энди эри томонга бурилди.

— Ахир, Артек йўлимизда экан-ку, биратўла қизимизни ҳам овлолсак-чи. Роса соғиндим-да, Нурмат ака.

Нурмат ака бош чайқади.

— Лаш-лушларингни ортқилаб юрамизми? Шундай тайёрагоҳда такси ушлаб, Ялтага жўнаймиз. Нари борса бир-икки соатда яна изимизга қайтиб, Дилрабони кўрамиз. Агар бошлиқлари рухсат беришса, ўзимиз билан сайд қилдирамиз. Ялтани кўрмагансан-а. Ўҳ-хў, бу Крим яrim ороли - ёруғ дунёning жаннати, онаси.

Энди дўмбоқ қиз отасига эркаланди:

— Мени Артекка юбормагандиз, эрка қизалогингизни эса...

Нурмат ака қизининг қалин, қора соchlарини силаб, ёлғондакам пўписа қилди:

— Ўша гуноҳимни ювиш учун олиб келяпман-да, Қизим. Худо хоҳласа, Артек нима, Канаар оролларини кўрсатаман сизларга.

Негадир шу топда қишлоғимиздаги Мамат қоранинг ўғлига дағдағаси ёдимга тушди.

— Ҳали, шошмай тур, қўлимга тушсанг, онангни учқўргондан кўрсатаман.

Шумлик қурсин, пиқ этиб кулиб юборибман. Яхшиямки, ҳамроҳларим бу кулгуни сезишмай қолдилар.

Шу топда ҳаводаги ҳамроҳларимга нисбатан доимо қовоғидан қор ёғадиган, тўртта ўғлини бурнини ерга ишқаб ишлатадиган, эвазига бир оғиз каломини ҳадя этмаса-да, бари бир фарзандларига меҳр-муҳаббат бобида Нурмат поччадан кам бўлмаган Мамат қора юрагимга яқинроқ туюлди. Ҳа, қишлоқда болаларни ҳадеб ялаб-юлқайверишмайди, деҳқон одамнинг меҳри ҳам дағал, шунга яраша соддадил, самимиyroқ кечади. Яна бир жиҳати бор. Қишлоқда кишилар дилбандларини ошкора эркалатмайдилар, ота-болалик рабдомадини ҳолини-ҳолига қўйиб адo этадилар. Шундай эса-да, шаҳарликларга нисбатан қишлоқ болалари ота-оналарига вафолироқ, эътиқодлироқ тарбияланадилар. Мана мисол учун Мамат қорани олайлик. Шолипояда буйрагини шамоллатиб олди. Бир ой шифохонада белини кўтармай ётди. Ўфиллари эса, бири қўйиб, бири атрофида парвонадек айланишди. Оғзидан чиққанини муҳайё қилишди.

Ўз хаёлларим билан андармон бўлиб сезмабман. Нурмат аканинг дўмбоги уни-буни баҳона қилиб, менга нигоҳини қаратиб турган экан. Кўзи кўзимга тушгач, майин табассум инъом этди. Бу ҳол икки-уч бор такрорлангач, отанинг эътиборини тортди. У йўғон бўйнини қийинлик билан буриб, орқани кузатди ва менга кўзи тушиб, ижирғаниб қўйди. Бу ҳол дилимда унга нисбатан уйғониб келаётган адоватга ўхшаш ёмон хаёлларни жонлантириди. Бу бойвачча не-не ғариблар ҳисобига мол-дунё тўплаб, қуртдай семириб, айш-фароғатда юрса-ю, яна ҳалол-пок кишиларга менсимай қараса. Бойлик одамнинг қалб кўзини кўр қилиб, кибр оламига етаклар экан-да.

Э, менга деса осмонга учиб кетмайдими. Ҳозир тайёрадан тушаман-у, яна буларни қаерда қўраман. Бадавлат бўлса ўзига. Бирорга сариқ чақалик нафи тегармиди.

Шу аснода тайёра кўнишга ҳозирлик кўра бошлади. Зимзий зулматда ҳеч нарса кўринмасди. Ана шундагина Қора денгиз устида учиб бораётганлигимизни англадим. Тайёра пастлаган сари жон талвасасига тушгандай қалтирай кетди. Фала-ғовур салон ичи бир зумда тинчib қолди. Ҳамма жонини ҳовучлаб ўтиргани аниқ эди. Дўмбоқ орқасига қарамай қўйди. Очифи, ўзим ҳам унинг нигоҳига зор аҳволда эмасдим. Негаки, тайёра ерга кўнмай яна ҳавога кўтарила бошлаганди. У самода лочин каби кенг давра олиб, яна пастликка шўнғиди. Энди қирғоқдаги чироқлар, ўйинчоқقا ўхшаш кемалар, қорамтири тўлқинлар кўзга ташланиб қолди. Наҳотки қўнолмаса, деган ҳадик, қўрқув барчанинг хаёлини банд этганди. Хайрият, тайёра филдираклари гуп этиб, заминга урилди-ю, йўловчиларнинг кўнгли ўрнига тушди.

Тун авжга чиққанида юкларимни олдим. Икки қўлимда икки қути узум. Йўқ, узум эмас, нақд тошнинг ўзи. Шаҳарга чиқар-чиқмас панжаларим узилиб кетай деб зирқираб оғрий бошлади. Боз устига худди бир нарсадан куруқ қолгандай йўловчилар катта кўчага шошилишарди.

Аэропорт дарвозасидан хатлаб, кенг хиёбонга ўтдим. Димоғимга салқын денгиз ҳавоси урилди. Теварак-атроф гарчи ним қоронғу бұлса-да, ям-яшил либосга үралғанлигини ҳис этиш қийин эмасди. Ёғоч үриндиқтардаги ёш-яланглар бир-бирларининг пинжига суқулиб олишган. Газета дўкончасига суюниб, қалин журнални вараклаётган басавлат кишининг парвойи палак. Оёғи остидаги жомадонни аҳён-аҳёнда тепиб, шу ерда турғанлигига ишонч ҳосил қилгандай яна хотиржам машғулотида давом этади.

Бир амаллаб "газет"хон ёнига етиб оддим. Ундан Ялтага қандай боришни сўрамоқ ниятида эдим. Шу топда қулоғимга андижончасига "Ака, бир минутга мумкинми?" деган ёқимли овоз эшишилди. Зўрга ортимга қарадим. Қўлимдаги юкларни ерга қўйиш ёдимга келмабди. Қай кўз билан кўрайки, тайёрадаги дўмбоқ қиз эндиғина ёмғир севалаган нам йўлак бўйлаб чопиб келарди.

— Ака, — деди у енгил ҳансира. — Сизни дадам йўқлаяптилар. Хайрият, узоққа кетиб қолмабсиз. — У кўзларини жовдиратиб, тикилиб турарди.

— Менда нима ишлари бор экан, — совуққина сўрадим мен. Негаки, болалигимдан бадавлат кишиларга нисбатан яқинлик сезмаганман. Айниқса, боя менга ижирғаниб қараганидан сўнг, ҳатто нафратим ҳам йўқ эмасди.

Дўмбоқ чиройли лабларини жавобга ҳозирлаётганида баланд бўйли басавлат отаси келиб қолди.

— Ҳамشاҳар, мабода Ялтага эмасми? — деди у энди мутлақо бўлак оҳангда.

— Шундай, — дедим қўлимдаги қутиларни акация панасидаги үриндиққа жойлаб.

Ҳамшаҳарим хурсандлигини яшириб ўтиrmади.

— Жуда соз. Мен битта "Волга" ҳайдовчиси билан гаплашдим. Биз учтамиз, сиз билан роса тўрт киши бўлардик. Ўн сўмдангина, розимисиз?

Аслида шу топда ортиғига ҳам хўп дердим. Бу зил-замбил узумларни қандай қилиб манзилгача етказишга бошим қотиб турғанди.

- Сизлар шу ерда кутинглар, мен биратўла машина олиб келаман.

Отаси кетиши билан дўмбоқ менга яқинлашди.

- Кримга савдо-сотик учун келаяпсизми? Кутидаги нима?

Қизнинг бир оз сурлиги ғашимга тегди. Бироқ унинг иирик-иирик кўзлари, юз ифодасида айёрликдан кўра болаларча соддалик зоҳир эди. Дарров кўнглим ийиб, жавоб бердим:

- Дадамнинг танишига узум олиб келаяпман.

- Вой, Қрим узумнинг кони-ку.

- Бу ерда юм-юмалоқ, нордон қрим узумлари этиширилади. Андижоннинг узуми ширали, таъми бўлакча.

- Ҳа, - деди дўмбоқ гапни чўзиб.

Шу аснода яп-янги "Волга" олдимизга келиб тўхтади. Ҳайдовчи чарм куртка, чарм кепка кийган бақалоқ киши эди. Индамай юкхонани очди. Мен қутиларни авайлаб жойладим.

Ҳеч қанча ўтмай машина Симферополь шаҳрини ортда қолдириб, катта ҳарбий трассага чиқиб олди. Негадир ҳамма жимгина кетарди.

Мен ҳайдовчининг турқ-тароватига қараб, беихтиёр ҳамкасбим Тўхташ Ашуроннинг бир гапини эсладим.

Ўтган йили у ҳам Сочига дам олгани келган экан. Дўстлари "ёлғиз таксига ўтирма, шилиб кетишади, ҳайдовчи ҳам ўғрилар билан шерик", дея огоҳлантиришибди. Тасодифни қарангки, ярим кечада "Минералний води" шаҳрига келиб тушган Тўхташ aka Аллердан Сочига қадар таксига ўтиришига тўғри келибди. Такси ҳайдовчиси ярим чақиримча юриб, яна иккита шубҳали кишини машинага чиқариб олибди. Шунда юрагини ваҳима босган Тўхташ aka бир тадбир ишлатибди. Ён чўнтағидан узун, дандон согли Шахрихон пичогини чиқариб, ҳайдовчига узатибди.

— Нега, — деб сўрабди у ғалати йўловчига боқиб.

— Ҳар эҳтимолга қарши, — дебди Тўхташ aka пинагини бузмай.

— Ўзингизга-чи? — деб сўрабди ҳайдовчи беихтиёр.

— Менда тўппонча бор, — деб жавоб қилибди осиёлик.

Негалигини билмадим-у, бир оздан сўнг орқа ўриндиқдаги шубҳали кишилар тушиб кетишди, — дея ҳикоясини якунлаганди Тўхташ ака.

Бироқ бизнинг ҳайдовчимиз ёмон одамга ўхшамасди. Бунинг устига биз тўрт кишимиз-ку.

Кўзим илинган экан. Уйғондим-у, табиатнинг бетакрор гўзаллигидан ҳайратга тушдим. Энди тонг оқармоқда. Тоғ оралиғидаги йўлнинг ўнг томони қалин ўрмонзор. Ям-яшил арчалар, отқулоққа ўхшашиб баргли магнолия, ёнғоқ, каштан, сарв дараҳтлари худди мусаввир қўли билан чизилгандай. Ўрмондан завқланиб, чапга қарамабман. Шундайгина остимизда худди мовий осмон каби құдратли денгиз мавжланиб ётибди. Умримда денгиз кўрмаган эдим, унинг ўзига хос салобати, вахми ва чиройи бўларкан. Сонсаноқсиз кемалар, қирғоққа яқин жойларда кичик-кичик қайиқлар чайқалиб турибди. Денгиз узра парвоз қилаётган чағалайларнинг сон-саноғи йўқ.

Ўйлабман-ки, ҳамроҳларим ухлашиб, бу гўзалликдан бебаҳра қолишяпти деб. Аксинча, ҳамманинг нигоҳи денгизга қадалган эди.

"Южний" меҳмонхонаси икки қаватли, кўримсизгина бино бўлиб, шаҳарнинг пастқам кўчасида жойлашган экан. Имаратнинг олд тарафида икки туп пальма дараҳти худди денгиз пойлоқчиларидаи алп қаддини ростлаб ўсибди. Яна икки туп игна баргли арча, аргувон ва сарв дараҳтлари меҳмонхона саҳнига файз киритгандай.

Ҳамроҳларим юкларимни пальма остидаги ўриндиққа туширишга ёрдамлашишди. Кейин худди қадрдонлари билан хайр-хўшлашаётгандай чуқур тавозе кўрсатишли. Қаерга кўнишлари номаълумлигини айтишиб, таассуф билдиришди. "Волга" илдамлаб кетаркан, орқа ойнадан дўмбоқ қизнинг анча маҳалгача мендан кўзларини узмай турганини кўрдим. Бироқ бу ҳол менда на қувонч, на илиқлик уйғотди. Шу топда хаёлим тамомила бошқа

томонда эди. Тезроқ, совға-саломни эгасига топширсам-у, гүзал шаҳар ҳусну малоҳатидан завқланиш баҳтини насия қилиб, ортимга - ўзимнинг Андижонимга қараб қанот қоқсан.

Хаёлларимга эрк бериб ўтиришимнинг боиси шундаки, ҳали вақт эрталиги боис, меҳмонхона мутасаддилари, табиийки бошлиғи ишга келмаган эди.

Юклардан узоқлашмаган ҳолда кимсасиз йўл охиригача юрдим. Дарвоқе, бу мўъжазгина кўчанинг адоги денгизга тулашиб кетган экан. Тонг саҳарлаб тўлқинлар қирғоққа ёпирилади, соҳилнинг юз-кўзидан ўпид яна ортга қайтади. Зум ўтмай соғинч азоби қийнаганиданми, яна тошу кумлар сиртини силамоққа талпинади.

Қирғоқдаги сув етмайдиган тош устига қўндим. Денгиздан балиқ ҳиди анқирди. Сал нарироқда қармоқ дастасини ушлаб, мудраб ўтирган чол энкайиб мен томонга назар ташлади. Афтидан яна бир ишқибоз келди, деб ҳадиксираган кўринади.

Кўпикланиб эланаётган тўлқинлар бир сафар шиддат билан қирғоққа урилди-ю, юзимга совуқ томчилар сачради. Баҳонада юзимни ювиг олдим. Костюмим чўнтағидан дастрўмолимни олдим. Буни қарангки, рўмольча билан бирга тўрт буклоғлик хат ҳам чиқди. Бу Зайнабнинг мактуби эди. Ўрнимдан туриб, томчилар ҳалал етказмайдиган жойгача бордим. Дуч келган ўриндиққа жойлашиб хатни очдим. Назаримда Зайнабнинг бир оз дағал, ўқтам овози қулоқларим остида жаранглагандай бўлди. "Ортиғали ака!" деб бошланиби тўрт энлик хат. — Бу ёруғ оламда баҳтини ҳамма ўзи излагани маъқул, шекилли. Сиздан гинахонлигим йўқ. Сиз ҳам рози бўлинг! Зайнаб!"

Агар бу гап юрагимни тирнамади, десам бари бир ишонмайсизлар. Рости, дилимда оғриқ уйғонди. Ахир уч йил битта аравада манзил қидирган бўлсанг-у, Йўлнинг бошидаёқ ҳамроҳингдан ажралиб қолсанг, ачинмайсанми? Начора, бир-биrimизга меҳримиз йўқлиги баробарида арзододимиз ҳам ошиб-тошиб кетмаганди. Ўртада оилани

мустаҳкамловчи фарзанд күрганимизда-ку, олам гулистон эди-я. Тақдир бизга бу бахтни ёрлақамади. Қачондир ажралишимиз ақлға ишора эди. Зайнаб бўладиган ишни тезроқ бўлдириб кетди. Отасига балли.

Меҳмонхона эшиги очилиб улгурмасдан, осмондан тушгандай одам кўпайиб кетди. Қалин қора жомадон, енгил дипломат тутган меҳмонлар ўзларини бетакаллуф ичкарига уришди. Мен ҳам туртина-суртина иккинчи қаватдаги қабулхонага етиб бордим. Узумларни фойега қўйдим.

Қабулхона дид билан жиҳозланибди. Юмшоқ мебеллар, чет эллардан келтирилган қорамтири қизғишранг жавонлар, йирик ойналар, чиройли тувакчалардаги гуллар кўзни қамаштиради. "Бошлиқ" деб ёзилган, қора чарм қопланган баланд эшик ёнига узун стол қўйилган. Стол ортидаги айланма креслода ўрта ёшдаги жозибали жувон — котиба меҳмонларни чиройли нигоҳ ва гўзал лутф ила таклиф этди. Кутувчилар орасида қизил ва оқ ҳошияли шим кийган, погони каттакон юлдузли генерал, оппоқ соchlари тартибсиз сочилиб ётган, қалин кўзойнаги бурнининг устига омонат қўндирилган Фанлар академиясининг академиги, космонавт учувчи ва яна жудаям сипо кишилар борлиги мени бир оз эсанкиратиб қўйди. Ўҳ-ҳў, ҳали булар қачон қабулга кирадилар-у, қачон мен мусофирга навбат етади. Аслида бу масъулиятни зиммамга олмаганим яхши эди. Баҳонада бирор югурдак Кримни томоша қилиб кетармиди.

Чарм қопланган эшикка ўрнатилган қўнфироқ майин садо берди. Котиба аёл худди Голливуд актрисаларида нафис ҳаракатлар билан ичкарига йўналди. Шу аснода ўн-ўн беш дақиқа ичкарида қолиб кетди. Генералга тикилдим. Унинг катта юзи, кенг пешонаси, кўм-кўк кўзларида бетоқатлик аломати кўринмади. Академик ёш боладай бошини бўйнига қисиб, журнал вараглаяпти. Космонавт деворга илинган портрет манзарасига завқланиб қарайапти.

Эшик оҳиста очилди-ю, котиба барчамизга қаратса:

— Ўзбекистондан ким бор? — деди.

Мен унга юзландим.

Шунда котибанинг қип-қизил лаблари, таранг чеҳрасига табассум ёйилди.

— Марҳамат, Иван Васильевич сизга мунтазир.

Ҳозир қабулхонада жанжал қўпса керак, деган хавотирда андек тараддулландим. Бироқ ҳеч кимдан садо чиқмади. Дадилланиб, котиба аёл очиб турган эшикка йўналдим.

Кенг ва ёруғ хонанинг тўрида ястаниб ўтирган бошлиқ ҳурмат юзасидан ўрнидан туришга уринди-ю, бироқ бу ҳаракати муваффақиятсиз чиқди. Бу ҳолдан сира афсус чекмаган кўйи, узун қўлини менга узатди.

— Боря тушмагур ажойиб йигит-да, — деди у сигаретини чуқур тортиб. — У менга ўйлагандан ҳам катта мавқега эгалигини шунда чуқурроқ англадим.

— Ҳозир ҳайдовчим билан борасизлар, - деди у худди давлат аҳамиятига молик жиддий масалани ечаётгандай. - Бир қути узумни бизникига туширасизлар. Қолганини икки қисмга бўлиб, Юрданидзе билан Алексейнинг хонадонига элтиб берасизлар. Ҳайдовчим ўзи ҳамма ишни пиширади. Сени ҳам меҳмонхонага жойлаб қайтади.

У шундай деб қаршисидаги осма соатга қаради.

— Сен билан кечки таомни бирга баҳам кўрамиз. Унга қадар соҳилга бор, мазза қилиб чўмил, жононлар билан суҳбат кур. Аммо ёш экансан, эҳтиёт бўл. Бу ерда лаққалар кўп, яна ютиб юборишмасин. Оврўпа қизлари осиёликларни ёқтиришади.

У ўз гапидан ўзи ҳузур қилиб кулди. Энди савол-жавоблар ортиқча бўлишини сезиб, индамай ташқарига йўналдим.

\* \* \*

"Ялта" меҳмонхонаси шаҳардаги энг маҳобатли ва мафтункор кошона экан. Ўзиям шундоққина денгизнинг пешонасида қад ростлаган. Кўп қаватли бу қасрга етти иқлим, тўрт қитъадан меҳмонлар ташриф буюришаркан. Ярим яланғоч америкаликлар, баданига зайдун ёғи суртилгандай йилтираб турувчи хабашлар,

малайзияллар, японлар (Эх-хе, қай бирини санайсиз). Қизиги шундаки, улар бу ерда худди катта холасиникига келгандай эмин-эркин юришарди. Шунда озод юртнинг одамлари қаерга бориши масин ўзларининг ҳурлигидан баҳтиёр яшашар экан-да, деб ўйладим.

Кечки овқат меҳмонхонанинг биринчи қаватидаги ресторанга айтилган экан. Бизни шу даргоҳ бошлиғи Георгий Юрданидзе меҳмонга таклиф қилибди.

Билдимки, Ялта шаҳридаги меҳмонхоналар мутасаддисининг энг қалин икки оғайниси бор. Бири шу мезбон, иккинчиси йўловчи ташиш флотининг адмиралি Алексей амаки.

Очиғи дўстларга ҳавасим келди. Ҳаммаси ўзига яраша обрў-эътиборга эга, бадавлат — қўлини қаёққа узатса, етадиган кишилар. Дадамнинг дўсти ҳам бало экан. Шу ерданки таниш ортирибди, қойил! Унинг ҳурматидан бир ўзимга икки хонали "люкс" жой беришди. Ҳолбуки менман деганлар ҳам меҳмонхонадан битта жой ололмай, овораи сарсон бўлишаётганини ўз кўзим билан кўриб турибман.

— Хўш, йигит, жойлашволдингми, — деди Подлобошников қадаҳларга ароқ қўйилиб бўлгач. — Яхши, унда соғ-саломат келганлигинг учун ичамиз.

— Боря учун ҳам. — Кўшиб қўйди Юрданидзе грузин лаҗжасида дўриллаб.

Юм-юмалоқ, юзидан чертса қон томадиган адмирал шошилиб "отиб" қўйгани учун узр сўради. Бироқ хос соқчидай тепамизда турган официант чаққонлик билан унинг олдидаги билур идишни яна тўлдириб қўйди. Амаки ортиқча такаллуфсиз унисини ҳам енгил бўшатди.

— Энди гап бундоқ. — деди Иван Васильевич. — Қора икрани юпқа кесилган нонга суртар экан. — Эртага денгизда саир қиласиз. Алексей амакинг янги "Машина" олган. Шундайми, Алексей?

Адмирал оғзига яқинлаштириб қўйган қадаҳни ортга қайтаргиси келмай, сипқориб юборди-да: — Шундай, шундай деб бош ирғади.

— Анови шалоғи чиққан катерни рўпара қилма! — Яна бир бор таъкидлари мөхмонхоналар мутасаддиси.

— Эсимни ебманми, Иван! Ўзи янги пароходнинг "оёғини кўришимиз" керак эди-да. Боз устига ошпазлар ҳам қулинг ўргулсан йигитлар. Мана кўрасан, вақтинг беҳуда ўтмайди. То "Қалдирғоч уяси" гача бориб қайтамиз. Хўп десанг, Анапага ҳам ўтишимиз мумкин.

Иван Васильевич мамнунлигини сездирмай, жилмайиб қўйиш билан кифояланди. Навбатдаги луқмадан сўнг у яна менга ўгирилди.

— Боря Андижондаги энг мард йигит. Афсус, ўзи келолмабди. Сен ёш бўлсанг ҳам бизнинг азиз меҳмонимизсан. Шу боис сира тортинма. Кўнглинг тусагунча юравер, жойдан ҳижолат бўлма. Сариқ чақа олишмайди. Мабодо пулинг тугаб қолса айтасан, келишдикми. Зерикканингда тайёрага чипта тайёр. Фақат бир кун аввал огоҳлантириб қўясан.

Шу пайт ресторанинг мусиқа саҳни томондан тилларанг сочли, хипчабел, оғатижон париваш буралиб-буралиб келиб, дўстларга салом берди. Хизматдаги йигитлар дарров битта стул келтиришди. Бироқ паризод ўтиришга кўнмади. Иван Васильевични рақсга таклиф қилди. Мезбон аёлнинг қулоғига нимадир деди. Унинг чиройли, пардозандози ярашиқли юзига табассум кўнди. "Хўп" дегандай бош ирғаб, менинг ёнимга ўтди.

— Қани ўзбек йигити, шу жонон билан битта рақс тушгин-чи.

Бутун аъзои баданим қизиб, юзим анор тусини олди. Аввалига "оқсоқол" ҳазиллашаяпти, дедим. Бироқ соҳибжамол илтифот ила кутиб турарди.

Яхшики, институтда ўқиб юрган кезларим рақс тўғарагига қатнашгандим. Сир бой бермаслик мақсадида оҳиста ўрнимдан турдим. Бетховеннинг таниш вальси янгради. Ресторандагиларнинг нигоҳи бизга қадалган эди. Дастьлабки ҳаракатларда аёлни "етаклаб" юришда бир оз хатога йўл қўйдим-у, кейин ўзимни қўлга олдим. Шеригим

чиндан ҳам бу борада ўз ишининг устаси эди. У менинг нўноқлигимни усталик билан яширишга ҳаракат қиларди.

Ниҳоят, рақс тугади. Мен аёлга миннатдорчилик билдиридим. У тиззаларини хиёл букиб, таъзим илилтифотимни қабул қилди.

Жойимга келиб ўтирганимда ҳамроҳларим:

— Боря кимни қаерга юборишни билади, — дея ҳазиллашишиди.

Кечки тановвулдан сўнг улар мени қирғоқда қолдиришиб, уй-уйларига тарқалишиди.

Соҳил бўйлаб чўзилган узун ва равон хиёбон сайр қилгувчилар билан тўла эди. Сон-саноқсиз чироқлар теварак-атрофни худди кундузгидай ёритиб турарди. Денгиз сокин, майин шаббода эсиб, юз-кўзларингизни авайлабгина силайди. Тунги бар, ресторонлар эшиги олди тирбанд. Одамлар кечки салқинда дўстлари, ёр-оғайнилари, маъшуқалари билан дилдан суҳбат қурмоқ истайдилар.

Мен ҳам пальма дараҳтлари қатор экилган хиёбон бўйлаб секин-аста юра бошладим. Шошилиб қаерга ҳам бораман. Ётар жойим тайин.

Атроф гавжум, бироқ одамлар орасида ўзингизни танҳо сезиш оғир экан. Ҳеч бўлмаса тайёрадаги янги танишларимни учратсам жон-жон дер эдим.

Қарангки, оҳим Аллоҳга бунча тез етиб боради, деб тасаввур ҳам қилмагандим. Қаршимда ўрта бўйли, курашчиларга ўхшаҳ хипчабел, елкалари кенг, хушсурат йигит турарди. У анчадан буён мени кузатиб юрган экан.

— Ўзбекистонданмисиз, — деди у қулочини ёзиб.

— Андижонликман, — дедим юртдошимни бағримга босиб.

— Ҳайрият-еј, бир ҳафтадан буён якка-ёлғиз юравериб, жоним хиқилдоғимга келди. Мен ҳам андижонликман. Курилишда бош муҳандисман, ўзингиз-чи?

— Мен маданият ходимиман.

— Шунақами, унда жуда яхши. Бир мириқиб дам олайлик. Ёлғизлик яратганга яратар экан. Келганимдан

буён ўзимни қўйгани жой тополмайман. Учрашганимиз яхши бўлди-да. Ҳа, айтмоқчи, исмим Тальят, шарифим Ҳакимхўжаев. Сизники-чи?

Мен қулогимдаги ортиғимни кўрсатиб, дедим:

— Ортиғалиман, далилим ҳам бор.

У хузур қилиб кулди.

— Яхши — паспортиңгиз ўзингиз билан бирга юаркан.

Икки ҳамشاҳар юракдан гаплашиб, хиёбон адогигача бориб қолибмиз. Шу ерда изимизга қайтдик. Сув транспортига чипта сотиладиган бекатда тушлиқдан кейин учрашишга ваъдалашиб ҳайрлашдик.

— Эртароқ кўришсак ҳам бўлаверарди, — деди у изоҳ бериб. — Бироқ мен уйқучиман. Яна кечикиб қолиб, хижолат куйига ўйнаб юрмай.

Меҳмонхонадаги шоҳона ўриндиққа чўзилиш олдидан деразани очдим. Очдим-у, юрагим орқамга тортиб кетди. Назаримда кўк-қорамтир денгиз худди бурнимнинг остида мавжланаётгандай туюлди. У шу қадар поёнсиз, шу қадар адоқсиз эди-ки, худди коинотга ўхшарди. Бунаقا манзарани фақат тушда кўриш мумкин. Бир томондан ваҳминг келади, иккинчи томондан денгизнинг ўзига хос жозибасидан кўз узолмайсан.

Бу Қрим деганлари нақ жаннатнинг ўзи экан-да, ҳавоси мўътадил, табиати гўзал, одамлари чиройли, бадавлат. Энг муҳими — ҳамма ўзини хурсанд қилиш билан овора, бирор билан бирорвнинг иши йўқ.

Яхшиям дастёрлик менга тушибди. Акс ҳолда бу ерларни кўриш, завқланиш қаёқда эди, дейсиз. Яна ҳаётимдаги энг оғир кунларда бу саёҳат айни муддао бўлди. Вақт ўтиши билан жароҳатим босилади, Зайнабни унутишим осон кечади. Рости унга анчагина боғланиб қолган эканман. Тойни мингандан, хотинни ўлганда мақта, дейдилар. У мендан узоқлашганда ёмонлиги пинҳон-у, яхшилиги ошкора намоён бўляяпти. Тақдир бизларни жуфт кўрмоқликни истамаган экан, начора. Бу ёфи пешонада ёзилганини кўрамиз-да. Аслида муҳаббатсиз оила куриш

хатарли таваккалчылык билан баробар. Фарзандсизлик ўрнини севги, меҳр-оқибат бемалол босарди. Бизда на униси, на буниси бор эди. Оддийгина күниши туфайли узоққа боролмаслигимиз аён эди.

Деразанинг бир қанотини қия очиб, оппоқ чойшаб түшалган ўринга чўзилдим. Ётишимдан илгари иссиқ душда чўмилганим боис шамоллаб қолмаслик учун устимга тивит тўшакни тортдим. Йўл азоби — гўр азоби деганларидай, бир зумда тарашадай қотиб қолибман.

Туш кўрибман. Зайнаб ҳадеб бўйнимга осилиб йиғлармиш. "Мен-ку аёлман, эркак бўлиб нега сиз ҳаётимизни изга сололмадингиз? Нега менга қаттиққўллик қилмадингиз? Бор айбингиз, кўнгилчанглигингизда!" — дея кўзларидан юм-юм ёш оқармиш. Менинг ҳам дилим вайрон, ҳадеб уни юпатишга ҳаракат қиласмишман-у, бироқ овозим бўғилиб қолганмиш. Ўзимни ўнгу сўлга урганим билан товушимни ўзимдан бўлак ҳеч ким эшитмасмиш.

Зайнаб, "оғзингизга талқон солиб ўтирибсизми" — дея ҳафа бўлиб ташқаридаги отга миниб, чопиб кетармиш. Жон ҳолатда уни қувиб етмоқчи бўлармишман. Қаршимда онам кўринганмиш. Қўлларимдан ушлаб, "энди унга етолмайсан, болам, эсингни йиғ, ҳеч замонда эр, хотинига ялиниб, орқасидан чопиб юрадими" дермиш. Иккиланиб турганимда дадам пайдо бўлганмиш.

— Ўғил бола тош келса кемириб, сув келса симиради, сен худди гўдакка ўхшайсан-а, қани, уйга кир!

Ота рози — худо рози. Бош эгиб, оstonадан ичкарига кирганмишман. Шу пайт ҳовлимиз саҳнидаги атиргулга кўзим тушганмиш. У қип-қизил фунча бўлиб, энди очилмоқча чоғлангандай гўзал ҳолатда туармиш. Фунча сиртидаги шудринг томчиси садаф каби товланиб, омонатгина йилтираб, диққатни жалб этармиш. Юрагим энтикиб, гулга талпинганмишман. Узоқ томоша қилиб, тўйиб-тўйиб ҳидлаганмишман. Унинг ифорини бутун вужудим билан ҳис этиб, гўё гул ҳидидан сармаст

бўлгандай, кўзларимни бир нафасга юмганмишман. Ўша бир нафас ичиди кимдир қўл узатиб, фунчани юлиб олиб кетганмиш. Дод деганимча ҳовли саҳнида бўзлаб тураверибман.

Бир маҳал қарасам, пар ёстиғим нам тортибди. Аниқ-равшан кўрган тушимдан таъсиrlандим, анчагача дилимда хижиллик ёзилмади. Туш таъбирини нимага йўйишга ожиз эдим. Ўйлаб-ўйлаб, Зайнабнинг ҳижронига менгзаб қўя қолдим. Шу пайт олдимда яна қандай савдолар борлигини, салкам бир ойда бир умрга татигулик воқеалар содир бўлишини қаёқдан билай.

\* \* \*

— Акажон, майлими сиздан бир нарсани сўрасам?

Денгиз қирғоғидаги тижорат дўконидан югуриб чиқсан нозиккина қиз менга мурожаат қилаётган эди.

Даставвал ҳеч нарсани тушунмай анграйиб қолибман.

— Менга гапирияпсизми?

Қиз пик этиб кулиб юборди.

— Қизиқсиз-а, ахир сиздан бўлак ўзбекча биладиган одам борми бу атрофда.

Яқин-орада ҳеч кимса кўринмади.

Унга тикилдим. Тикилдим-у, ичимда нимадир чирт этиб узилгандай туюлди. "Эсим оғиб қолди", десам эҳтимол ошириб юборарман. Лекин, ишонинг, шу ёшгача бундай чиройли қадду қомат, бундай моҳичеҳрани кўрмагандим.

Нигоҳимни узмай турганимдан қиз ўнғайсизланди. Яна ҳам яқинроқ келиб, секингина илтимос қилди.

— Анави дўконда оппоқ парча сотиляпти. Лекин у икки кийимлик экан. Менга фақат бир кийимлик керак. Ярмини сиз олмайсизми, келинойим жудаям хурсанд бўлади сиздан.

У худди "хотинингиз борми?" — деб сўрагандай бўлди, тилимга шу гап келди.

- Кеннойингиз биздан юз ўғирганлар.

Қизнинг қоп-қора, чарос кўзлари катта-катта очилди.

— Шуям ташвишми? Сиз ҳам ўша киши юз ўғирган томонга ўтиб олинг, тамом, вассалом.

У ниҳоятда бегубор, ёш боладай маъсума эди. Мавзуни чуқурлаштирумай, мўъжазгина дўконга кирдим. Ортимдан қиз ҳам чопқиллаб келди.

— Гулсум опа, мана, харидор топдим.

Тижорат дўконларига денгизчилар Туркия, Миср, Ироқ каби араб давлатларидан турли анвойи газмоллар олиб келиб топширишар, дўкондорлар эса, уларни маҳтал қилмай, борига сотар эканлар.

Баҳонада уйга совға ҳам олдим. Харидимдан хурсанд эдим.

— Раҳмат сизга, синглим, айнан шундай кийимликни қидириб юргандим.

— Арзимайди, — деди қиз бошини хиёл эгиб қулар экан.

— Харид сабаб ҳамюртлар топишиб олдик. — Танишинг, бу киши Гулсум опамлар. Туркманистоннинг Тошовузидан.

— Ўзингиз-чи?

Гулсум опа 35-40 ёшлардаги ўрта бўйли, қорамагиздан келган, сулувгина жувон эди. Боз устига бир оз шаддодроқ чиқиб қолди.

— Бу қиз Тошкент маликаси: исми Фаридахоним. Хайрон бўлишга шошилманг. Биз Алуштадаги сиҳатгоҳда танишганмиз. Бир кўришда опа-сингилдай сингишиб кетдик. Шунақами Фарида?

Фарида ёш боладай эркаланди.

— Шунақа, опажон. Энди акамиз сир бўлмаса, ўзини ошкора этар?

Ҳамюртларимни ортиқ куттириб ўтирумадим.

— Андижондан келганман. Исмим — Ортиғали.

— Жудаям чиройли номингиз бор экан, — деди Гулсум опа.

— Унчалик эмас, уялтируманг, — дедим негадир ўз исмимдан ҳижолат тортгандай.

Туркман аёли бўш келмади.

— Нега ундин дейсиз? Масалан, бизда Ортиғалилар жуда қадрланади. Берди оғанинг "Дадил қадам"ини ўқиганмисиз?

— Ўқиганман.

— Ана кўрдингизми, шу романнинг бош қаҳрамони ҳам сизнинг исмингиздаги йигит. Агар шу номнинг маъносига етмаганида ёзувчи ё Бердимурод, ё Сапармурод, ёки Дурди деб қўяқолмасмиди?

Янги ҳамроҳимнинг изоҳи жўяли эди, бошим осмонга етиб, яйраб кетдим.

Ярим оролнинг қуёши билан шаббодаси ҳамоҳанг юради шекилли. Аммо шунисига ҳам шукр. Чунки денгиз сабоси эсмаганида қуёш ёндиради, шаббода забтига олганида дарров бадан жунжукади. Айниқса, эрталабки елвизакнинг заҳри қаттиқ эди.

— Тамадди қилиб олсак, нима дейсизлар!

Таклифим қизларга маъқул тушди. "Ялта" меҳмонхонаси рўпарасидаги "Соҳил" қаҳвахонасига кирдик. Овқатланиш асносида қизиқ-қизиқ гаплардан айтиб кулишдик. Бир соатлик дийдорлашув баробарида худди эски қадрдонлардай бўлиб кетдик.

Гулсум опа туркман аёлларига сира ўхшамасди. Биринчидан, миллий либос киймаганди. Иккинчидан, анча ҳазил-мутойибага ўч, гапга чечан, ўрни келганда отасини ҳам аямайдиганлар хилидан эди. Унинг бодом қовоқлари орасидаги тиниқ кўзлари кишига хумор боқар, нигоҳи билан ҳар қандай эркакнинг хаёлини ўғирлаб қўярди.

Фарида эса, эндиғина йигирма ёшларга борган, маъсума, елкасини қучган соchlари майин, Хазрат Атойи таърифлагандай, бир қултум сув билан ютгудай қиз эди.

— Биласизми, Қrimda нима ёқди? — кутилмаганда менга мурожаат қилди Фарида. Бу пайтда қирғоқдан бир оз тепароқдаги истироҳат боғида, қалин шохлари соя солиб турган дарахтлар остидаги ўриндиқда музқаймоқ еб ўтирардик.

— Албатта денгиз-да, — дарров жавоб бердим.

Фаридадан аввал Гулсум опа эътиroz билдириди:

— Тополмадингиз йигит. Аввал ўйла, кейин сўйла дейдилар.

Опа ўзбек тилида bemalol галирарди. Ўзи ҳам овулда ўзбек болалари билан бирга ўсган экан.

Бир оз фикрлаб, хаёлимга келганини айтдим.

— Орол ҳавоси дилингизга ўтиргандир.

— Яна адашдингиз, — деди Гулсум опа шарақлаб кулиб.— Пари, йигитни қийнама, ўзинг айта қол.

Фарида ўрнидан туриб, қаршимиздаги азим дарахтни беозоргина силаб-сийпалади.

— Мана шу магнolia дарахтини жуда-жуда ёқтириб қолдим. Биласизми, бу ўсимлик Кримнинг гули экан. Қаранг, япроқлари ям-яшил, катта-катта. Энг муҳими, доимо энди ювилгандай топ-тоза туради, ўзига гард юқтирумайди. Агар ёмғир ёғаётганида кўрсангиз борми, худди юпун кийинган келинчакдай бирам титрайдики, раҳмингизни келтириб юборади. Ёмғир тиниши билан барглари ялтираб, тўлишиб, теварак-атрофга кўрк бағишлади. Умуман, магнolia — менинг дарахтим.

Очиғи, мурғаккина қизнинг қалбида бу қадар ҳис-туйғу борлигини сира кутмагандим. Шу топда у кўзимга янайм маъсума, янайм жозибали кўринди.

Афсуски, қизнинг эҳтиросларини қадрдон опажоним тўхтатиб қўиди.

— Эй қизалоқ, шошма энди. Бу ёруғ дунёда дарахтдан ҳам қадрли одамлар бор. Сенинг кўзларинг фақат күшларни, ўсимликларни, гиёҳларнигина кўради, холос. Айт-чи, эҳтимол Ортиғалини ҳам кўрмаётгандирсан.

Фарида иккаламизнинг ўртамизга келиб ўтириди. Ундан димогимга муаттар бўй урилди.

— Ортиғали акам яхши инсонга ўхшайди. Мана биз учун шунча вақтини аямади, дўкондан мато харид қилишимизга кўмаклашди. Яна бир марта раҳмат, ака.

Ака деган оддийгина сўзнинг залворини, таъсирини илгари бунчалик сезмагандим. Фарида ҳар сафар "ака" деганида, гўё унинг латиф овози юрагимда акс-садо бераётгандай, кўнглим орзиқиб кетарди.

Мен уларнинг кетишини сира истамасдим. Бироқ айни шу фикрлар дилимда уйғонган маҳал Гулсум опа ўрнидан қўзғалди.

— Энди биз маконимизга кетайлик.

Сир бой бермаслик учун мен ҳам оёқقا турдим.

— Қаёқقا борасизлар, ўзи?

Фарида маъюс жилмайди. Құлларини олдинга чўзиб, тоф оралиғидаги ўрмонзорни кўрсатди.

— Наҳотки, ўрмонда сиҳатгоҳ бор?

— Нафақат сиҳатгоҳ, у ерда шаҳарча ҳам бор. Нима, сиз Алушта ҳақида эшитмаганмисиз?

— Алушта! Номи чиройли экан. Ўзи ҳам гавжум, гўзал жой бўлса керак?

Гулсум опа гапни илиб кетди.

— Нимасини айтасиз. Асли кичкинагина шаҳарча, бироқ довруғи етти иқлимга тараған. Дунёда энг ҳавоси мусаффо, табиати бетакрор, сўлим жой Алушта ҳисобланади.

Биз сув транспорти чиптахонаси томон юраётгандик. Шу топда дилимда нималар кечәётганини англашга ожиз эдим. Ҳеч қачон бундай кайфиятга тушмаганман. Рост айтаяпман, ҳаттоки Зайнаб мени ташлаб кетганлигини билганимда ҳам ҳозиргидай ҳаяжонланмагандим. Назаримда бу аёллар минг йиллик қадрдонларимга айлангандай. Айни чокда уларни қолинглар, дейишга менда асос ҳам, имкон ҳам, баҳона ҳам йўқ эди.

Мен харсанг тошлар билан қурилган қўргонга бориб, очиқ деразадан мўраладим.

— Қаерга? — деди қўнғиз мўйловли, қорагина кавказ йигити столдан бош кўтармай.

— Алушта, — у жавобимни эшитди-ю, яна қимирамай сўроққа тутди.

— Нечта?

— Иккита.

Чиптани олиб, ортимга ўгирилиб улгурмасимдан кечаги таниш овоз эшитилди.

— Ортиғали, бормисиз, биродар!

Чиптахонанинг қоқ томида (бу "том" сайд майдончаси билан тулаш эди) Талъат ака турарди. У кечагидан ҳам "олифта" кийинган, қора кўзойнакда худди ҳинд киноактёрларига ўхшаб кетарди.

У "том"дан сакраб тушди. Қўлимдаги чиптани кўриб, таажжубланди.

— Ие, ҳали бизни ташлаб қочвормоқчимидингиз. Э, йўқ, унақаси кетмайди. Энди зериккунча бир-бири миздан айрилмаймиз. Очиги, кечаси билан сизни ўйлаб чиқдим. Маданият соҳасида ишларкансиш-у, бироқ жудаям содда экансиз. Заари йўқ, ҳали ёшсиз, худо хоҳласа қозонда қўғиргандай тобланасиз. Бу ҳаёт дегани пишмаганингизга қўймайди. Хўш, қаёққа отландингиз? Ахир бугун режага кўра ресторонда отамлашмоқчи эдик-ку.

Мен янги танишларим ўтирган томонга ишора қилдим.

— Қизларни Алуштага қузатялман.

Талъат ака бирдан ҳушёр тортди.

— Қизлар дейсизми? Қанақа қизлар, опасингилларингизми?

— Йўқ, эрталаб танишдик. Сиҳатгоҳда даволанишаётган экан.

— Э, шунақа демайсизми. Қани ўзлари. Анови ўриндиқда гаплашиб ўтирганларми? Ўҳ-ҳӯ, зўрку. Дидингиз чакки эмас. Мен сизни танқид қилибман-а. Роса ичингиздан пишган экансиз-ку. Қойилман сизга. Лекин уларга жавоб йўқ, бутун қолишади, уқдингизми??

Мен шитоб билан бекатга қараб юра бошлаган ҳамشاҳаримнинг тирсагидан ушлаб тўхтатдим.

— Талъат ака, илтимос, яна уларни хафа қилиб қўйманг. Яхши аёллар экан.

Талъат ака хоҳолаб кулиб, елкамдан кучди.

— Э дўстим. Эркак киши аёлларни ранжитармиди, аксинча, хурсанд қиласи, кўнглини овлайди.

— Ана шу кўнгил овлашингиздан хавотирдаман-да. Яна...

— Бўлди, Талъат акангиз ҳам одам. Қани, кетдик, қаранг ўзлари зерикиб қолишибди.

Юрагимни ҳовучлаб янги танишлар томон юрдим. Негадир Талъат акаси тушмагур аёлларни кўрса суюлиб кетадиганлар хилиданга ўхшади. Бироқ, одоб-ахлоқ доирасидан чиқмаса керак, акс ҳолда жиддийроқ гаплашаман деб кўнглимга туғиб қўйдим.

— Ассалому алайкум, ўзимнинг оғатижон сингилжонларим!

Талъат ака худди қирқ йиллик қадрдонлар каби сўрашди. Ҳар иккаласига жилмайиб боқар экан, кўзларидан олов чақнагандай туюлди. У суҳбатга яна ўт қалади.

— Укажоним, оврўпача тарбия кўрган. Бўлмаса азиз меҳмонларни дарров кузатишга чоғланармиди. Энди гап бундоқ. Ҳозир энг сўлим жойдаги ресторонга бориб бир оз суҳбатлашамиз. Мусофир юртда ҳар ким ўз қадрига ўзи етмаса, бирор билан бирорнинг нима кори бор.

Бу таклифга "алушта"ликлар йўриғи билан рад жавобини беришиб, узр сўрашди.

— Бизда интизом анча кучли, яна сиҳатгоҳдан қувилиб турмайлик, — деди Гулсум опа.

Унинг гапидан ичимда шодлансан да, сиртимда ўзимни Талъат акага хайриҳоҳдай тутардим. Шеригимнинг бу ҳолатдан кайфияти тушса керак, деган иштибоҳга борганимда, кутилмаганда у ҳам бу фикрни маъқуллади.

— Эркакларга мардлик, аёлларга ҳаё либос саналади. Сингилжон, шу каломингизнинг ўзиёқ сийратингизни намоён этди. Қойилман. Хўш, унда эртага кўришамиз. Келишдикми?

Фарида худди бу гапларнинг унга алоқаси йўқдай хотиржам эди. Унинг чиройли, ойдай юзида беғуборлик зухурланганди.

— Майли, — деди кутилмаганда Гулсум опа розилик билдириб. - Эртага имкон топиб келармиз.

Англадимки у шу йўл билан вазиятдан чиқмоқчи. Лекин андижонлик йигит ҳам анойилардан эмасди.

— Э йўқ сингилжон, сизларни уринтириб кўярмидик. Яхшиси ўзимиз олиб келамиз. Ахир шундоғом бекорчимиз-ку. Эрталаб соат ўнда қошингларда мунтазир бўламиз.

"Ракета" йўловчиларни чорлади. Талъат ака Гулсум опанинг бўғим-бўғим оппоқ билагидан авайлабгина ушлаб, қайиқقا ўтиришига ёрдамлашди. Улар олдинда, Фарида бир оз орқароқда эди. У чайқалиб турган қайиқчага сакради,

сакраш олдидан менга бир бора нигоҳини ташлашни унутмади, юрагим яна шув этиб кетди. Бу шум қизалоқнинг тим қора кўзларида сеҳр бормиди?

Ҳайдовчи моторни ўт олдирди. Гулсум опа қўлларини кўтариб хайрлашди. Фарида эса, бу сафар менга яна ўтли қарашини совға қилиб, олдинга қараб ўтириди.

Талъат ака токи уларнинг қораси қўринмай кетгунича икки кафтини маҳкам жипслаган кўйи, бошидан баланд кўтариб олқишлиди. Кейин менга ўгирилди.

— Балосиз-ку, Ортиғали. Умримда бундай қўш кабутарни кўрмаганман. Аммо-лекин буларни кўлга ўргатиш ҳамирдан қил суғургандай осон кўчмайди. Шунинг учун донни мўлроқ сепиш керак.

— Дон деганингиз пулми, — дедим норозилигимни ошкора изҳор этиб. Шеригим овозимдаги оҳангга заррача парво қилмади.

— Тўғри, пул бўлса ҳовучингизда шўрва қайнайди. Лекин мен дон тимсолида яканни назарда тутмадим. Аллоҳ инсонга ақл-заковатини ифодалаш учун тил, забон ато этган. Аёл қалбига йўл фақат ҳамду сано, хушомаду мақтов билан очилади. Дунёдаги энг хунук аёлга бориб "Сиз бу оламнинг энг ёниқ чирофисиз, танҳо гўзалсиз" — деб қўринг, ўлай агар ишонади. Ҳали ўзини бедаво деб ҳисоблаган бирон хотин зоти онасининг қорнидан тушмаган.

Денгиз қирғоги ёқалаб борардик. Талъат аканинг мушоҳадасидан қўланса бўй тарапландай афтим бужмайиб кетди чоғи. Бу ҳолатим унинг синчков назаридан четда қолмабди.

— Ҳов йигит, — деди у бир оз зардали тусда. — Ҳадеб бурнингизни жийираверманг. Сиз ҳали хом экансиз, ҳали кўзингиз очилмабди. Ахир бу аёллар нима деб юрибди мусоғир юртда. Бирон меҳрибони йўқдир. Эътибор бердингизми, мени кўриб, ҳар иккаласининг рангига қизиллик югурди. Нега? Негаки улар шу топда яхши гап гадоси. Уларга ҳам ҳаёт завқини суриш, дил чигалларини

ёзиш ёқади. Сиз худди ёш болага ўхшайсз. Кечирасиз-у, тошбақа ҳам тухум туғиб ҳеч кимга күрсатмай, ўзи тикилиб ўтираверади.

— Бари бир аёлларга беписандлик билан қарашга қаршиман. Сизнинг мақсадингиз аниқ. Бугун күнгилхушлик қиласиз-у, эртага қорангизни күрсатмай қочасиз. Яна янги ёр излайсиз. Ахир, шу ҳам инсофданми?

Талъат ака бу сафар оғиз очмади. Қоп-қора, ялтироқ туфлисини ечди, пайпогини унинг ичига тиқиб, шимини тиззасига қадар турмакладида, мавжланиб турган денгиз ичкарисига юриб кетди. Анча пайт сакраб-сакраб, түлқинлар билан ўйнади. Кейин ёнимга келиб, аста елкамдан қучди.

— Сиз ҳақсиз, Ортиғали, — деди юмшоқ оҳангда. — Афсуски, бу ҳақиқатнинг пуч ёнғоқчалик қадри йўқ.

Энди жавобга оғиз жуфтлаганимда, күрсаткич бармоғини лабларимга кўндаланг кўйиб деди:

— Мен файласуф эмасман, оддий қурувчиман. Фикрларим ҳам шунга яраша. Аслини суриштирангиз, бу дунёда ҳеч бир иш сабабсиз рўёбга чиқмайди. Демак, бугунги учрашувимиз ҳам бежиз эмас. Энди, эртанги кунга ҳозирлик кўраверинг.

— У пойабзалини кийди-ю, нам кум устида чуқур-чуқур из қолдириб, қирғоққа қараб юрди. Мен истар-истамас ортидан эргашдим.

\* \* \*

Энди ваннадан чиққандим. Эшик оҳиста чертилди.

— Кираверинг, — дедим мен кўзгу олдида сочимни куритар эканман.

Остонада официантларга хос кийинган, кўзлари кўмкўк, сочи жингалак, енги калта кўйлагидан мушаклари бўртиб турган, хуштавозе йигит кўринди.

— Сизни ташқарида кутишяпти, — деди у майин лутф ила.

Шошиб девордаги соатга қарадим. Кўрфазда бир оз ушланганлигим панд берибди. Тезда кийиниб, паствга

тушдим. Мезбонлар — яъни Подлобошников билан Юрданидзе зулукдай қоп-қора "Волга" ёнида нима ҳақдадир қизғин тортишарди. Мени кўриб мулоқотга чек қўйиши. Кечикканимни писандада қилишмади. Бояги йигит чаққон ҳаракат билан машинанинг олд эшигини очиб, ўтиришга таклиф этди. "Катта"лар орқа ўриндиқдан жой олишди.

Официантга ўхшаб кийинган йигит ҳайдовчи экан. Ялтанинг гавжум, тор кўчаларидан физ-физ бурилиб, тезда портга кириб келдик. Бу ерда бизни адмиралнинг ўзи кутиб олди. У мен билан фоят илиқ сўрашди.

— Офисга кирамизми? — деб сўради у машинадан тушмай ўтирган улфатларига. Подлобошников "кетаверамиз" дегандай чап қўлинни олдинга чўзди. Мен бир оз саросимага тушиб қолдим. Негаки, машинадан тушиб, адмиралга жой бўшатмоқчи эдим, меҳмонхона мутасаддиси чап елкамга ўнг қўлинни қўйиб, "ўтиравер" деди.

Машина ўрнидан қўзгалди. Ҳайтовур адмиралнинг ҳам хизмат машинаси шу ерда экан, орқамиздан эргашди. Портда, пиёдалар хиёбони бўйлаб, секин юриб кетдик. Қирғоқда пўлат занжирлар билан маҳкамланган турли хил кемаларнинг сон-саноги йўқ. Сал чеккароқда улкан пароход кўринди. У буюк рус мусаввири Репин номида экан. Ўзиям нақд бизнинг қишлоқча бор. Матрослар палубада мотоцикл миниб юришганини кўрдим. Бирам чиройли, бирам ҳашаматли, сузувчи қаср дейсиз.

Унинг ортида соябонли яна бир янги кема чайқалиб турибди. Унда одам зоти кўринмасди. Машинамиз худди шу кема ёнига яқин келиб тўхтади. Адмирал машинасидан тезда тушиб, бизни кемага таклиф қилди. Ўзи биринчи бўлиб, нарвонга чиқди.

Кеманинг ташқи қиёфаси ички безаги олдида ҳолва экан. Палуба худди ям-яшил хиёбондай безатилган. Ҳаттоқи сунъий пальма, магнолия, қайнини айтмайсизми? Мана шу "дараҳт"лар орасида каттагина ҳовуз борлигига сира ақлим бовар қилмасди. Ҳовуз суви шунаقا тиниқки, ҳатто унинг тубидаги ложувард тошлар, денгиз ўсимликлари

кўзга яққол ташланарди. Ҳовуз юрак шаклида эди. "Юрак"нинг икки палласи оралиғидаги бўшлиққа шоҳона дастурхон ёзилган. Умрим бино бўлиб бунақа анвойи мева, ичимлик ва таомларни кўрмагандим. Дастурхон шунчаки меҳмон кутишга эмас, гўё бир санъат асари намойишига айлантирилган.

Юрданидзе, Подлобошниковнинг елкасидан келарди. Айниқса, уни қўлтиқлаб олганида худди Гоголнинг "Ревизор"идаги Обчинский билан Бобчинскийни ёдга туширади. Фарқ шундаки, менинг мезбонларим Гоголь қаҳрамонларига нисбатан анчагина дasti узунга ўхшарди. Булар шунчаки битта идора раҳбари даражасидан юқорироқ мавқе эгаси эканлиги ҳар қандай соғлом тафаккурли инсонга аён эди.

— Дидинг чакки эмас, Тимоша, — деди Подлобошников басавлат қаддини янада ғоз тутиб. Адмирал ҳам кўркам қоматли эса-да, бари бир норғул дўстига тенглашишдан ожиз эди. Қолаверса, Подлобошниковда алп гавдага яраша кескир кўз, ўқтам овоз, шунга яраша салобат ҳам бор эди.

— Иван, — деди адмирал дастлабки мақтovдан мойдай эриб. — Боғчасарой томонга юрайликми, ёки Евпатория дурустми? Хоҳласанг, "Қалдирғоч уяси"ни зиёрат қиласиз.

Подлобошников гўё унинг гапларини эшитмаётгандай, палуба тўсифига суюниб, денгизга узоқ тикилиб қолди.

Бир муддат сокинлик чўкди. Кейин у нигоҳини олислардан узмаган ҳолда жавоб қайтарди.

— Сен дарғасан, қаерга боришимиз ихтиёргингда. Фақат кичик дўстимизни зериктириб қўймасак кифоя. Қани, Алёша, — у шундай деб менга ўгирилди, — сени Алёша деб атасам кўнглингга олмайсанми? Ҳа дуруст, унда дастурхонни ортиқ мунтазир қилмайлик. Сен эса, — у энди адмиралга юзланди. — Йигитларингга айт, шошилмай юраверишсин.

Стол атрофидан кечаги тўрт киши жой олдик. Шу топда бу гўзал манзарага не чоғли маҳлиё бўлмай, ўзимни негадир ноқулай сезаётгандим. Қорним оч-у, бироқ томоғимдан

қани бир луқма ўтса. Мени сир босиб қолганлиги аён эди. Бу ҳол ўтиришнинг "султони" назарига тушди.

— Алёша, ўзингни худди уйингдагидек bemalol тут, биз сени деб, Боряни деб шу зиёфатни ташкил этганмиз. Сен ёзилсанг, биз ҳам яйраймиз. Шундайми, Тимоша?

Энди санчиқ билан оғзига гўшт солаётган адмирал бош иргаб унинг фикрини маъқуллади.

Кема очиқ денгизда оҳиста сузарди. Қирғоқдаги бирбирига ўхшамайдиган маҳобатли бинолар, ўзига хос услубда қурилган иморатлар, дов-дараҳтлар ғоят ажиб манзара кашф этарди.

Шу пайт узоқда тангадай нарса қорайиб кўринди. Астасекин у катталашиб, "денгиз мотоцикл", аниқроғи "Ракета" эканлиги ойдинлашди. У тўппа-тўғри биз томон учиб келарди. Ниҳоят у бизни қувиб етди.

Афтидан ҳамсафарларим бу ташрифни аввалдан билишарди. Шу боис ҳеч кимда савол назари зуҳурланмади.

Тезюрар қайиқдан икки киши кемага ўтди. Улардан бири ёш, Норгул, ҳар елкасида икки киши ўтиrsa бўладиган йигит эди. Кейингиси ҳам баланд бўйли, қалин мўйловли, чап кўзининг тепасида оқи бор, бурни катта, эллик ёшлардаги одам эди. У кўрқа-писа Подлобошниковга қараб таъзим бажо келтирди. Стол тўридаги босс унга ижирғаниб қаради. Сўнг чеҳрасига соxта табассум қўндириб, менга нигоҳ ташлади.

— Биз қариялар сұхбати ёшларни зериктириб қўйиши ёдимииздан кўтарилаёзибди. Агар хоҳласанг, бу "Тулпор"нинг ичини ҳам томоша қилишинг мумкин.

Адмирал гапнинг охирини кутиб ўтирмай, бир имо қилган эди, ўрта ёшлардаги новча, озғин, соchlари устарада қирилган, худди ўлмас Кашшейни эслатувчи денгизчи югуриб келди.

— Мехмонга машинангни кўрсат, бирга тушинглар.

Табиатан қўрқоқлардан эмасман-у, рости хаёлимга қаёқданам бўлмагур фикрлар келиб, оромимни ўғирлади.

Иккинчи тарафдан шундай мәхмөндүст кишилар түррисида ёмон ўйларга бориш фирт бемаъниликтининг ўзи эди.

Үрнимдан туриб, "Кашшей"га әргашдим. Кутылмаганда у анчайин соддадил, хушмуомала чиқиб қолди. Эҳтимол мени "катта"лар даврасида ўтирганим қўл келгандир.

Туйнукдан палуба ичкарисига тушаётиб қулоғимга таҳдидли овоз эштилди.

— Тумшуғингдан илиндингми, муттаҳам.

Бунга жавобан келгиндининг заиф жавоби чалинди.

— Ҳазрат, ўла ўлгунимча сизга содиқман. Мени у ердагилар қамаб қўйишиди. Текшириб кўришингиз мумкин. Ахир қўлингиз етти иқлимга етади-ку.

Ичкаридан Кашшей овоз берди.

— Бемалол тушаверинг, мәхмон, нарвон бўшаган.

Пастга оёқ қўйдим-у, боя кемага чиққанимдаги ҳайратим ҳозиргисининг олдида ҳеч гап бўлмай қолди. Даставвал кенг залга кирдик. Бу ердаги жиҳозларни таърифлаб ўтиришга тил ожиз. Негаки, кўпларини тушимда ҳам кўрмаганман. Фақат дуб дараҳтидан тайёрланган филдиракли кресло-диванлар, тўрт тарафга қўйилган камералар, юрганингизда телевизор орқали ўзингизни кўриб туришингиз ўша давр учун катта ажойибот туюларди. Ҳар бир каютага турли ранг билан жило берилган. Юмшоқ ўриндиқларга Таиланддан келтирилган жунли матолар ёпилган. Ёзув столи, кийим жавони, кутубхона жиҳози. Яна аллақандай лаборатория асбобларини айтмайсизми. Айниқса, озодалик, осойишталик диққатингизни тортади.

Кема тўлқинлар орасидан енгил сузиг бораркан, беихтиёр ўзингизни эртаклар оламига тушиб қолгандай ҳис этасиз.

"Кашшей" менга бир нечта бўлмани кўрсатмай ўтиб кетди. Қуйруқ томонда ҳам қалин ойнадан ишланган иллюминатор бўлиб, ярми сув остини, ярми очиқ денгизни кўрсатиб турарди. Пастга қарасангиз, гўё аквариумда сузаётгандай ҳолатга тушасиз, сал юқорига боқсангиз сув сиртида ўтиргандай хузурланасиз.

— "Кашшей", бу ёққа чиқынглар!

Ё тавба, бу денгизчининг лақаби чиндан ҳам "Кашшей" экан-а! Ўз топағонлигимдан севиниб, палубага күтарилдим. Дўйстлар боягидай шакаргуфторлик қилишар, ҳалиги филайдан ном-нишон йўқ эди.

— Бу машинани ҳали Боря ҳам кўрмаган, биринчи меҳмон сенсан, қани, шунинг учун кўтарайлик.

Денгиз осуда эди. Қирғоқларга аллақачон оқшом пардаси чўкиб, минглаб чироқлар порлаганди. Гарчи ҳайротомуз меҳмондорчиликда ўтирган эсам-да, негадир бу ери тезроқ тарқ этгим келди. Энди меҳмонхонадаги ўз хонам, гўзал кўрфаз, ҳаттоки аёлларга ўч Талъат ака ҳам дилимга яқин бўлиб қолганлигини, доимо жилмайиб турувчи Фаридани эслаганимда эса, юрагимда тотлигина орзиқиши уйғонганлигини ҳис қилдим.

\* \* \*

Кечаги аччиқ гапларим Талъат акага оғир ботмаганлигини у мени қандай қаршилаганиданоқ сезиб қолдим. Бугун у ҳар қачонгидан кўркам ва қувноқ эди. Назаримда унга балиқдан ҳам кўра балиқ ови кўпроқ ёқади, шекилли. Оёқларига чип ёпишган кулранг жинси шими, шафақранг ёқасиз кўйлаги, тилла суви югуртирилган қопқора кўзойнаги шубҳасиз кўркига кўрк қўшганди. Аслида шундоғам у кўзга яқин йигитлардан ҳисобланарди. Бугунги бир озгина "уриниши" билан янаям очилиб кетганди.

У кўрфаздаги харсанг тош устида тик турарди. Мени кўриши билан енгил сакраб, ёнимга келди.

— Ортиғали, бу, оҳанграболи йигитмисиз дейман-да, кечаси билан сизни ўйлаб чиқдим. Ё ётоғингизни айтмабсиз, бориб бир қўл карта сузиб берардим.

— Ёлғон ярашмас экан сизга, — дедим атайлаб ғашига тегиш учун. — Мени эмас, Гулсум опани қўмсагандирсиз?

Талъат ака дув қизариб, митти кўзларини қаерга яширишни билмай қолди. Кейин ўзини ўнглаб ҳужумга ўтди.

— Балосиз, укам. Тилингизда болингиз бор-у, бари бир нордонроқ-да. Бундай ҳозиржавобликни кимдан ўргангансиз?

— Кимдан бўларди, ҳаётдан-да.

— Ҳа, муғомбир. Сиртдан қараса, жуда жўн, бўш-баёвга ўхшайсиз. Аммо ичингиздан пишган кўринасиз. Менга айнан шунақалар ёқади. Йигитнинг марди ҳеч қачон чув туширмайди. Қани, кетдик, яна сулувларимизнинг кўзи нигорон бўлиб кетмасин. Йўл-йўлакай Талъат акадан одоб доирасидан четга чиқмасликни, негаки улар хастадил, муштипар кимсалар эканлигини яна бир бор уқтиришга уриндим. Гарчи у менинг сўзларимни маъқулласа-да, бари бир бошқа қозонда қайнаганлиги, энди табиатини ўзгартириш анча қийин кечиши ақлга ишора эди.

“Ракета” милтиқнинг ўқидай учиб кетди. У сув сиртида эмас, қатма-қат келаётган тўлқинлар оша сакраётгандай қалқиб-қалқиб олға интиларди.

Сувга қарасант, у худди текис йўл каби кўзинг қарофида сирғалиб кетади. Ён атрофи сув, уфқ кўринмайди. Денгизда юришнинг завқи баробарида, хавфи ҳам юракка гулгула ташлаб тураркан.

— Қизлар бизни йўқламаса нима қиласиз. — Ёнимда аллақандай журнал суратларини томоша қилаётган ҳамроҳимнинг қулогига қичқирдим. У навбатдаги саҳифани вараглади. Қарасам, аёлларнинг ички кийимлари рекламасига бағишланган журнал экан.

— Келмай қаёққа боришиди. Биздай йигитлар ҳар куни туғилмайди, — деди у бамайлихотир.

Шунда англадимки, Талъат акадан кўра мен учрашувни интиқ кутаётган эканман. Фариданинг сутга чайиб олгандай оппоқ чеҳраси, нимадандир ҳадиксираб боқувчи чиройли, чарос кўзлари, ипакдай майин соchlари ҳар қандай йигитни бефарқ қолдирмас эди. Лекин гап бунда ҳам эмас. Унинг қалби беғубор эди, чамамда. Унинг сурати ва сийратидан фарқ аҳтармоққа ҳожат сезилмасди. У табиатан париваш бўлиб туғилганди..

Боядан буён қулоқни қоматга келтирған мотор ва шамол шовқини пасайды. "Ракета" денгиз қирғоғига сузіб борарди. Алушта порти, аслида у порт эмас, шунчаки йўловчиларни туширишга мослаштирилган саёз кўрфаз эди. Қирғоқча тошдан супалар урилган бўлиб, келувчи ва кетувчилар шу супага ўтириб транспорт кутишарди.

Мўъжазгина соҳилда юз чоғли одам бор эди. Кўзларим билан кечаги танишларимни қидира бошладим.

— Хавотирланманг, сизники суратини намоён қилиб турибди, — деди Талъат ака елкамга туртиб.

Унинг гапи қўпол чиқса-да, вужудимга илиқ бир титроқ югурди.

Фарида бизнинг истиқболимизга бир икки қадам ташлади. У узун чалвор, калта кўйлак кийиб олганди. Сочлари елкаси билан битта бўлиб, шаршарадай тўкилиб турибди. Шу топда худди Кашмир маликалари каби мафтункор эди. Унинг оппоқ, чиройли қўлини панжаларим орасига оларканман, "Фарида, бугун жудаям очилиб кетибсиз" — дейишдан ўзимни тия олмадим. У уялиб бошини қуи эгди. Секингина "Мақтовингиз учун раҳмат" — деб қўйди.

Талъат ака Фаридага сб юборгудай тикилар, оғзининг таноби қочиб тинмай кулар, гап орасида унинг инсон боласи эмас, бамисоли фаришта эканлигини бот-бот такрорлашдан чарчамасди. Гўёки, орамизда Гулсум опа бўлмагандай, уни сўраб-суриштиришни хаёлига ҳам келтирмасди.

Сабрим адогига етиб, ўзим Фаридадан опани суриштиридим.

— Гулсум опам бугун чиқолмас экан, даволовчи шифокори рухсат бермади, — деди у савол берувчига эмас, Талъат акага ўгирилиб.

Ҳамроҳим ҳамон баланд кайфиятда эди.

— Ҳечқиси йўқ, — деди у ёнимиздан ўтиб кетаётган, калта юбкали иккита рус қизнинг оппоқ болдиirlарига боқиб. - Ахир Андижондан кўнгил сўраб келсаг-у, у

кишининг биз билан дийдорлашувга қўйишмаса, қанақа бағри тош ҳакимлар экан.

Ўпка шамоллашидан сўнг соғлиқни мустаҳкамловчилар учун мўлжалланган бу оромгоҳга ҳаттоти чет эллардан ҳам беморлар келишаркан. Ўзиям ўрмон ичига жойлашганлигидан ташқари, у денгиз сатҳидан юз метрлар юқорида қад ростлаганди. Оромгоҳ эмас, худди афсоналардаги кўшк дейсиз. Кўп қаватли даволаниш маркази алоҳида, икки кишилик хоналардан иборат ётоқхона алоҳида. Асосий бино олдида сунъий кўл бўлиб, унда иморат бутунлигича акс этарди. Саҳн бўйлаб чоратрофга йўлаклар чиқарилган. Йўлакларнинг икки томони гул ва манзарали дараҳтлар билан ихоталанган. Битта йўлакдан келаётган одамни иккинчи йўлакдагиси кўролмайди. Яна алоҳида майдонларда майсалар, худди ёмғирда ювилгандай беғубор, ям-яшил паст-баланд магнолия, кипарис, игна баргли мовий ранг арчалардан таралаётган ажиб бир тароват, димоғингизни қитиқлайди.

— Бу ерда ҳаво ўз-ўзидан ўпкага югуриб кириб кетади, - дея изоҳ берди Фарида бизнинг завқимиздан руҳланиб. Кейин қўшиб қўйди.

— Дастлабки кунлари шундай хушманзара, хушҳаво жой ҳам ўзимизнинг Бўстонлиққа ўхшамаганди. Мана ўн беш кундирки, худди уйимдагидай сезаяпман ўзимни.

Йўғон танали магнолия дараҳти остига ўриндиқ қўйилганди.

— Сизлар шу ерда мени кутинглар, ҳозир Гулсумни олиб чиқаман.

Фарида Талъат акани тўхтатди.

— Бекорга овора бўляпсиз. Бари бир чиқолмайди.

Энди йўлга отланган ҳамроҳим кўзойнагини олиб, ортига қаради.

— Ростини айтинг, синглим, шифокорлар раъйини қайтаришдими ёки асли истаги йўқми?

Фарида ҳижолат чекди.

— Вой, нега хоҳламас экан. Ахир, сизлар юртдошларимизсизлар-ку. Чиндан ҳам дўхтири "принцип" қилиб туриб олди.

— Унда, масала равшан. Инсоннинг истагига ҳеч қачон ҳеч ким кўндаланг келолмайди. Бизни кутинглар.

У шундай деб илдам қадам ташлади.

— Ажойиб киши эканми? — деди Фарида ўриндиққа жойлашар экан.

Мен унинг фикрини маъқулладим.

— Ажойиб ҳам гапми, жуда зўр, ҳар ишнинг уддасидан чиқадиган кўринади.

— Асли йигит шундай бўлгани маъқул, — деди Фарида менга қараб. Кейин "ўтирамайсизми" дегандай ёнидаги бўш жойни кўрсатди.

Мен ўтироқдан кўра унга қараб роҳатланмоқ истагида эдим. Бироқ унинг таклифини ерда қолдиришни истамадим. Ёнма-ён ўтиридик. Ҳозир эсласам юрагим увушиб кетади. Ўша дамлар ҳаётимдаги энг лазиз, бетакрор онлар экан.

— Сизлар анчадан бўён танишмисизлар?

Фарида кимни назарда тутаётганлигини дарров фаҳмлай олмадим.

Чунки хаёлларим сочқин, қалбим денгиз мисол мавжли эди.

— Ҳа, Талъат акани назарда тутаяпсизми? Қарийб уч кундан бўён суҳбатдошмиз.

— Буни қаранг, худди ака-укага ўхшайсизлар. Фақат табиатинглар бир оз бошқача.

— Қанақа экан?

— Акангиз дадил, мени кечиринг-у, бир оз тақаббурроқ. Сиз эса кўнгилчанг ва мулойимсиз.

— Мақтov учун ташаккур.

Фарида бошини хиёл эгиб, жилмайиб боқди.

— Ростдан ҳам бошқачасиз.

Шу топда қувончдан юрагим қинидан чиқиб кетмаганига ҳайронман.

Фурсатни ғанимат билиб дилимни очдим.

— Фарида, мени тўғри тушунинг-у, кеча сиз хаёлимни ўғирлаб кетдингиз. Ишонинг, менда бундай ҳолат биринчи бор юз бериши.

Фарида құллари билан юзини тўсиб олди. Ҳавотирланиб, уни тинчлантиришга уриндим. Құлларини беозоргина ушлаб, оппоқ чехрасини бандликдан озод этдим. Не кўз билан кўрайки, қоп қора кўзлар сиртида икки томчи ёш майса устидаги шабнам мисол титраб турарди.

— Мени кечиринг, Фарида.

У кафтдай батис дастрўмоли билан кўз ёшларини артди. Ўзига келиб, чуқур тин олди. Сўнг изоҳ берди.

— Бу ерда сизнинг айбингиз йўқ. Инсон доимо хотиралар гирдобида яшаркан. Беихтиёр қишлоғим, хонадоним ёдимга тушиб кетди.

— Ота-онангизни соғиндингизми?..

Суҳбатимиз шу ерда узилиб қолди. Касалванд эрини ногиронлар аравачасига солиб сайр қилдириб юрган сариқ сочли аёл рухсат сўраб ёнимизга ўтириди.

Эри кўпроқ қўли билан машқ бажаради шекилли, елкалари кенг, қўллари бақувват эди. Демак, барча иллат оёғида, — деб ўладим.

Аёл эрининг соchlарини таради, ёқаларини тартибга келтириди. Кейин худди биринчи марта кўраётгандай меҳр билан тикилиб, жилмайди. Эри ҳам юмиқ кўзларини очиб, аввал бизга, сўнг ҳалоскорига айланган турмуш ўртоғига қаради.

— Чарчаб қолмадингми, Наденька.

Унинг овози шунаقا эҳтиросли чиқдикни, шу бир оғиз гап замирида ҳам садоқат, ҳам муҳаббат, ҳам миннатдорлик туйғулари мужассам эди. Надя ҳам гўзал жавоб қайтарди.

— Сен ёнимда бўлсанг сира толиқмайман.

— Ўҳ-хў, кўпайишиб қолибсизлар-ку.

Бу Талъат аканинг овози эди.

Дарҳақиқат нариги йўлақдан аввал у, ортидан номаълум аёл суратидаги жувон каби ял-ял ёниб, Гулсум опа кўринди.

Салом-алиқдан сўнг улар даволовчи шифокорнинг токи ташқаригача ўзи кузатиб қўйганлиги, яна хизмат чиқса бемалол мурожаат этиши мумкинлигини қайта-қайта эслатганини айтишиб, бизни ҳам қулдиришди.

— Хўш, азизлар бугун қанақа кун, — ўсмоқчилаб сўради Талъат ака.

— Пайшанба, шекилли, — деди Фарида соддалик билан.

- Шекилли, демай гапиринг, эрталабдан буён пайшанбалиги аниқ,— ҳазилни давом эттириди "гуруҳ раҳбари". — Демак, андижонликлар бу куни палов өмаса, кўнгли ўрнига тушмайди.

— Алуштада палов бўлмайди-ку, — бу сафар Гулсум опа гап қотди.

Талъат ака унинг гапини илиб кетди.

— Тўппа-тўғри. Алуштада палов йўқ, аммо Ялтада дамлаш мумкин.

— Қандай қилиб?

— Амир Олимхон ўз авлодлари бошига шундай савдолар тушишини аввалдан билиб, Ялтада чойхона очтириб қўйган. Ҳозир ўша жойга чиқамиз.

Бу таклифга ҳеч ким эътироуз билдирамади.

Қайтишда автобусга ўтиридик. Гулсум опа билан Талъат ака олд ўриндиқни эгаллашди. Биз уларнинг ортидан жой олдик.

Крим ярим оролида жойлашган кичик-кичик шаҳарларни бир-бирига боғловчи йўллар эгри-бугри эди. Бироқ бир тарафи тоғ, иккинчи тарафи дараҳтлар панасидаги пастқамликлардан иборатлиги туфайли йўловчи сира толиқмасди. Қайтанга автобус ойнасидан нигоҳингни узолмайсан, киши. Энг қизиги тош билан урилган иморатлар атрофи ҳам турфа гуллар билан ўралган, одамлари ёруғ дунё жаннатида яшагандай соғлом ва меҳнаткаш эдилар.

Олд ойна очиқлиги учун Фариданинг майин соchlари чор атрофга уча бошлади. У хурсанд, қўллари билан соч толаларини ҳарчанд тартибга келтиришга уринмасин, бари

бир бунинг уддасидан чиқолмасди. Шу аснода димоғимга урилаётган хушбўйдан сармаст эдим. Бу бўй асли димоғимга эмас, дилимга ўрнашаётгандай туюларди. Қизиқ, — дейман ўзимга ўзим, — мактабда аъло ўқувчи, бадавлат одамнинг фарзанди эдим. Институтда ҳам доимо қизлар даврасининг азиз меҳмони саналардим. Ҳатто менга мойиллигини ошкор этган курсдошларимга ҳам у қадар қизиқмагандим. Қалбимда муҳаббат ниш уришидан умидимни узиб, севгисиз никоҳга розилик билдиридим. Бироқ пойдевори ишқдан ростланмаган оила иморати мўрт бўларкан. Зайнаб иккаламиз уч йил бир-биримизга тоқат қилиб яшадик. Аслида Аллоҳ мени мўминқобил қилиб яратган, сабр-бардошдан керагидан ортиқ берган экан. Эҳтимолки, хотиним билан умримнинг охиригача ёстиқнинг бир томонини банд этиб кун кечиравериш мумкин эди. Лекин бу қисматни Зайнаб хуш кўрмади. У ўзини баҳтсиз санагани баробарида менга ҳам баҳт беролмаслигини тушундим.

Дейдиларки, инсон тақдирни рўзи азалда пешонасига ёзib қўйилади. Демак, рўзғоримиз бузилиши замирида ҳам бир моҳият ётгандир. Эҳтимол Фарида билан учрашувимиз бежиз эмасdir.

Автобус Ялтанинг марказий бозорида тўхтаганида биз тушиб қолдик. Бу ерларда бозорлар водийдагига ўхшамайди, одамлар сийрак, олувчилардан сотувчилар кўп.

Шошилмай расталар оралаб, паловга масаллиқ харид қилдик. Қассобхонасида қўй гўшти кўп-у, бироқ думба йўқ. Сабаби Кримда думли қўйлар боқиларкан.

— Қўй ёфи ўрнига сарёф ҳам жуда айтади. Паловимиз ўзимизбоп парҳез овқат бўлади, — дея тасалли берди Талъат ака.

Бозордан чиққанимизда қуёш терак бўйидан ҳам баландроқ кўтарилиганди.

— Ҳой оғайнилар, қорин пиёз пўсти бўлиб кетди-ку, озгина тамадди қилиб олайлик, — деди яна сўзамол Талъат ака.

— Э хайрият, орамизда битта тушунадиган одам бор экан, — унинг таклифини маъқуллари Гулсум опа.

— "Катталар" нима деса шу-да, — қўшиб қўйдим мен.

Шунда қўлидаги қоғоз халтани базур кутариб келаётган сардоримиз йўлидан тўхтаб, ортига — биз томонга қайрилди.

— Хў бола, — деди у ясама пўписа билан. — Бизни катта деманг, қаранг, опангиз шу ёшида ўн саккизга кирганга ўхшамайдими. Менга ҳам ҳар ҳолда йигирма беш беришар. Биз сизлар билан тенгдошмиз, оғайнимиз.

— Узр оғайнини, сал оширворибман, — дедим "хато" имни дарров бўйнимга олиб.

Қизлар ўзаро мулоқотимиздан қотиб-қотиб кулишди. Кейин Фарида Талъат акани нишонга олди.

— Шундайку-я, бари бир Ортиғали акамга ўхшамайсизда. Акам энди ҳаётини бошлаяпти. Сизнинг гапсўзларингиздан бу йўлнинг ярмини юриб қўйганлигиниз сезилиб турибди.

— Ана холос, Ортиғалига ҳимоячи ҳам топила қолдик. Мен етимга ким соябон бўларкин-а.

Шу топда Гулсум опа ўзининг ҳазилкашлигини ошкор этди-қўйди.

— Мана биз турибмиз-да, хўжайин.

Бу гапдан Фарида тилини тишлади, мен анграйиб қолдим. Талъат ака яна тўхтаб опага тикилди. Эҳтиросини яшиrolмай "ширин забонингиздан ўргулай" деб юборди.

Ҳазил-мутойибалар билан бозордан чиқаверишдаги тамаддихонада енгилгина тушлик қилиб олдик.

— Энди, биродар, қари келса ошга, ёш келса ишга дейдилар. Сиз бориб битта машина тутиб келинг. Шунча тўрхалтамиз билан кўч-кўч бўлиб юрмайлик. Нима дедингиз, хоним?

Гулсум опа кўзлари ёниб, бу гапни тасдиқлади.

Мен ташқарига чиқиб, қатнов йўл бўйлаб юра бошладим. Универмаг билан кутубхона оралиғидаги чорраҳадан қоп-қора "Чайка" автомобили чиқиб, ўнгга — биз тарафга бурилди. Қўлимни кўтаришим билан ёнимга келиб тўхтади.

- Қаёққа борасан? — мендан бурун гап қотди кекса ёшли, соchlари оппоқ, ялангбош ҳайдовчи.
- "Ўзбекистон" оромгоҳига ташлаб қўёлмайсизми?
- Қани, чиқавер!
- Шерикларим йўл ёқасида кутиб туришган экан. Машинани уларнинг ёнига олиб бордим. Бир пасда "Чайка"нинг кенг салонига жойлашдик.
- Оромгоҳга чиқишишимизни айтдингизми? — яна бир карра ишонч ҳосил қилиш ниятида сўради Талъат ака.
- Бош иргаб тасдиқладим. Энди у Гулсум опа билан пичирлашиб гаплаша кетди.
- Фарида менга томон яқинлашиб секин сўради.
- Бу ерда анча юрасизми?
- Рости, зерикиб қолдим. Индинга қайтмоқчиман.
- Талъат ака бизни эшитиб турган экан. Дарров менга ўгирилди.
- Ортиғали, Фаридани синаб кўрмоқчимисиз? Ахир яна бир ярим ой дам оламиз-ку. Кимсан министр муовинининг севимли ўғлисиз. Имкон борида ўйнанг-кулинг, дунё кўринг. Фарида хоним, Ортиғали ҳазиллашяпти.
- У шундай дея менга "ўқрайиб" қаради. Яна бир бор хатога йўл кўйганимни англадим.
- Энди Фарида қай биримизга ишонишини билмай, хаёлга чўмган эди.
- Машина тоғ йўлига бурилди. Атроф фоят хушманзара, гўзал эди. Хилма-хил дарахтлар тоғ ёнбағирларини бутунлай эгаллаб олган, остимизда қора денгиз мавжланиб турарди.
- Ҳозир биз борадиган оромгоҳ бир пайтлар Бухоро ҳукмдори Амир Олимхоннинг қароргоҳи бўлган. Айтишларича, Ялтанинг энг хушҳаво жойи ҳам шу ер экан. Асли амиримиз ўткир зеҳнли, нозиктабъ, ўқимишли одам бўлган-да. Акс ҳолда Бухородаги Ситораи Моҳи Ҳоса, Кисловодскдаги сарой, Ялтадаги бу гўшани қурдириш учун шунчаки сармоянинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун ҳавас, иштиёқ ва яна табиатга нисбатан ошнолик зарур эмасми?

Ҳаммамиз Талъат аканинг ҳикоясини берилиб тинглар, шу аснода борадиган масканнинг қандайлигини хаёлан кўз ўнгимизга келтиришга уринардик.

Машина тоғ белига ўралган айланма йўлдан ҳамон юқорига интиларди. Баландликка кўтарилиган сайин денгиз бутун салобати, виқори ила қаршимизда намоён бўлиб бораради. Ниҳоят, ўрмон ичидаги сайхонликка етиб тўхтадик. Тоғнинг чеккасига қўндирилган ойнаванд иморат дикқатимизни тортди.

— Мана шу Амирнинг лойиҳаси билан қурдирилган қаср, — дея изоҳ берди Талъат ака.

Ҳайдовчи билан тезда ҳисоб-китоб қилдиг-у, нарсаларни йўлакка кўйиб, бино томон юрдик. Теварак-атрофда қушларнинг чуфур-чуфуридан бўлак ҳеч садо эшитилмасди. Иморат бир оз ташландиқ ҳолатда эди. Бироқ Шарқ меъморчилиги усулида қад ростлаган бу кошона ҳалиям кўркини йўқотмаётганди. Ичкарига кирдиг-у, ҳайратдан ёқа ушладик. Тўрт тарафи ойнаванд бинонинг чор тарафидан бемалол денгиз кўринарди. Кўриниш нима, худди кафтингизда чайқалиб тургандай.

— Аждодларимиз қурдатига тан бериш керак, — деди Фарида ҳаяжонланиб.

— Шунинг учун ҳам бобомиз Амир Темур "қурдатимизни билмоқчи бўлганлар биз қурдирган биноларни кўрсинг", деган экан, — қўшиб қўйдим мен.

— Ҳақ гапни айтиби, — сұхбатга қўшилди боядан буён денгиздан кўз узмайтган Гулсум опа.

— Бунақада палов дамлашга кеч қоламиз. Қани, чойхонага чопдик.

Талъат ака шундай деб Гулсум опанинг қўлидан ушлаб ташқарига етаклади. Йўл-йўлакай:

— Ортиғали, сиз ҳам Фарида хонимнинг билагидан тутинг-чи, бу жойлар хавфли, яна бирор ўғирлаб кетишимасин, — дея огоҳлантирган бўлди.

Фарида кулди.

— Ўғирлайдиган одамнинг ўзи йўқ-ку, Талъат ака.

— Э, ундейлар сездирмай, пойлаб келишади-да. Ҳарна мусофиричиликда эҳтиёткорлик яхшида. Шундайми, Гулсумхон?

Кўп қаватли "Ўзбекистон" сиҳатгоҳини айланиб ўрмонзор ичидаги пастқамгина чойхонага ўтдик. Бу табиий услубдаги чойхона эди. Дараҳтларнинг кесилган танаси "стол" вазифасини ўтаркан. Чиройли арралангандан ўриндиқ ўрнида фойдаланиларкан.

— Чойхонанинг алоҳида "хона"лари ҳам бор, — деб қолди Талъат ака қўлидаги масаллиқларни қўлбола "стол" устига эҳтиётлаб қўяркан. — Қани аввал, "ўз хонамизни" танлаб олайлик.

Бу "хона" дегани чор атрофи қалин гуллар билан ўралган шинамгина боғча эди. Анжомлари ҳам боягидай, ёғочдан, "эшик" вазифасини ўтовчи қамишдан ясалган четан юқорига илиб қўйиларкан. Ичкаридан ҳар хил гулларнинг хушбўй ҳиди тарапарди. Гарчи тўрт томони берк бўлса-да ҳавоси тоза ва ёруғ эди.

— Менимча, шу кулбани танлаганимиз маъқул. Ҳар ҳолда "кўз очиб" кўрганимиз-да. Бошқаларининг бундан фарқи йўқ.

Биз итоаткорлик билан "катта"нинг гапига кўна қолдик.

— Сукут — аломати розилик. Демак, ишга киришамиз. Ортиғали, сиз ўтин топинг. Фарида хоним, гуручни кўздан кечириб қўйинг. Ошдан тош чиқса, бошингиз билан жавоб берасиз.

— Гулсум опам-чи? — ҳазиллашибди Фарида қофоз халтадаги гуручни қўлига оларкан.

— Гулсумхон менга ёрдам беради. Яъни бош ошпазга ўринбосар. Қолаверса, қадди қомати ҳам раҳбарликка мос.

Гулсум опа куюқ қошларини чимириб, хиёл бошини кўтариб қўйди.

Ўрмонда ўтин муаммоси йўқ, бир пасда иккита ош дамлагани етадиган шоҳ-шабба, қуриган ёғоч тўплаб қўйдим.

— Тұхташ йүқ, биродар, — деди сабзи қирқаётган Талъат ака менга қарата. — Бемалол ўчоққа ўт қалайверинг, гугурт анови ғұланинг устида турибди.

— Чойхоначи билан келишмадик-ку, -дедим хавотирланиб.

Талъат ака бошини күтариб, пичогли құли билан пешонасадығи терни сидирди.

— Чойхоначи ҳам, бош ошпаз ҳам ўзимман. Сиз bemalol ишиңгизни давом эттириңг.

Айланма ўчоқларнинг ҳар бирига қараб чиқдим. Назаримда, анчадан буён биров келмаганга ўхшайди. Қозонларни чанг босганди.

Ҳар бир ўчоқ ёнига сув келтирилғанлиги эътиборимни тортди. Жұмракни бураган әдим, аввал зангли, кейин тиник сув қозонға қуйилди. Қозонни обдон ювдим. Кейин ўчоққа ўт ёқдим. Иш орасида Фаридага қараб қўярдим. Бечора бояги пўписадан сўнг берилиб гуруч тозаларди. Елкаларидан сирғалиб тушган сунбул соchlари оппоқ юзининг бир томонини тўсиб қўйганига ҳам аҳамият бермайди. Бир маҳал бошини силтаб, соchlарини орқасига олди-да, мен тарафга қаради. Менга кўзи тушиши билан шараклаб кулиб юборди.

— Ортиғали ака, умрингизда ўчоқ бошига бормаганмисиз. Ҳаммомнинг гўлахига ўшаб қопсиз-ку.

У шундай деб чопиб олдимга келди.

— Дастрўмолингиз қани?

— Шимимнинг орқа чўнтагида, — дедим секин кўлларимни олдинга чўзиб.

У рўмолнамни олиб, сувда намлади-да, юз-кўзларимни артди. Яна айланиб ҳаммаёғимни кўриб чиқди. Хайриятки, бошқа нуқсон топилмади.

— Раҳмат Фаридахон, — дедим бундай меҳрибонликдан кўнглим ийиб.

— Арзимайди, — деди у бошини хиёл эгиб. Менга унинг шундай қарashi жудаям ёқиб қолганди.

— Ҳов болалар, нима қиляпсизлар-а! — деди Талъат ака бизларни эркалаб. — Ўйинга алахсимай, тезроқ қимиранглар.

Фарида газетага ёйиб күйгөн гуруч томон югурап экан, гап қотди:

— Қимирлаш ҳам гапми, Талъат ака, оёғимизни қўлимизга олволиб чопиб юрибмиз-ку. Ўзиям жуда қаттиқўл қайнота бўлсангиз керак.

“Оқсоқол”нинг тили чечан эди, дарров жавоб қилди.

— Менга келин бўлсангиз, билардингиз.

— Вой, сизни вояга етган ўғлингиз борми?

— Бор-да!

— Ўғлингиз ҳам ўзингизга ўхшаб, жуда дадилдир.

— Ўғлим ёнингда турибди-ку, ҳалиям қанақалигини билмадингми?

Талъат ака Фаридани яқин олиб сенлашга ўтгани унга оғир ботмади. Қайтанга худди ёш қизчадай эркаланишга тушди.

— Э, ҳали, Ортиғали акамни назарда тутаяпсизми?

— Ҳа, энди у ҳам боламдай гап-да.

— Унда болангиз ёмон эмас.

Талъат ака қўлини кесиб олдими ёки ёлғондакам қилдими бир пасда “ух-ухлаб” гир айланба бошлади.

— Балосан-ку Фарида! Агар мен Ортиғали бўп қолганимда шу топда осмонга учиб кетардим. Сени ҳам осмонимга олиб чиқардим.

Фариданинг ҳазил гапи юрагимни чўф каби куйдирди. Очиги ундан бундай марҳаматни кутмагандим. У ажойиб қиз эди. Наҳотки, унинг қалбида ҳам менга нисбатан яқинлик пайдо бўлди? Ҳар ҳолда ҳазилнинг ярми чин дейдилар.

Гулсум опа пиёз арчиш баҳонасида сұхбатга қўшилмай жим ўтиради. Фариданинг кейинги гапидан у ҳам завқланиб кулди. Кейин мени “қитиқлаб” деди.

— Ортиғали, энди эртага сиз “эрийсиз”. Фаридадай қизнинг илтифотига ҳамма ҳам эришавермайди. Асли омадли йигит экансиз.

Талъат ака қарсак чалиб, барчамизнинг нигоҳимизни ўзига қаратди.

— Дўстлар, менда бир фикр туғилди. Шу бугун тўйни бошлавормаймизми? Бутун сарф-харажати мендан. Ўзиям бир умр эсда қолади-да. Ахир Амир Олимхоннинг қароргоҳида тўй ўтказиш катта баҳт-ку! Ҳай йигит, менинг ичим портлаб кетаяпти-ку, сиз индамайсиз-а. Сабр-тоқатингизга балли.

Ростдан ҳам оғиз очолмасдим. Ҳазилни бошлаб қўйган Фарида ҳам ғалати аҳволга тушиб қолганди.

Талъат ака ҳамон отни қамчиларди.

— Бўпти, бу масала шунчаки жўн иш эмас. Бугун маслаҳат ошини еймиз. Эртага бир фикрга келармиз. Келишдикми?

Гулсум опа "келишдик", "келишдик" деб биз учун ҳам розилик билдириди.

Ошпаз қозонга ёғ ташлаб, дарров сабзи-пиёзни қовуришга тушди. Афтидан у паловга уста эди. Айниқса, белини оқ дока билан боғлаб, тез-тез қозон кавлашидан овқат тайёрлашни ёқтириши сезилиб турарди.

— Гулсумхон, бор будимизни олиб, бир дастурхонни безатинг-чи.

Талъат аканинг тилидан бол томарди. Ёпирай, бу қанақа одам ўзи? Курувчилар муомалага нўноқ эди, бу киши эса худди автоматнинг ўқидай гап ёғдиради. Яна ҳамманинг диққатини ўзига жалб қила олгани-чи. У шу топда ҳам зимдан дастурхондаги нарсаларга қараб қўйди. Кейин қозонга сув қўйиб, "стол"га яқинлашди.

— Ана айтмадимми, — деди худди ўзига ўзи ҳисоб бергаётгандай. — Салқин ичимликлар, "шайтон суви" олибмиз-у, конъяк ёддан кўтарилибди.

Қарсиллатиб қип-қизил олма еяётган Гулсум опа бепарвогина қўл силтади.

— Ҳа, конъякни ким ичарди.

— Ким бўларди, Сиз-да, - ҳозиржавоблик қилди курувчи.

— Тавба денг, шу пайтгача ичимлик ичмаганман. Тўғрими, Фарида?

Фарида катта лагандаги қрим узумини юваётганди, опанинг сўроғини эшитмади. Қайтиб келгач, узумни дастурхонга эҳтиётлаб қўйиб, қўлини салфеткага артди.

Талъат ака яна бир бор Гулсум опанинг оғиз очишига гап бермади.

— Ортиғали, югуриб эмас, шошилмай бориб, битта канъяқ топиб келасиз, хўпми?

— Хўп!

Мен дарров йўлга тушдим. Уч қадам юриб эдим, у яна чақириб қолди. Ортимга ўтирилиб, савол назари билан қарадим.

— Қаёққа кетаяпсиз, — деди Талъат ака кўзларини лўқ қилиб.

— Ахир ўзингиз айтдингиз-ку.

— Тўғри, мен айтдим. Аммо бир ўзингиз боринг демадим-ку. Бу ер Анжон эмас, мусоғир жой. Фаридани ўзингизга ҳамроҳ қилиб ололмайсизми?

Соддалигим курсин, яна "қовун туширибман".

— Қиз болани овора қиласизми, ўзим амаллайман.

— Кап-катта йигитсиз-у, худди ёш ўсмирдай фикрлайсиз. Мен Сиздан хавотирланиб ўтиришни истамайман, уқдингизми? Қани, Фаридахон, бу акангизни ўзингиз етакланг. Айтмоқчи, беш юлдузлигини топинглар. Қани, оқ йўл. Биз паловни дамлаб турамиз.

Ўрмон оралаб чувалашган ингичка сўқмоқдан иккаламиз йўлга тушдик. Мен олдинда, Фарида бир оз орқароқда. Сўқмоқ четидаги дарахтлар япроқлари денгиз тарафдан келаётган шаббодага рақс тушаётгандай. Онда-сонда учрайдиган сайхонликлар кўм-кўк. Майса-гиёҳлар, оқ, қизил, сариқ, пушти гулларнинг адоги кўринмайди. Одатда ўрмонда ҳаво дим бўларди. Бу ер анчайин салқин, ҳавоси мусаффо эди. Ёнғоқ дарахтлари шохларида жажжи олмахонлар ўйнашарди.

Йўлнинг у ер-бу ерига ёғоч ўриндиқлар қўйилган. Афтидан бу сиҳатгоҳга қарашли соғломлаштириш йўналишларидан бирига ўхшайди.

Фарида энди менга тенглашиб, ўнг қўлимга осилиб олди. Яна соchlаридан ўша таниш бўй тарапалди. У жуда гўзал ва баҳтиёр эди шу тобда.

Қўлимни бўшатиб нозик елкасидан қучдим. У қаршилик билдирамади. Аксинча бошини менга энгаштириб, бир нималар тўғрисида сўзлай кетди. Унинг ёқимли овози қулоғимга эмас, юрагимга кириб бораётгандай эди. Қизиқ ҳолат. Мен уни соат сайин эмас, дақиқа сайин кучлироқ, ёрқинроқ севиб қолаётганлигимни ҳис этардим. Бироқ ҳиссиётларимга эрк беришга, уни ширин гаплар билан эркалашга, қалбига йўл топишга ўзимда журъат кўрмасдим.

Олдимизда икки рус аёли кўринди. Уларга йўл бўшатдик. Аёллар бизга разм солиб ўтишаркан "Ажойиб жуфтлик, ишқилиб баҳти бутун бўлсин" — деб ўтиб кетишиди. Рус тилида бу фикр янам чиройли эшишилди. Шу ташбех баҳона Фаридага меҳрим, меҳргина эмас, қайноқ эҳтиросим янада ёлқинланди.

Анча юрдик. Лекин сўқмоқ тугамасди. Ўрмон эса сийраклашиб қолди. Энди фақат игна баргли арчалар кўзга ташланарди. Кумуш ранг арчаларнинг таналари йўгон, текис ва бақувват эди. Паст бўйли, ёш арчалар ўйинчоқларни эслатади, икки туп ана шундай дарахт оралиғига ўриндиқ қўйилган экан.

— Намунча чопмасангиз, Ортиғали ака, — деди тез юрганидан ҳарсиллаб нафас олаётган Фарида. — Келинг бир оз дам олайлик.

Ўтирдик. У худди қирқ йиллик қадрдонимдай пинжимга суқилиб олди. Дафъатан хаёлимга нохуш фикр урилди.

— Наҳотки бу қиз енгил табиатли...

Унинг кўзларига боқдим. Бу кўзлар беғубор, тиниқ ва маъсум эди. Кўнглимдан кечган гапга ўзим уялдим.

— Ортиғали ака, — деди у менга суюнганича. — Қандай қиз эканки, менга ўзи ёпишяпти деб ўйладаяпсиз, шундайми?

Гўё ўғирлик устида қўлга тушган одамдай мулзам бўлиб, жон ҳолатда унинг бу даъвоси ўринсиз эканлигини асослашга тушдим.

Фарида учун бу илдаонинг аҳамияти йўқдай эди. У сўзида давом этди.

— Мен сизнинг тимсолингизда ўзимга юпанч топдим. Бошқа нарсаларни ўйлаб ҳам ўтирмадим. Қандай ўйга борсангиз, бу ўзингизга ҳавола. Бироқ шу икки кун оралиғида юрагимга кириб борганингизни тан оламан. Буни шунинг учун тан олаяпманки, барибир сиз тез орада кетасиз ва мени унутасиз. Иккинчидан, сиз тоза одамсиз, сизда нафақат аёлга, умуман инсонга фараз йўқ.

Ҳаётда менинг омадим чопмади. Онам Оқтош сиҳатгоҳида ишлайдиган Мухторжон исмли шифокор йигитни севиб қолибди. Қисқаси ота-она розилигисиз турмуш қуришибди. Мен туғилганимдан сўнг, кўп ўтмай дадам буйрак хасталигига учраб, оламдан ўтибди. Онам бечора тош келса кемириб, сув келса симириб, ҳам кўзининг оқу қароси, ҳам бахтсиз севгисининг меваси — яъни мени қароғида вояга етказди. Тақдирнинг ўйинини кўрингки, ўнинчи синфни тамомлашим билан тоғам ўртага тушиб, колхоз раисининг ўғлига узатишди. Тоғам ўша хўжаликда бош бухгалтер эди. Аввалига эркатой күёвим билан яхши яшадик. Кейин мен сиртдан институтда ўқиш ниятим борлигини тушунтирдим. Даствабида у розилик бермади. Кейин қайнота-қайнонамнинг аралашуви билан кўнишга мажбур бўлди. Соғлиғим тўғрисида маълумотнома тайёрлаш пайти рентгенга тушдим. Ҳамма бало шундан бошланди. Аслида бало деб нотўғри гапирдим, бало эмас, омад деганим ҳақиқатга яқинроқ келади. Гап шундаки, ўпкамнинг бир бўлагида тангадек тешик бор экан. Зудлик билан даволанишим кераклигини шифокорлар менга, яқинларимга тушунтиришди. Ўша гапни эшитган куни эрим мен билан тонг отгунча уришди. Унингча, касаллигимни билиб туриб турмушга чиққан эмишман.

"Ўлай агар, ўзим ҳам бу дард қачон илашганидан мутлақо бехабар эдим", дедим. У гапимни эшитишни хоҳламади. "Ҳали менга ҳам юқтиргандирсан", деб аюҳаннос солди. Поликлиникага бориб текширтирган эди, хайриятки, юқмайдиган хилидан экан.

Қайнотам яхши одам эди. Ҳеч қандай жанжалга ҳожат йўқ. Қизим, Худо хоҳласа, отдай бўлиб кетади, — деб кўнглимни кўтарди.

Бир йилга яқин сил касаллигига қарши кураш диспансерида даволандим. Шифокорларга раҳмат, ўпкамдаги иллат бутунлай битиб кетди. Аммо, қалбимдаги яра битмади. Эрим ажралиш тўғрисида судга ариза берган экан. Суд аризани қондирди. Рўзгорим бузилганига ортиқча сиқилмадим. Чунки бир йил давомида касалхонада ётиб, кўп нарсаларни ўйлаб кўргандим.

Дард устига чипқон деганларидай, бу кўргуликлар онамнинг кўзларидан нурни сўриб олибди. Ўн қадам наридаги одамни таниёлмай қолди. Бечора ҳали ёш эди, ҳусн-малоҳатга бой аёл эди. Бироқ ҳусн — ярим баҳт деганлари ёлғон экан. Яратган эгам қиз болага чиройдан ҳам кўра бутун баҳт бергани афзаллигини тушундим. На илож, бошга тушганини кўз кўради-да.

У йигит яна уйланди. Тўйидан бир кун илгари қайнота-қайнонам мени йўқлаб келишибди. Бир сидра кийим-бошим уларникида қолувди. Ўша нарсаларимга қўшиб, Алуштадаги сиҳатгоҳга ҳам йўлланма беришди.

— Сен бизга келин эмас, қизсан, не қилайликки ҳаммага гап уқтирган одам, келиб-келиб ўз ўғлимга кучим етмади, — деди қайнотам.

Қайнонам ўттиз йил педагоглик қилган ювош, мўмина аёл, ун чиқармай йиғлагани ҳамон кўз ўнгимда. Кетар чоғи улар мени дуо қилишди, сиҳат-саломатлигимни тилашди.

Эртасига тоғамнинг хизмат машинасида мени Симферополга кузатиб қўйиши Аллоҳга шукр, келганимдан бўён дўхтиrlар назоратидаман. "Сеники енгилидан, асорати қолмайдиган хилидан", деб доимо кўнглимга таскин беришади, эркалашади. Иттифоқо, Гулсум опа билан бир кунда келибмиз. У Туркманистоннинг Тошовуз шаҳридан экан. Дўкон мудири бўлиб ишларкан. "Доим муздай бетон устидаман, магазиннинг деразалари очиб қўйилади, шу боис ўпкам шамоллаб қолибди", деди

у мен билан танишган куни. Унинг таклифи билан бир хонага жойлашдик. Ўзбек тилига уста. Шаҳримизда асосан ўзбеклар яшайди-да, — дейди у. Мана ярим ойдан буён Алуштадамиз. Буни қарангки, ўша куни биринчи марта Ялтага келгандик. Келибоқ, сиз билан танишдик. Негадир сизга ишонгим келди. Яхши одамга ўхшайсиз. Умуман, дунёда яхшилар кўп. Аммо, ёмонлар ҳам кам эмас...

Фариданинг тақдирига ачиндим. Ёш боши билан анча ташвиш чекибди. Бир томонда ота-онасининг аччиқ қисмати, иккинчи томонда ўз дарди... Бироқ ҳар дарднинг давоси вақт. Вақт ўтиши билан эски яралар битади. Инсон ҳам дарахтга ўхшайди. Яхши парвариш билан қувватга кириб, шоҳ ёзиб, сархил мевалар берганидай, одам ҳам оқиллар таъсирида руҳан тетиклашади, иқболини яратади.

У ҳамон кўзларини яширганича менга суюниб ўтиради. Мен унинг юз ифодасини кўрмаётган бўлсам-да, кўнгли бўшаб, бир оз тинчланганлиги, қалбидаги ғубор тарқалганлигини ҳис этардим. Шутопда нимадир дейишим жоиз эди. Бироқ бунақа пайтларда бир оғиз сўз дилдаги ярани тирнаб, дилини оғритиши ҳам мумкин. Ўйлаб-ўйлаб шу гапни айтдим.

— Сиз матонатли қизсиз, Фарида. Сиз, албатта, баҳтга эришасиз, яхши ҳаёт кечирасиз.

У бошини кўтариб менга тикилди. Қоп-қора кўзлари ёшга тўла эди. Киприклари орасидан оқаётган томчилар ёнокларига тўкилиб туради. У шу ҳолатда мафтункор эди.

— Рост айтаяпсизми, Ортиғали ака? Чиндан ҳам рўшнолик кўраманми? Ёки аяжоним каби муҳаббатда ҳам, турмушда ҳам омадим чопмай, умрим ҳазон бўлармикин?

Унинг ойдай юзи кўзларимни қамаштириди. Ўйладимки, бу париваш инсон фарзанди эмас, осмондан тушган фаришта. Бунақа самимийлик, бундай беғуборлик фақат бегуноҳ қишиларгагина хос. Бу ҳилқатда гуноҳга жой йўқ. Унинг бутун жисми, вужуди софликнинг ўзику.

Юз-кўзларидаги тиниқ кўз ёшларини артиб, уни тинчлантиридим.

— Ёруғ оламда мусулмон кишиси ҳеч қачон умидсизликка берилмаслиги керак. Сиз ҳар қандай саодатта лойиқ қызсиз. Вақти келиб, бу күз ёшларингиз беҳуда оққанлигини эслатаман.

— Сиз эслатасизми? — Кизнинг чөхрасида нур жилваланди. Ахир, икки кундан кейин сиз қаёқда-ю, мен қаёқдаман.

— Биринчидан, Талъат акам түғри айтди, ҳали таътилимиз тугамайди. Иккинчидан, тоғ-тоғ билан учрашмаса ҳам, одам-одам билан күришади.

Атиги икки соат илгари Қримнинг роҳатижон табиати ҳам юрт соғинчига малҳам бўлолмаётганди. Энди фикрим ўзгарди. Ахир Андижонда ёнаётган ёрим йўқ энди, ишимдан кўнглим тинч. Ижод аҳлига таътил чикора. Шундай экан, қалбимда кўз очаётган туйғуларим учун бир оз меҳр берайчи. Ахир, ишқ шарбатини тотмаган юрак юрак саналармиди? Умримда ҳали бирон қиз Фарида каби ширин эҳтирослар уйғотмаганди. Муҳаббатдан буюк баҳт борми ўзи?

— Ортиғали ака.

Фариданинг овозидан сочқин хаёлларим жиловланди. Бутун вужудим қулоққа айланди.

— Сиз ҳам ўзингиз тўғрингизда айтиб беринг, — бошини хиёл эгиб яна эркаланди. — Агар, агар сир бўлмаса?

Мен Тошкентда, санъат институтида ўқиганлигимни, вилоят маданият бошқармасида ишлаётганимни сўзлаб бердим. Гап орасида шу сафар олдидан Зайнаб билан ажралишганлигимизни писанда қилиб қўйдим. Нега бу ҳақда гапирдим, ҳайронман. Аниғи шуки, бу билан бошим очиқлигини унга сездириб қўймоқчи эдим.

Фарида рўзгорим бузилганини эшишиб, астойдил ачинди. Бунинг бош сабаби фарзандсизлик деб ўйлаб, даволаниш учун пойтахтга, Москвагача бормаганлигимни таъна қилди, ҳар иккимизни бепарволикда айблади. У тушунмадики, оиласи мустаҳкамловчи қўрғон фақат фарзанд эмас, асосийси, бу — муҳаббат.

Орага жимлик чўкди.

Очиғи биз қайси юмуш билан йўлга тушганимизни унугаёзгандим.

— Қани туриңг, ош ҳам ёдимиздан чиқибди-ку.

— Вой ўлмасам, тезроқ чопайлик энди.

Иккаламиз қўл ушлашиб югурдик. Хайриятки, шундоққина ўрмон этагида кичикроқ дўкон бор экан. Талъат акадан роса танқид эшитамиз, — деган хавотирда чойхонага кириб борсак, улар йўқ. Ўчоқда палов дамланиб турибди. Фарида чарчаганми, ғўлалардан бирига ўтириб олди. Мен чайлага кўз ташладим. Не кўз билан кўрайки, "катта"лар қучоқлашиб, бир-бирига бўса ҳадя этишяпти. Ҳатто қадам товушларини ҳам пайқашмади.

Бўшашиб келаётганимни кўриб, Фарида улар йўқ шекилли деб ўйлади.

— Ҳа, кетиб қолишибдими? — Ўзим ҳам хайронман, уларнинг ҳолатидан уялиб, кайфиятим тушган эди.

— Ичкарида эканлар, — дедим тўнғиллаб.

— Хайрият, кетиб қолишмабди, — астойдил севинди Фарида. — Ўзиям, хаёллаб қолдик-да.

— Чамамда хаёллаб қолганимиз қўл келган кўринади.

— Нега унақа деяпсиз, — тушунмай сўради у.

— Негаки, ўз ишлари билан бандлар.

— Иш, қанақа иш?

Қарасам совуқ кайфиятимни қизга ҳам юқтиргандайман. Гапни ҳазилга буриб юбордим.

— Биз кутавериб, тоқатлари тоқ бўлибди. Гулсум опанинг қорни очибди. Ҳозир Талъат aka опангизга нон чайнаб беряпти.

Фарида ўрнидан туриб, кулба томон юрган эди, мен уни тўхтатдим.

— Шошманг, ҳозир ўzlари чиқишиади. Унгача идиштовороқларни тайёрлаб турайлик.

Чиндан ҳам "катта"лар олдинма кейин қизариб-бўзариб чиқишиди. Йўл-йўлакай Талъат aka одатича пўписа қилишга тушиди.

— Ёш болани ишга буюрма, орқасидан ўзинг югурма, деганларига энди ишондим. Қидирай десам қайси сүқмоқдан юрганингларни сезмай қолибман. Устига-устак, Гулсумойни ёлғиз ташлаб кетгим келмади. Бир томонда палов дам еб, гуручлар қозондан ўрмалаб чиқиб кетаяпти. Умримда бугунгичалик азоб чекмагандим.

— Азобингиз шундай бўлса, роҳатингизга гап йўқ эканда.

Қозон бошига бориб қолган Талъат ака менга қарамай ўдағайлади.

— Ҳай бола, ҳаддингиздан ошманг. Мен сизнинг роҳатингизни ҳам, "дардингиз"ни ҳам сўрамадим-ку. Қани, товоқни келтиринг-чи. Фарида хоним, чойхоначидан ҳануз дарак йўқ. Электр чойнакдаги сув қайноқ, яна бир бор шарақлатиб юбориб, чой дамланг. Гулсумой, сиз дам олинг, болаларни ўйлаб юрагингиз анча оғриди.

— Боя табиблик қилаётган экансиз-да, мен эса бўлмағур хаёлларга берилибман-а. — Секин пичинг қилдим.

— Ёшлар ўзи яхшиликни ўйлашмайди. Ҳа, майли, ош олдидан гуноҳларингдан ўтдим. Қани, тезроқ "ишга" киришайлик. Бояги қарам шўрва ичимни шилиб юборди.

Бир дақиқадан сўнг ҳаммамиз капа ичида жамулжам ўтирадик. Талъат ака конъякка кока-кола қўшиб, қизларга узатди. Биз оз-оздан иштаҳа учун оқидан отдик. Сал ширакайф бўлибман. Гулсум опанинг кулфи дили очилиб, нукул "ошпаз"ни мақтайди. Аҳён-аҳёнда қўли билан унинг оғзига луқма тутиб сийлади. Талъат ака эса "Опанг зўрку, сен яна уларга тегманг, деб огоҳлантириб юрибсан-а" дегандай қараш қиласди.

Ўтиришимиз авжга чиққанида оқшом тушиб, сиҳатгоҳ тарафдан Шерали Жўраевнинг жарангдор қўшиғи янгради. Талъат ака Гулсум опанинг қўлидан тортиб, ўйинга таклиф қилди. Очиги ҳар иккиси ҳам рақснинг устаси экан. Талъат аканинг ҳаракатлари чаққон, қўллари ҳавода кескин силкинади. Бодом қовоқлари орасида милтираб турган кўзларидай ўт ёнади. Бир дам грузин йигитларидаи қанот

қоқиб майда қадамлаб гир айланади. Худди тоғ устидан денгизга шүнғиган лочин мисол чарх уради.

Гулсум опанинг қадди басти тұла әди. Аммо рақсга түшганида ипақдай эшилиб кетар экан. Бамисоли қызлардай нафис ва жозибадор ҳаракатлари билан шеригининг тинчини бутунлай ўғирлаб қўйди. Энди йигит унинг атрофида гирдикапалак әди. Шўх мусиқа тугади. Ўйинчилар нафас ростламоқ илинжида ям-яшил майса устига узала тушиб ётишди.

Бир оздан сўнг Алла Пугачёванинг "Маэстро" қўшиғи бошланди. Мен Фаридани даврага тортдим. У елкамга қўлини қўйди. Мен хипча белидан беозоргина қучдим. Рося мириқиб ўйнадик, мусиқа баланд пардасига кўтарилиганда, уни даст кўтариб, ҳавода уч бора айлантириб қўйдим.

Ҳамма шод, барчанинг кайфияти кўтариинки.

Бир пайт қарасам, атрофимиизда дам олувчилик тўпланиб қолишибди. Улар орасида ҳамкасбим, ёши элликларга борган Шариф ака ҳам бор экан. Кучоқлашиб кўришдик. Яна икки киши ҳамроҳлигига ошга таклиф қилдик.

Дастурхонга дуо ўқилгач, Шариф ака кулиб:

— Бу, андижонлик йигитлар қаерга боришса ҳам шўхлигини ташлашмас экан-да, — деди.

Талъат ака унга жавобан:

— Йигит бўлса шўх бўлсин, шўх бўлмаса... — деб у ёғини айтмади.

Ҳамкасбим соддадил, беозор, ишонувчан одам әди. У анчагача Фаридага тикилиб қаради. Кейин хиёл мен томон энгашиб сўради.

— Бу киши келин болами?

Савол оҳиста айтилган әди. Бироқ зиёфатдагиларнинг эътиборини тортибди: қулоқлари динг бўлди.

Сезиб турибман. Агар бу қиз турмуш ўртогим десам кўпчилик ҳасад ўтида қовурилиб кетади. Мабодо тўғрисини айтсам, унда беш баттар аҳволга тушишади. Мен сал енгилроғини танладим.

— Ҳа Шариф ака, адашмадингиз.

Шариф ака кўзойнагини тўғрилаб бурни устига маҳкамроқ ўрнаштириди чори, кейин пешонасидаги резареза терларни артди. Шу орада нимадир дейиш кераклигини англаб, кўп ўйлаб ўтирмай Юсуфбек ҳожининг гапларини такрорлаб қўя қолди.

— Қаранг, Андижонда шундай келинимиз бор экан-у, билмай юраверибмиз-да.

Кейин у қўярда-қўймай, бизни ўз хонасига чорлади. Фаридага кичкина шишаҷада "Бўлиши мумкин" деган Польша атрини совға қилди. Ҳар иккаламизга қўша қаришликтин тилаб, яхши истаклар билдириди.

Фарида келинлик вазифасини қандай бажаришни билмай ҳижолатдан лов-лов ёнарди. Оппоқ юзлари қирмизи тус олганди, қўзларида ҳаё зухурланганида у янайм очилиб кетаркан.

— Биз маданият арбобимиз, — деди Шариф ака чиндан ҳам эҳтиросларга эрк бериб. — Табиатда, жамиятда, гўзалликни кўрганимизда гўё ўзимизни арши аълога кўтарилигандай сезамиз. Ёшим элликдан ортиб, шу бугун Навоийни англадим. У зот:

"Оразин ёпғоч, кўзимдин сочишур ҳар лаҳза ёш,

Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш" — деб ёзганида мана шундай ойимқизларимизни хаёлига келтирган бўлса ажаб эмас. Эътибор беринглар, Крим қуёши ботди, аммо Андижон қамари ҳамон ёғду таратиб турибди. Э, қойилман Ортиғали ука.

Шариф аканинг табиатини билганим учун, қолаверса у бир оз ширакайфлигини назарда тутиб, бу гаплардан ғашим келмаётганди. Бироқ Талъат ака қурувчилигига борди.

— Оқсоқол, — деди у Шариф аканинг сепкил босган юзига юзини яқин келтириб. — Айтинг-чи, андижонлик эркак олдида, эрининг ҳузурида бирор бирорнинг хотинига суқланадими? Қўйинг, бачкана гапларингизни йиғиштиринг. Берган бир пиёла чойингиз учун ташаккур. Энди бизга жавоб.

Шариф аканинг ранги ўчиб, дағ-дағ титрай бошлади.

— Биродар, сиз мени тушунмадингиз.

Талъат ака аллақачон йўлакка чиқиб олганди. Ўша ердан тўнғиллагани эшитилди.

— Яхшиям, тушунмаганим, акс ҳолда...

— Энди ҳамشاҳаримиздан ранжиманг. Курувчилар байтнинг қадрига етишармиди?

Тўсатдан миямга келган бу фикр чиндан ҳамкасбимга ёқиб тушди.

— Рост айтасиз. Аммо-лекин кўнглимда баразим йўқ эди. Ахир боламдай нарса-я... Сиз мени тўғри тушунсангиз бас... Бўптими?

Шариф ака билан хайр-хўшлашиб, пастга тушганимда Талъат ака сиҳатгоҳ майдончасидаги ўриндиқда сигарета буруқситарди. Гулсум опа эса, уни тинчлантираяпти.

— Ҳай йигит, — деди мени кўриши билан. — Кечира-сиз-у, ит ҳам суюгини ёмон назардан сақлайди. Нега вақтида оғзини ёпиб қўймайсиз?

— Ахир, бирга ишлаймиз-да, ўзи ёмон одаммас.

— Бир қориндан тушсангиз ҳам, ҳамиятингизни эҳтиётлашни ўрганинг. Мендан сизга насиҳат шу. Ўшанда қадрингиз ошади. Келин, қани, ё ташлаб чиқдингизми?

Сўнгги жумласи куракда турмаслигини сезиб, мени маҳкам қучоқлаб олди.

— Нима қилай, шу туришингизда ёқиб қолдингиз. Худди жигаримдайсиз.

Фарида неон чироқлари ёритаётган ҳовуздаги нилуфар гулларини томоша қилаётганди.

Бизнинг қўзғалонимизни кўриб, мени ёнига чорлади.

— Ортиғали ака, гулнинг хунуги йўқ, аммо нилуфарнинг чиройи ўзгacha. Бирваракайига очилган бунча сувпарисини илк бор кўришим. Қаранг, қандай гўзал-а. Сира кетгим келмаяпти. Афсуски, кеч бўлди.

Такси ярим соатга қолиб-қолмай Алуштага етказиб қўйди.

— Эртага Севастополга борамиз, катта, кичик панорамани кўриб келамиз, — деди Талъат ака қатъий. У

ҳатто биз билан келишиб ҳам олмади. Бироқ фикри ҳаммага маъқул тушганини яхши биларди.

У шундай деб менга кўзини лўқ қилиб қаради.

— Ишқилиб, қаршилигингиз йўқми, жигарим.

Чурқ этмадим.

Фарида билан сиҳатгоҳ эшиги олдида хайрлашдик. У ичкрига ўзини олди. Зум ўтмай қайтди. Ёнимга яқин, жудаям яқин келди. Унинг илиқ нафаси димогимга урилиб, хушимдан айрди. Ўйлабманки, менга бўса ҳадя этади деб. Ундан бўлмади. Ўша латиф овоз ила:

— Бугунги кун учун сизга раҳмат, — деб ўнинчи синф қизларида чопқиллаб хонасига кириб кетди.

\* \* \*

Кўрфаздамиз. Эрталабдан қуёш денгиз узра заррин нурларини аямай сочяпти. Соҳил бўйлаб узундан-узун чўзилган одамлар оқимидан ҳайратга тушасиз. Шу тобдан танини тобламоқ учун ярим яланроҷ ётганлар қанча. Икки навқирон аёл тик турганича китоб ўқишаپти. Тўрт улфат қум устига газета тўшаб, ҳалитдан шакаргуфторликни бошлишибди. Тўп ўйнаётган ёш-ялангларнинг қий-чуви фалакни тутган. Хуллас, бу ўзгача бир олам эди.

Биз Алуштага отланганимиз. Яна "Ракета" кутаяпмиз. Негадир бугун ўша ёққа борувчилар кўпроқ.

— Кеча "хаяллаб" қолганингиздан кўнглимга шубҳа тушмади, — деди Тальят ака офтобга баданини тутиб ётган сунбул сочли дуркун қиздан кўз узмай.

— Мен эсам сизнинг тарбияли одамлигингизга ишонгандим.

У ялт этиб кўзларимга қаради.

— Ана, холос. Хўш, айтинг-чи, қачон одоб доирасидан чиқибмиз? Қулогим сизда. — У Ялангтўш каби қўлини қулоқлари орқасига пахса қилди.

— Чайлада Гулсум опага ёпишиб турганингизни кўрдим.

— Шундайми? Эҳтимол, бунинг аксиdir. Эҳтимол, эҳтиросларга бой опангиз мени ёқтириб қолгандир?

— Ҳарҳолда улар хаста аёллар. Дилинни оғритадиган хатти-ҳаракатдан тийилишиңгиз керак.

— Тўппа-тўғри. Ўша хаста дилга мўмиёсифат шифо бўлаяпман. Буни беморнинг ўзи хоҳляяпти. Ёки ёзма тарзда укасига мурожаат этсинми, сиз имзо чекиб берасизми?

— Устимдан кулманг. Менда ҳам иззат-нафс бор.

Талъат ака муғамбирона жилмайиб, ҳарсанг тошлардан бирига чўқди.

— Укажоним, ёшим қирқقا бораяпти. Ишонинг, шу пайтгача сиздай содда йигитни учратмаганман. Ҳудди осмондан тушган фариштага ўхшайсиз. Нега тушунмайсиз, одамлар бу жаннатмакон ерларга ҳордиқ чиқаришга, айшишратга, кўнгил кўчаларини овламоққа келади. Бу онларни бир йил, икки йил, ҳатто ўн йил кутадиганлар бор. Кечаги гапингизни ўйласам, тепа сочим тикка туради. Нима эмиш "зериқяпти эмиш, индинга жуфтакни ростлармиш". Бу гапдан сўнг қайси аҳмоқ сизга майл қўяди. Ахир, булар йўл бўйидаги тасқаралар эмаски, бугун биз билан хуморини ёзib, эртага бағрини бошқасига очадиган. Булар тоза нарсалар, булар учун ҳаракат қилмоқ, курашмоқ керак.

Бу ёғини сўрасангиз Гулсум опангиз билан аҳд-паймон қилдик.

— Аммо сиз унга уйланасизми?

— Албатта.

— Шу чоққача бўйдоқмидингиз?

— Шу чоққача десам ошириб юбораман, аммо бир ҳафтадирки ашаддий ёлғизман. Ёлғизлик фақат Ўзига ярашади.

— Демак, сиз уни алдаяпсиз, шундайми?

— Эҳтимол, эрим ўлган деб у ҳам мени лақиллатаётгандир. Мен ортиқча тафсилотларга қизиқмайман. Мен бугунги фурсатни ўйлайман, темирни қизигида босаман. Фақат нодонларгина яна эллик йилдан кейин нима бўлишини қаричлаб ўлчаб, жонини сихга ўтказиб юришади. Билмайдики, шу вақт оралиғида дунё неча бор бузилиб, неча бор тузалади.

— Кулоқларимга ишонмайман, Талъат ака. Ахир бу — даҳшат-ку. Үнда ўзаро ҳурмат, ишонч, диёнат, энг олий түйфу — муҳаббат қаерда қолади? Наҳотки, ҳамма бир-бирининг кўзига чўп саншиб юрса, бир-биридан фақат манфаат қидирса?

Талъат ака мендан-да кўпроқ таажжубланаётганини яширмади.

— Назаримда ўзга бир сайёрада улғайиб, кейин бу ярим жаннат, ярим дўзах ҳисобланмиш заминга оёқ кўйгандайсиз. Биродар, кўзингизни мoshдай очиб қўйишади ҳали. Бир кун келиб менга дарс берарсиз.

Бу ҳаётда нигоҳи ўткир кўради, қадами шаҳдам манзилига етади, қўли узун айтганини олади, юраги бутун шоҳона яшайди. Файласуфлар эса, умр бўйи турли ўй-мулоҳазалар гирдобида қолиб кетади. Худди ўргимчак ўз тўридан чиқолмагандай. Тўғри, сизнинг фоянгиз ажойиб, ҳалол, адолатли. Лекин бу фоя асрлар давомида ҳақиқатга айланмай келаяпти. Ҳом сут эмган банда бор эканки, икки дунёда ҳам у тантана қилолмайди. Бу эзгу ниятлар соддадил кишиларга таскин бериш, ўз-ўзини юпатиш, яхши яшаётгандарга нисбатан нафратини сўндириш учунгина ўйлаб топилган. Инсон туғилибдики, қаршисида икки йўл намоён. Бири қалтис, таваккал, қинғир йўл, бироқ унинг этагида айш-ишрат, кайф-сафо, мол-дунё тўлиб-тошиб ётибди. Иккинчиси эса, покдомонлик, яхшилик, адолат йўли, бироқ бу масофани босиб ўтиш ўта маşaққатли, энг ёмони - эвазига ҳеч нарса ваъда қилинмаган. Бу йўлда омонат умрингиз афсус-надомат, йўқчилик, мутелик, кўнгилчанлик, азобу уқубатларга дуч келаверади. Холоса шуки, дунёни оқиллар тузади, жоҳиллар яшайди.

У худди Гамлет тимсолини яратаБтган Иннокентий Смуктановский каби ниҳоятда ролга кириб, берилиб сўзларди. Бироқ унинг гаплари менга ёқмади. Бу жоҳиллар дунёқарashi, деган фикрдан узоклашмадим. Ахир ҳаётда қанча авлиёсифат кишилар бор. Мана Шариф акани олайлик. Кеча мен уни тўғри тушундим. Чунки Талъат акага

нисбатан уни күпроқ биламан, қалби беғуборлигини тушунаман.

Ёки Фариданинг қайнотаси, қайноасини эслайлик. Нима бўлганда ҳам, озгина инсоф-диёнат бор эканки, эрка, тантиқ ўғли учун кечирим сўрашибди, унга эса, қизим дея муолажага йўлланма олиб беришибди. Йўқ, ҳамشاҳрим ноҳақ. У ўз енгилтаклигини оқлаш учун дунёни остин-устун қилиб юборишдан тоймаяпти. Аслида, эзгулик бор, яхшилик бор ва у енгади. Шу жумладан муҳаббат ҳам мангу. Фақат унинг макони - тоза дил. У кирланган қалбларга қиё боқмайди, нодонлар кўнглини тарк этади.

Денгиз ичкарисида тутмадек кўринган нарса аста-секин "Ракета" эканлиги маълум бўлди.

— Ана "тарелка" ҳам кеп қолди, қани, югурайлик, — деди Тальят ака олдинга интилар экан. Мен ҳам қадамимни илдам босдим. Дастребусига сифмай қолдик. Ҳайриятки, навбатдагиси ҳам сув юзида айланма тўлқинлар ҳосил килиб, бекатга яқинлашди. Биз "Ракета"га яқинлигимиз боис олдинги ўринларни эгалладик. Йўлда ҳамроҳим ўша мавзуга ўт қалади.

— Кеча Фаридани хурсанд қилолдингизми?

Яна асабим бузилди. Кап-катта одам, наҳотки, фикри-хаёли шу "муаммо"дан иборат. Адабиёт, санъат, мусиқа ҳақида ҳеч вақо билмасмикан.

— Кечаги кун ҳақидаги саволим жавобсиз қолдими? — деди у қулогимга оғзини яқинлаштириб. Тавба, бунча хира пашишадай фўнгиллаб, оромимни бузмаса. Қаттиқроқ жавоб берив, орани очиқ қилсанмикан? Унга юз чидамайди. Ҳарҳолда ҳамшаҳрим.

— Агар сизни безовта қилаётган маънони назарда туваётган бўлсангиз йўқ. Аммо биз иккаламиз ҳам кечаги кунимиздан баҳтиёрмиз.

Унинг юзига шўр сув сачради. Дастребусига олиб афт-ангорини артар экан, яна кўшимча қилди.

— Менга оғирлиги йўқ. Яна сиз тўғрингизда ҳар хил хаёлларга бориб юрмасин, дейман-да.

— Яхшиси, сиз ўз ташвишингизни қилинг. Ҳар кимни ўз оёғи билан осади. Умуман, бу ҳақда суҳбатлашишни истамайман. Шуни билиб қўйинг, Фарида — Гулсум ола эмас.

— Ўҳ-ҳў, нима бало, юрагингиздан урибди, шекилли. Ростдан ҳам меҳрингиз тушган бўлса, мен сизни табриклайман. Фарида — фаришта. Бундай қизлар юз йилда бир марта туғилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу қушчани қўлингизга шундай қўндирингки, асло учириб юборманг. Ким ким, мен аёлларни бир қарашда сарагини саракка, пучагини пучакка ажратаман.

— Биношунос эмас, аёлшунос экансиз-да.

— Отангизга раҳмат, топдингиз. Аёлларсиз бу ёруғ дунё—нақ гўристон, укам.

У тасодифан миясига келган бу фикрдан завқланиб, анчагача лабларини кулгудан йиғиштиrolмади. Сал ўзига келгач, яна юрагимга кўл солди.

— Ҳеч йўқ насиҳатимни жиддий тушунинг. Агар бу қизалоқнинг боши очиқ бўлса, Андижонга олиб қочинг. Умрингиз роҳатда ўтади.

— Нега ундей деяпсиз? Ахир сиз унинг турмуш ўртоғи, менинг эса, оилас борлигидан бехабармисиз?

Тальят ака хайронлигини яширмади.

— Ёпирай, сизларни бўй болалар деб тушунибман. Э, қойил, ҳали сиз рўзғор кўрган эркакмисиз. Асли мени чалғитган ҳам ўзингиз. Она сути оғзидан кетмаган болага ўҳшаб, "ундай қилманг, бундай этманг, дилига озор берманг", э, ўргилдим сиздан. Энди гап бундай, ҳар иккаламиз ҳам суверен йигитлармиз, бир-биrimizning ички ишларимизга аралашмаймиз, розимисиз?

Бош иргаб унинг йўриқномасини маъқулладим.

"Ракета"дан тушсак, аёллар бизларни кўм-кўк хиёбон ўртасидаги фаввора ёнида кутиб туришган экан. Фаридани кўрдим-у, яна юрагим ҳапқириб кетди. У оқ гулли матодан кофта, қора юбка кийиб олган. Оёғида енгил шиппак. Юзлари тоғ чашмасидай, кўзлари оҳуникига ўхшаш.

Узокдан бизга нигоҳи түшди-ю, худди менга ёқишини "билигандай" бошини хиёл эгиб, табассум ҳадя қилди. Сүнг югуриб менга пешвоз чиқди. Бу сафар ўзимни тута олмадим. Елкаларидан омонатгина қучиб дийдорлашдим. Кўксим кўксига урилганида, туни билан оромимни олиб қочган ҳижрон азоби тонгги тумандай тарқалиб кетди. Шунинг баробарида, моҳирўйим қаршимда нигорон турса-да, бутун вужудим унга томон талпинаёттанилигини, бамисоли булоқ бўйида ташналиги қонмаётган одам аҳволига тушиб қолганлигимни ҳис этардим.

Фарида қўлларимдан ушлаб, эркаланди, кеча қандай етиб олганлигимни сўради, тун қоронғусида кетганим боис безовта бўлганлигини ҳам яширмади.

Талъат ака Гулсум опа билан қулоқлашиб, худди эр хотинлардай қўришди. Опа ҳам ноз қилиб ўтирмади. Хуллас, улар битта аравадаги одамлар эканлигини сездим. Майли, ҳар ким ўз бошига ўзи жавоб беради. Гуноҳи-ю, савоби ҳам ўзига тегишли.

Яп-янги "Жигули"ни тўхтатдик. Симферополга саёҳат қилдиришга шай экан. Умуман, бу курорт шаҳарда киракашлар кўп эди.

Қирқ чақиримдан зиёд йўлни бир пасда босиб ўтдик. Ёшгина ҳайдовчи йигит сўзамол чиқиб қолди. Ҳеч биримизга навбат бермади. Ҳатто оғзида сигарета турса ҳам, лабининг бир чеккасида гапираверди. Йўл ёқасида битта тош кўрса, шунинг тарихий ўрни, мақоми, ким келтириб қўйганлиги ҳақида тинмай сўзларди. Диорама, панорамаларга ҳам бирга кирди. Ҳайриятки, бу зиёратгоҳларнинг ўз ваъзхонлари бўларкан. Очиги, шу маҳалгача уруш тўғрисида қанча китоб ўқиб, қанча кино кўрсам ҳам, унинг даҳшатини бус-бутунлигича шу ерда англадим. Бечора Фарида жангтоҳ манзараларига қараб, ўзини тутолмай пиқ-пиқ йиғларди.

Панорамадан чиқиб, миллий паркни томоша қилдик.

Тушликдан сўнг Пушкиннинг поэмасида қаламга олинган Борчасаройга қараб йўл олдик. Тоғ ва ўрмонлар

оралиғидаги сұлым құчаларнинг ўзи бир зиёрат бўлди. Биз билган, билмаган манзарали дараҳтларнинг сон-саноғи йўқ. Тоғ устига Қалъа каби тошдан урилган иморат саҳнидаги хурмозор эътиборимизни тортди. Хурмо дараҳтининг барглари тўқилиб, пишган сап-сариқ мевалари олтиндай товланиб, ажиг манзара кашф этарди. Бофни ихоталаган игна баргли арчаларнинг гўзаллиги, жозибаси дилни яшнатарди.

— Ўзбекистонимиз ҳам денгиз бўйига жойлашганида борми? — гап қотди боядан буён ҳайдовчига фаолликни бериб қўйиб, фижиниб келаётган Тальят ака.

— Бизнинг Фазалкент шаҳарчамиз ҳам Қrimdan қолишмайди. Айниқса, Оқтош тоғлари, Чорвоқ ГЭСи, Чирчиқ дарёси атрофларини бир кўрсангиз. Мен ўз қишлоғимни дунёning ҳеч бир хушманзара ва обод саналган гўшасига алмаштирумайман, — деди Фарида юрагида орзиқиши туйгандай. Унинг гаплари Тальят акага зарбадай туюлгани аниқ. Қани, сўзамол акам қандай гап топар экан? Аммо у кўп ўйланиб ўтирумади. Орқасига қараб, ўнг қўлинин тиззамга қўйди.

— Аммо-лекин роса топишибисизлар. Биринглар адолатпарвар, иккинчинглар ватанпарвар...

— Сиз-чи?, — дедим суҳбатга жиддий тус бериб.

— Мен, билсангиз, инсонпарварман, аёлпарварман. Мана, Гулсумой айтсин, гапим тўғрими?

Боядан буён туркманча қўшиқни ҳиргойи қилиб, ташқарини кузатаётган Гулсум опа, тилла тишларини ярақлатиб, хандон ташлаб кулди.

— Аёлпарварлигингизни менинг мисолимда тасдиқлатиб олмоқчимисиз? Ҳали иш кўп, акажон.

Тальят ака биринчи марта тумтайиб, Асад Исматовнигига ўхшашибодом қовоқларини осди. Бироқ бу ҳол узоққа чўзилмади. Энди Гулсум опага "ташланди".

— Туркман қизнинг бағрига қум-саҳролар оша борилишини унугибман чоги. Аммо "аёлпарварман" деганимда айнан сизнинг қалбингизга ўз меҳримни пайванд

қилмоқликни назарда тутгандим. Талъатбек ҳеч қачон кўлнинг, чўлнинг ўртасида қолиб кетмаган, у доимо манзилга етган...

Мулоқот шу ерда тугади. Биз Боғчасаройнинг афсонавий кўрғони этагида турадик...

\* \* \*

Бугун шанба. Гулсум опа Талъат аканинг ижарада турган уйини кўриб келмоқчи. Бизни ҳам таклиф қилишганди, кўнмадик. Ҳар кунги ютур-ютурлардан чарчадик. Яхиси денгизда чўмилиб, ҳордиқ чиқарган маъкул.

Фарида билан одамлардан ҳолироқ жой излаб-излаб, ниҳоят шаҳар ҳудуди тугайдиган ердаги давлат раҳбарлари учун ажратилган ҳавзага яқинлашиб қолибмиз. Бизга ҳеч ким аҳамият бермади. Мен кийимларимни офтобда тобланиб ётадиган таҳтакачга ечиб, денгизга шўнғидим. Денгизнинг илиқ, ҳузурбахш суви танга роҳат эди.

Фарида узун гулли батист кўйлагида эди. Елкасига тушадиган сочини битта қилиб ўриб олибди. У сузишни билмайман, деб чўмилишга унамади. Шу топда тўлқинлар ялайвериб, оқартириб юборган тиниқ тошлар устида мени кузатиб ўтирибди. Қуёшдан пана бўлиш учун кўйлагимни тўрт буклаб пешонасига ташлаб олган. Югурик тўлқинлар ҳам асовланиб унга талпинаётгандай. Бир марта денгиз кучли мавжланиб, тиззасига қадар сув етиб борди. Увой-войлаб қочмоқчи бўлди-ю, улгуролмади. Денгиз унинг оппоқ оёқларидан бўса олиб қайтди.

Бу ерда асосан кекса кишилар дам олишаркан. Бир маҳал ўрта бўйли, бадани ник, қозоқ йигити келиб қолди. Мен билан танишди. Кейин соҳилда ракушка териб юрган Фаридани кўрсатиб,

— Жўлдас, бу хотинби ё ўйнашби, — деб сўради.

Томдан тараш тушгандай айтилган гапдан зардам қайнади. У ҳолатимни тушуниб, изоҳ берди.

— Сен тусун, жўлдас. Бу жерда кўплари жазмани билан журишат, мен эса, ўрмонга ўтин кўтариб келобман. Шунга

соддалигимдан ўксиняпман. Жана сен-да менинг аҳволимга тусмадингми, демоқчидим.

— У оилас! — дедим совуққина.

— Эҳ бечора, — деди у астойдил ачиниб. — Кейин қўшиб қўйди, — сен, жўлдас, ачинба, хотининг ўйнашдан ҳам сулув турбайми?

Нима бало, Фарида фақат менга эмас, ҳаммага яхши кўринадими?

Тўлқинлар орасида туртина-суртина қирғоққа чиқиб, унинг ёнига чўзилдим. У "ўйинчоқ"ларини салофан халтачага тўлдириб олибди. Халтани сув етмайдиган қуруқ қум устига ирғитиб, бошини елкамга қўйди. У шундай ҳолатда ўй сурини ёқтиарди. Мен ҳам баҳтиёр эдим. Шу кўйи қанча вақт ўтди, билмайман. Тўсатдан Фарида юзини юзимга теккизиб, мени маҳкам қучоқлади. Эҳтиросларга берилди, деб янглишибман. Унинг кўзлари нам эди.

— Тинчликми, Пари, нега йиғлаяпсиз?

У менга яна ҳам жипслашди. Ҳудди бирор қўрқитган-у, бағримга яширинмоқчидай. Айни чоқда унда ишқий истакдан асар ҳам йўқлиги аниқ эди.

— Гапиринг, бирор ўкситмадими, сизни?

Фарида ўзини босиб, деди.

— Баҳтимдан қўрқиб кетаяпман. Ортиғали ака, сизни ёқтириб қолганга ўхшайман... Мен бу гапни айтмаслигим керак эди, аммо туйғуларим тинчимни олиб қўйди. Бошим айланиб қолди.

Бир қўлимга таяниб, иккинчи қўлим билан унинг соchlарини силадим.

— Пари, сиз ажойиб қизсиз? Мен ҳам сизни...

У ингичка, нозик бармоқлари билан оғзимни тўсди.

— Гапирманг. Ҳозир бунинг учун куйинмаяпман.

У ўзини ростлаб, кўзларимга қаттиқ тикилди.

— Биласизми, Ортиғали ака. Илгари, сизни кўрмай туриб, ўлимимга рози эдим. Энди ўлишдан қўрқиб кетаяпман. Сиздан умид узолмаяпман.

Ундан ҳар гапни куттандим-у, лекин бундай сўзларни эшитаман деб сира ўйламагандим. Қандай даҳшат. Ва айни чоқда қандай ёрқин ифода. Бу қизнинг туйгулари бу қадар кучли, бу қадар тиник, бу қадар иболи бўлмаса.

— Фарида, бўлмағур фикрларни хаёлингизга келтираманг. Ёшмиз, ҳаёт энди бошланаяпти, сиз эса ҳеч ақлга сифмайдиган нохуш гапларни айтяпсиз. Худо хоҳласа, иккаламиз ҳам узоқ яшаймиз.

Қизнинг ғамгин чехраси ёришди. Кўз ёшлиарини қўли билан артиб, ер остидан қаради.

— Кошки, айтганларингиз рўёбга чиқса.

— Нега чиқмас экан. Агар иккаламиз жислашсак, тоғни талқон қиласмиш. Яширмайман, сиз туфайли қалбимда улуғ бир туйғу бош кўтарди, сиз туфайли ҳаётим ўзгариб кетди. Кечагина бу ерлар зерикарли, тўс-тўполон туюлганди. Энди эса Алуштанинг ҳар бир гиёҳи мен учун азиз. Сиз оёқ қўйган тупроғи, гарди кўзларимга тўтиё. Фарида, мен муҳаббатнинг бу қадар қудратини илгари туйган эмасдим. У кўрга ҳам дунёни чароғон кўрсатаркан. Гунг тилини бийрон қиларкан, гар кар бўлсангда, севгилинг овози юрагингда акс-садо бераркан. Фарида, олам бепоён, аммо, сизсиз у совуқ кулба каби тор. Энди етдим деганда, сиз кўрқинчли тасаввурларингиз билан мени кўрқитманг. Сиз узоқ яшайсиз, биз бирга яшаймиз.

Умримда бу қадар булбулигўёга айланмагандим. Қалбимнинг қат-қатидан қанча дил изҳори отилиб чиқди, бироқ ҳамон ҳис-туйгуларим босилмас, эҳтиросларим денгиз каби мавжланиб бораради.

Шу кўйи Фаридани илк бор меҳр-муҳаббатим ила бағримга босдим, гўё иссиқ тошга сув сепилгандай юрагим жаз этиб, бутун вужудимни куйдириб юборди.

\* \* \*

Орадан бир ҳафта ўтди.

Бу дамлар шавқи йилларга қиёслагудай.

Айрим кезлари юдузли осмонга тикилиб, ўз баҳтимни топганим учун Яратганга шукроналар келтираман.

Ҳамиша сокин ва құдратли денгизга қараб, дил розимни изҳор этаман, қалбимга улут бир ишқ ташриф буюрганидан бошим күкка етади.

Үша куни оқшомгача бўш эдим. Хонамда ҳазрат Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достони насрый баёнини ўқиб ўтиргандим. Очиги, ўшандаги англашимки, Навоий тафаккури, сўз бойлиги бамисоли мана шу денгизга қиёслангудай бўлса, биз ундан билим заковатимиз билан худди бир ангишвонадагича зиё олгандай эканмиз. Бу тафаккур уммони құдратли, оҳанраболи ва энг муҳими битмас-тутанмаслигини кўпдан-да англашга қодир эмас эканмиз. Бу дард достони устида қалам тебратган зот қуидаги сўзларни битибди: "Уни ой дема, балки тўлган ойдир, тўлин ой ҳам эмас, балки порлоқ қуёшдир. Икки лаби асал, лекин хурмо мазалик, қора зулфлари тунида икки юзи гўё шамс ила қамар. Киприк софлари қора бинодек, кўз очиб-юмгунча улар икки қўшиндек қон тўкмоқ учун бир-бирига ташланади. Юзи жаннат боғларидан нишона бўлиб, ундаги ҳол алдамоқ учун дондир. Жаннат донига биргина Одам Ато илинган бўлса, бу юздаги ҳол донасига бутун жаҳон аҳли авлонгандир. Лабидаги болидан оғзи ширин бўлгани учун сўзлари ҳам ширин эди. Лабига жон заҳиралари йиғилган, оғзининг суви жон шираларидир. Уни ўпган киши ундан жон топади".

Табиийки, Лайли тимсолида кўз ўнгимда Фарида намоён эди. Навоий Лайлини тасвирлаганида гўё Фаридани назарда тутгандай эди. Шуларни ўйлар эканман, уни софина бошлаганимни, қалбимнинг увоқдай бир чети ачишиб турганлигини ва бу оғриқ давоси дийдорлашув эканлигини сезиб турардим.

Бироқ, ҳали у билан учрашувга анча вақт бор. Бугун муолажалари яқунланади. Кейин кузатувда бўлади. Дўхтирларнинг айтишича, ўпкасидаги тешик битиб кетибди. Айниқса, Алушта ҳавоси унинг соғлигини яна мустаҳкамлабди. Қолаверса, ўзининг кайфияти ҳам яхши. Шўх, шодон ҳатто бир оз эркалиги ҳам бор... Эҳ, Фарида,

Фарида. Бутунлай эс-хушимни олиб қўйдинг-а. Севги илоҳий деганлари шудирда. Акс ҳолда, бир қарашдаёқ унинг асирига айланаманми?

Қаердадир ўқигандим. Жаҳон фотиҳи Искандар минг-минглаб асиralари орасида Равшанакка кўзи тушиб, ўша заҳоти севиб қолган экан.

Отдан тушиб унинг қошига пиёда борибди.

— Эй сулув қиз. Мен дунёга подшоҳман ва лекин сенга қулмен!

Шунинг учун ҳам севмоқ — ўз ихтиёри билан қул бўлмоқ экан-да. Аслида, бундай жозибали қулликни ҳамма ҳам орзу қилса керак. Ошиқ учун икки дунё бир қадам. Уни мол-дунё, амал иддаоси, шон-шуҳрат асло қизиқтирмайди, у бутун лаззатни маъшуқаси висолидан топади. Бўлмаса, Фарида мен учун ким эди? Агар Аллоҳ юрагимга унинг ишқини солмаганида, шу кунгача бу ерларда қолармидим? Аллақачон Андижонга учардим. Ҳозир учишга қанотим, кетишга мадорим йўқ. Мадорим ҳам, қанотим ҳам шу ерда бўлгач, шошилишга не ҳожат?

Агар иложи топилса, уни ўзим билан олиб кетаман. Тошкентга жўнаймиз. Онасига топшириб, тоғасидан қўлини сўрайман. Усиз бир кун ҳам яшолмайман. Ҳозир ҳам фақат севгилимнинг хаёли вужудимга ҳузур бағишлияпти.

Эшик оҳиста чертилди. Рухсат сўраб, сипогина бўлиб Тальят aka кириб келди. "Ялта"га қўнганилитимни унга айтиб эдим, аммо айнан қайси қават, қайси хонадалигимни билдирамагандим.

— Кўкрагингни захга бериб ётибсанми, жигарим, - деди у дабдурустдан сенсирашга ўтиб. Кейин хонамни қўздан кечирди, лабини жуфтлаб, узун хуштак чалиб қўйди.

— Ўҳ-ҳў, биродар. Мен министр муовинининг ўғли деб янглишмабман, шекилли. Иккита хонада бир ўзинг ётибсанми? Одамлар битта жойга кўзини ўйиб беришга тайёр. Одамларни гапириб нима қилдим. Ўзим ҳам бир исқирт кампирникида бошим сифса, оёғим чиқиб яшаб

юрибман. Оббо ичидан пишган-ей. Туяни ютиб, думини күрсатмайсан-а. Мен сени бўш-баёв деб асраб-авайлаб юрсан, сен ов эмас, овчи экансан-ку.

У мени "савалашда" давом этаркан, акалик тафти ила қулоқлашиб кўришди. Оқ харир пардани кўтарган эди, бир қаноти очиқ дeraзадан "қора денгиз" кўринди. У завқини яширолмай менга, яна денгизга, яна менга қаради.

— Ёпирай, қандай гўзал манзара. Бу худди жаннатнинг ўзи-ку. — У бурчакдаги филдиракли креслога чўқди.

— Ортиғали, қайси қаҳрамонлигинг эвазига бундай шарафга сазоворсан? Қанча ментлар, авторитетлар, қонундагилар (ўгрилар) пана-пастқамда ётиб юришибди. Очиги, оғзимни очиб қўйдинг. Кўкнорифуруш десам, фирт зиёлисан, кўнглинг ҳам бўш, пулдорга ҳам ўхшамайсан, ё мафиянинг одамимисан?

Стол устидаги коладан қуйиб унга узатдим.

— Охири топдингиз.

У энди ичимликни хўпламоқчи эди, биллур фужерни оғзидан узоқлаштириб, ҳайратланиб тикилди.

— Устимдан кулма, йигит.

Мен жиддий қиёфада давом этдим.

— Ўзим ҳам аниқ билмайман-у, назаримда ўшаларнинг орасига кириб қолгандайман. Нега десангиз, — бу ёғига ўйлаб кетдим, — Андижондан келганимдан буён икки йигит мени назорат қилиб юришибди. Эҳтимол, шахсий соқчилардир.

— Тўхта, тўхта, — деди меҳмон иргиб туаркан. — Демак, палов дамлаган кунимиз "Чайка"ни ҳам бежиз топмабсиз-да. — У энди яна сизлашга тушди. — Оббо, укажоним, шуни айтадилар-да синамаган отнинг сиртидан ўтма, деб. Ҳа майли, ишқилиб мени қашқирларга талатиб қўймассиз? Ўзи тўрт кундан кейин қайтмоқчиман.

— Намунча тез.

— Лой тутади, ука.

— Унисига парво қилманг. Бош омон бўлса дўппи топилади.

— Жон ука, бунақа илмоқли гапларни қўйинг. Мен шалдир-шулдир одамман. Бош омон бўлса, деганингиз нимаси. Хўш, бир балони бошламаганмисиз?

— Мен сизни қоя деб, суюнсан, арзимаган ҳазилга юрагингиз потирлаб кетадиган соя экансиз-ку.

— Э, ҳазилингиз курсин. Жон-поним чиқиб кетди-я. Ахир, мусофири юрт бу.

— Ўзингиз бошладиз-ку, мафиямисан деб.

— Ҳа мен шунчаки, мана бу ҳашаматни кўриб, эс-хушим ўша ёқка кетибди-да. Ишқилиб, ростдан ҳам лақиллатувдингми, ёки...

Уни хотиржам қилиш учун не важдан келганимни, кўрган-кечирганларимни шошилмай сўзлаб бердим. Унинг ҳушчақчақ, дадиллигидан асар ҳам қолмади.

— Бари бир бу ерда сир бор. Ҳар ҳолда эҳтиёт бўлганингиз маъқул. Бу пишмаган бош яна сизнинг ёнингизга кўчиб келишни режалаشتариб ўтирибди-я. Хўш, энди нима қиласиз? Хўп десангиз Артекни кўриб келардик?

— Гулсум опа ҳам борадими?

У яна аввалгидек қувлик ҳолига ўтди.

— Энг нодонларни нодони аёл кишини елкасига қўндирволади. Хотин зоти елкангга оёқ қўйдими, тамом, бошга чиқди деявер.

— Ундан кўнглингиз совимадими?

— Ука совишдан илгари исиш керак.

— Ахир, ўз қулоғим билан эшитдим-ку, икки гапнинг бирида "ўлдим, куйдим, сиз осмондаги ойсиз, юзингизга қарагани ўзимдан ўзим rashk қиласан", — деганингизни?

У хо-холаб кулди.

— Билиб қўй, эшитган қулоқ айбдорми, ёки деган оғиз? Булбул ҳам ғунча очилғунча жон ҳолатда сайрайди, кейин қарабсизки, бошқа шохга қўнади. Бу қилиғи учун булбулни ҳеч ким айбламайди-ку.

Бу холоса таъбимни тирриқ қилди.

— Айтувдим-а, хаста диллар күнглини оғритманг, ўлганнинг устига тепманг деб. Ахир раҳмингиз келмайдими, аёл киши бировга ўрганиши осонмас, кўникканидан сўнг ортиқчалигини сезиш — фожеа.

Талъат ака кока-колани бир кўтаришда сипқориб, фужерни стол устига омонатгина қўндириди. Тирсагимдан ушлаб, мени ўзига қаратди.

— Ортиғали, нима қиласай, сен айт? Шудгорда қуйруқ кўрган кимса, бир балоси борлигини билади. Бунақа таъсиричанликнинг кимга кераги бор? Опани иккинчи хотин қилиб Андижонга олиб кетайми? Унда бола-чақа, қариндош-уруг юзимга тупирмайдими? Бунақа ишлар фақат кўнгил хушлиги учун қилинади. Бунда қарс икки қўлдан чиқади. Ёки масалага бошқа томондан қарайлик. Фарида билан ўртанглардаги муносабат қай даражада эканлигидан бехабарман. Бари бир биламанки, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолади. Ёки паривашиングни "сюрприз" қилиб қишлоғингга чақирасанми? — У яна сенлашга ўтди.

Тирсагимни силтаб бўшатиб, ундан узоқлашар эканман, дағал оҳангда жавоб қилдим.

— Бизга тил теккизманг.

— Ие, бу қанақаси? Биз қора-ю, сизлар оқ, биз шайтон-у, сизлар фариштами?

— Айтдим-ку, бизнинг муносабатимиз тамомила бошқача. Мен уни севаман.

— Ҳали уйланмоқчиидирсан?

— Албатта!

— Эсингни еб қўйибсан. Шуни айтади-да, кўрмаганнинг кўргани курсин деб.

— Илтимос, ҳақорат қилманг.

— Бу ҳақорат эмас, ҳақ гап! Ёш бола эмассан, рўзгор кўрган кишисан. Қайси ишга қўл ураётганинг билишинг керак.

Энди асабийлашаётганимни сездим. Аммо ўзимни қўлга олишдан ожиз эдим.

— Маслаҳатингиз учун ташаккур. Лекин кўр эмасман, оёғим остини кундай равшан кўраман.

У заҳарханда қилди.

— Тентак, ўғил бола оёғи остини эмас, узоқни кўриши керак.

— Ахир кечагина йигит киши бугунги кунни яхши ўтказиши лозим. Эртангиси омонат, — деб ақл ўргатувдингиз-ку.

— У бошқа масала. У енгил масала. Сен жиддий ишга бел боғлаяпсан. Азбаройи кўнглимга ўтириб қолганинг учун жон куйдираяпман. Тўрисини айтайми, бу қиз сенга муносибмас.

Рангим оқариб кетди. Бутун вужудим ўт бўлиб ёнди.

— Фаридага нима бўпти?!

Мен қанчалик қизишсам, у шунчалик хотиржам сўзларди.

— Буни ўзинг биласан.

— Билганим - севганим.

— Севавер, қандингни ур. Аммо, ортигини ўйлама.

— Сабаб?

— Оббо, мунча эзмалик қиласан? Ахир у туберкулёз-ку, уқдингми бола?

Йўқ, у гапирмади. Гўё бошимдан бир чеълак совуқ сув қўйгандай туюлди. Бу гап юрагимга ханжар каби санчилади, деб ўйламаган эдим. Ҳолбуки, унинг касаллигини беш панжадай билардим. Унинг юқмаслиги, боз устига бутунлай тузалиб кетганлиги ҳам аён эди. Лекин бари бир, Тальят ака энг жон еримга зарба берди. Яна шуниси аниқки, бу фақат дастлабкиси. Ҳали бундай таъна-дашномларни кўп эшилсан керак.

Тальят акага синовчан назар ташладим. У оғзидан чиққан сўзларига пушаймон эди. Ҳатто кечирим сўрашга чоғланди.

Мен уни бу илтифотдан маҳрум қилиб қўя қолдим. Бир гап билан қайтиб оғиз очмайдиган ҳолатга туширдим.

— Биласизми ака, — дедим ундан нигоҳимни узмай. — Фарида ҳали ўпка касал экан, рак бўлса ҳам бари бир уйланаман.

Талъат ака ўзини креслога ташлади. Ўйга толди. Кейин ўрнидан туриб, қўлида кўтариб юрадиган кичкина чарм сумкасини билагига илди.

- Нима ҳам дердим, ука. Ишққа даъво йўқ. Мен айтдим-кўйдим. У ёғини ўзинг биласан.

У хайрлашмасдан чиқиб кетди.

\* \* \*

Сиҳатгоҳга туташ истироҳат боғида қатор ўсаётган магнолия дарахтлари бор. Ости майин майсазор. Доимо ям-яшил туради. Йўлак бўйлаб ўтган ариқча пастликка, денгизга томон оқади. Қарасангиз кўзингиз тингудай. Агар сувга битта барг ташласангиз, уни кўз очиб-юмгунингизча бир чақирим нарида кўрасиз.

Фарида шу хилват хиёбонда дам олишни ёқтиради. Ҳозир ҳам ариқ қирғоқларига ўрнатилган ўриндиқда ўйчан ўтиради. Негадир, доимо сочига эътибор бераман. У мени мана шу зулфи билан банди қилганми деган иштибоҳга бераман. Қалбимни ром этган соchlари яна нозик елкаларини қучиб, гўёки денгиз тарафдан эсаётган салқин шаббодадан беркитаёттандай. Чиройли кўзлари мафтункор, жозибали. Садаф каби терилган оппоқ тишлари ойдин чехрасини яна ҳам малоҳатли, оғатижон қилиб кўрсатади.

У узоқдан мени кўрди. Кўрди-ю, овчи нигоҳидан қочган оҳу мисол ҳузуримга чопди. Оқ билаклар бўйнимга чирмовуқдай ўралганида бир кечада нечоғли соғинганини ҳис этиб, вужудимда ажиб бир оташ туйдим. Мен ҳам унинг хипча белидан авайлабгина қучдим. У бошини елкамга яширган кўйи бир оғиз лутфсиз, сассиз анча турди. Мана шу ҳолатнинг ўзи бир йиллик висол роҳатига тенг эди.

Ниҳоят, у қўлларини бўшатди. Юзимга тикилиб, титроқ овозда деди:

— Сизни жудаям соғиндим.

Мен унинг майин соchlарини силадим.

— Менинг соғинчим олдида сизники қўёшдан қатра-ю, денгиздан томчи.

У күлларимдан маҳкам ушлаб, ўша оҳангда лутф этди.

— Кўзларимга уйқу келгунча сизни ўйладим.

— Мен эсам тонгга қадар танҳоликка юз тутдим. Тонг отиши билан сизнинг дийдорингизни кўриш, танамга куч югируувчи мафтункор кўзларингизга тикилиб-тикилиб боқиш, мусиқадай хонишингизни тинглаш дамлари яқинлигини ўйлаб, бедорлигимдан асар ҳам қолмади. Сизни учраштирган тақдирга минг бора шукроналар келтирдим.

Фарида лабларим устига келинчак бармоқларини қўйди. Кўзлари висолдан сархуш эди. Тиниқ юzlари ишқ саодатидан садо беряётган моҳитобдай чаракларди.

— Биласизми, мен сиз туфайли тез шифо топаяпман. Сиз танимга даво, қалбимга наво бераяпсиз. Бу ерга келишга сира оёғим тортмаганди. Энди эса, толеимдан беҳад шодман. Наҳотки, ҳаётимнинг ёруғ кунлари бошланди, наҳотки, мен каби муштипар бир кимсаннинг пешонаси чараклади? Сизнинг юрагингиз тоза, тоза юракда тоза муҳаббат бош кўтаради. Аслида чиройли сева билишни ҳам сиз ўргатдингиз.

Иккаламиз бир-биrimизнинг пинжимизга суқилиб, анча сайр этдик. Соҳилга тушиб, очиқ айвонли қаҳвахонада музқаймоқ едик. Мақсад — Фариданинг шифокори билан учрашиб, унинг саломатлиги ҳақида батафсил маълумот олиш, керак бўлса, зарур дори-дармонлар топишга ёрдамлашиш эди.

Наталья Федоровна асли Болтиқбўйида таваллуд топиган, баланд бўйли, сумбул сочли, соҳибжамол аёл экан.

— Сиз Фаянинг турмуш ўртоғимисиз, — деди у менга бошдан-оёқ разм солиб. Афтидан Фарида мени аввалдан шундай таништирган, шекилли, деган хаёл или "топдингиз, Фариданинг эриман", дедим.

Негадир Надя опа эриб кетди.

— Фаридочка, сиҳатгоҳимизнинг маликаси, — деди у кўнглимни кўтариш учун. — Биз ҳаммамиз уни яхши кўрамиз. Сиз билан танишиб, унинг ҳаёти гўзал ўтишига шубҳам қолмади. Одатда осиёликлар бизнинг

касалларимизга бошқача назар билан қарашиади. Айрим эркаклар эса, аёлларини аро йўлда ташлаб кетишдан ҳам тойишмайди. Сизнинг кўринишингизданоқ сездимки, анчайин билимдон, маданиятли киши бўлишдан ташқари, хотинингизга вафодор экансиз, акс ҳолда Тошкентдан кўргани келармидингиз. Умуман мен сизни хушнуд этмоқчиман. Фарида яна ўн беш-йигирма кунда бутунлай соғайиб, оғушингизга қайтади. Ҳа, айтмоқчи, дастлабки пайтларда унга оғир юқ кўтариш, кучли ҳаяжонланиш, асабийлашиш мумкин эмас. Йилига икки марта шифокор кўригидан ўтказиб турилади. Ёмон бўлмасди, ўзингиз ҳам ўпкангизни текширтириб турсангиз. Бу гапимдан асло хавотирга тушманг, шунчаки таклифим холос. Ҳақиқатда Фариданинг касали юқмайдиган хилидан. Мехрибонлигинги учун сизга раҳмат.

У шундай деб менга табассум қилди.

Аввалдан сотиб олган фаранг духисини унга тақдим этдим. Наталья Федоровна эвазига гўштдор, оппоқ билагини ўптириди.

Фарида мени хавотир ила кутиб турарди. Индамай бориб, уни бағримга тортдим.

— Табриклайман, жоним, тез орада бу даргоҳ билан хайрлашасиз.

У гапимдан қониқмагандай кўзларини пирпиратиб, савол назари билан боқди.

— "Тез орада" деганингиз қанча. Бир ойми, ёки ундан ҳам кўпми?

Уни тинчлантиридим.

— Жудаям тез. Фақат ўзингизни эҳтиёт қилинг. Сиз мутлақо соғайиб кетасиз.

— Вуй, ростданми? Менга ойни олиб бергандай бўлдингиз. Рости, кўнглимни бир оз шубҳа кемираётганди. Энди дилимдаги ғашлик ёзилди.

Фарида автобус бекатигача кузатиб кўймоқчи эди, кўнмадим. Кеч бўлганини айтиб, сиҳатгоҳ ҳовлисидан чиқаверишдаги шаҳар музеи олдида хайрлашдик. У темир панжарали раввотдан ичкарига кириб кетди.

Шу пайт кимдир орқамдан келиб, елкамга қўл ташлади.

— Дидинг чакки эмас, Борянинг йигити.

Бундай қарасам, ресторон директори Юрданидзе тепакал бошини силаб турибди. Кўришдик.

— Меҳмонхонагами? — деб сўради у.

— Ҳа.

У қўли билан қоп-қора "Волга"га ишора қилди.

— Қани, ўтири, кетдик.

Кўп ўтмай "Ялта" меҳмонхонасидағи ўз хонамга етиб келдим.

\* \* \*

Илк бор Фарида меҳмонхонага - менинг ётоғимга кирди. Яшаш шароитим унга маъқул тушди.

— Ростдан ҳам министр муовинининг ўғлимисиз? — деди у хонани синчилаб кўздан кечираркан.

— Ҳамма гап ўзингизга маълум-ку, — дедим унга жавобан. Аслида у оиласиз ҳақида, Зайнаб билан ажрашганлигимиз тўғрисида билса-да, Ялтага узум олиб келганлигим, кимларга меҳмон эканлигим хусусида бехабар эди.

— Қаранг, деразангиз денгизга қараган экан, бирам чиройли.

Унинг ёнига бориб, елкасидан қучдим.

— Ҳа чиндан ҳам гўзал манзара. Гоҳида соатлаб сокин чайқалаётган денгизга тикилиб, сизни ўйлайман.

— Мен эса, негадир ундан кўрқаман. Тунов куни сиз чўмиляпсиз-у, мен юрагимни ҳовучлаб турибман. Биласизми, денгиз қанчалик қурратли туюлса, шунчалик сирли, ваҳимали.

— Шу билан бирга оҳанраболи ҳам.

— Тўғри, аммо бизнинг Чирчиқ дарёси, Чорвоқ сув омбори ҳам шунаقا хушманзара. Сиз Бўстонлиққа борганимисиз?

Шу ҳолатда унинг соchlаридан таралаётган бўй бутун оромимни олиб қўйганди. Нақадар ҳузурбахш, нақадар

ёқимли, бу майин толалар. Қалбинг эса, бундан-да, гүзәл, бегубор.

Фарида чаққонлик билан мен тарафга бурилди.

— Бўстонлиқда бўлганмисиз? деб сўрадим, — деди таъкидлаб.

Мен бошимни ерга эгиб, "ҳа" деган жавобни қилдим. У суюниб кетди.

— Қачон боргандингиз?

— Шу бугун.

У ёлғондан аразлади.

— Сиздан жиддий сўраяпман.

— Мен ҳам жиддий жавоб бераяпман.

— Унда фикрингизни тушунолмаяпман?

— Нега тушунмайсиз. Мен учун Бўстонлиқ сизсиз, сиз менинг жажжигина, нозиккина бўстонимсиз.

Фарида яйраб кулди. Дераза бурчагидаги юмшоқ креслога мени ўтиргизди. Ўзи чўғдай қизил гиламга чўккалаб, тиззаларимга қўлларини қўйди. Кўзларимга тикилди.

— Бунча яхисиз, Ортиғали ака. Билсангиз, сиз ҳамма-ҳаммадан ортиқсиз. Сиз тўғри инсонсиз.

— Яна бир-биrimизни алқашга тушдикми, — дедим унинг хушбичим бурнидан чимчилаб.

Фарида бу гапга ўринли жавоб қайтарди.

— Нега шундай? Чунки ҳозир бизнинг қалбларимиз тиллашяпти. Инсон севгидан, гўзалликдан завқлана олгандагина мана шундай чиройли лутфга қодир бўлади. Сезганмисиз, қўпол, жоҳил инсондан бирон марта ширали сўз чиққанини? Ҳеч қачон.

— Фикрингиз тўғри, ишқи йўқ эшшак, дарди йўқ кессак, деб бежиз айтишмаган. Севги тилингни бийрон, дилингни гулистон қилиб юбораркан.

— Ҳа, севги яшаш истагини кучайтиrap экан. Ҳаётинг завқли, жаннатдагидай туюларкан.

Фарида шуларни айтиб, ўрнидан турди. Фил терисидан ишланган хушбичим сумкасидан хат чиқариб, менга кўз-кўзлади.

— Кимдан келди? — қизиқиб сўрадим мен ҳам ўрнимдан туриб.

— Қувончимни баҳам кўрмоқчийдим. Ойижонимдан мактуб олдим. Ўзлари ёзолмайдилар, тоғамнинг қизи ёзиб беради.

— Ишқилиб хушхабарми?

— Ҳа, барчалари эсон-омон юришганмиш. Ойижонимнинг кўзлари равшанлаша бошлабди. Тоғам анчадан бери келолмаётганмиш. Яна.. яна мени кўргиси келибди.

Фарида юзини ўгирди. Кўзларидан дув-дув оқаётган ёшларини яшириб менинг кўнглимни вайрон этмаслик учун ўзини тутишга интилди.

Ўксиманг, Фарида. Энг муҳими, тинчлик экан. Тез орада дийдор кўришамиз. Биласизми, сиз сиҳатгоҳдан чиққунингизгача шу ерда қоламан. Алуштадан ижарага уй топаман. Кейин Тошкентга бирга учамиз. Кеча ишхонамга кўнғироқ қилиб, огоҳлантиридим. Ота-онамга хат ёзиб юбордим. Энди сизни сира ёлғизлатиб қўймайман.

Қизнинг кўзлари ҳайратдан катта-катта очилди. Гапларим уни қаттиқ ҳаяжонга солди. Шу тобда нима дейишни билмасди. Кейин ўзига келиб, мени маҳкам кучоқлади. Вужудимга яна ўша таниш титроқ югурди. Шундагина бу нозик вужуд бутун борлигича менга жудаям яқин бўлиб кетганлигини, унинг ҳаёти ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланиб бораётганлигини англаб етдим.

— Мендан қайтмаса, Аллоҳдан қайтсин, — деди Фарида бағримдан секин суғурилиб чиқаркан. — Назаримда Яратганинг ўзи сизни ҳамдардликка чорлаганга ўхшайди.

Мен дарров унинг сўзини тузатдим.

— Фақат ҳамдардлик эмас, йўлдошлиқ учун ҳам. Хўш, қарши эмасмисиз?

У уялиб ётоқхонага кириб кетди. Бир оздан сўнг мен ечиб ташлаган кўйлак, ички кийим, сочиқ ва бошқа нарсаларни тўплаб чиқди.

— Нима қилмоқчисиз?

— Сиз бир оз дам олиб туринг. Мен кирларингизни ювиб бераман.

Жон ҳолатда унинг қўлига ёпишдим.

— Қўйсангиз-чи, ўзим эплайман. Сиз меҳмонимсиз.

У сочини йигиштириб, тўғноғич билан турмаклади.

— Меҳмон десангиз, бир-биримиздан узоқлашиб кетгандай бўларканмиз.

Бу гап чиндан ҳам совуқ туюлганди, дарров эсимни топиб олдим.

— Пари, ахир бу дунёда ҳамма меҳмон-да.

— Ортиғали ака, порошок (кукун)ингиз йўқми?

Шу кунга қадар кир ювмаганим ёдимга тушди.

— Шошманг, мен ҳозир.

Пастки қаватдаги дўқончадан порошок, совун, шампун харид қилиб чиқдим.

— Кир юваётганимда терламаслигим учун устки кийимларимни счиб қўяман, — деди Фарида соддадиллик билан. - Ўлайманки, биз томонга қиё боқмайсиз.

У хушчақчақ эди. Шу топда мана шу хонанинг бекасидай тутарди ўзини. Шу хона беги учун хизмат қилаётганидан боши осмонда эди.

— Нигоҳим измимга бўйсунади, бироқ юрагим сизга талпингани талпинган.

— Айтинг, бир оз талпинмай турсин. Мен бир зумда бўшайман.

У шундай деб ваннахона эшигини ичидан беркитиб олди.

Мен нима қилишимни билмай хаёлга толдим. Диққатимни Фариданинг сумкаси ёнидаги китоб тортиди. Қўлимга олдим. Теодор Драйзернинг "Женни Герхард" романи экан. Во ажабо, айнан шу роман менинг энг яхши кўрган асарим ҳисобланарди. Фарида ҳам уни ўқиётганилиги кўнглимга мойдай ёқди. Сабаби - бу бизнинг ҳаётга, адабиётга қарашларимизда ҳам муштараклик борлигини билдиради.

Хона эшиги чертилди. Хаёлим бўлинди.

— Кираверинг, очик, — деб овоз бердим.

Хадемай остонада терлаб-пишиб кетган Талъат ака пайдо бўлди. У жуда пўрим кийинган, бўйнига бўйинбоғ боғлаб, похол шляпасини қўлида тутиб, жилмайиб турарди.

Қучоқлашиб қўрищдик. Чунки ўша ноҳуш сұҳбатдан сўнг у қорасини кўрсатмай кетган, мен эса, унинг ётоғини билмас эдим.

— Тўйга бораётгандай ясаниб олибсизми? — сўрадим ҳазил аралаш.

— Тўйинг нимаси, укам, уйга кетаяпман, — деди мамнун оҳангда.

Креслога ястаниб чўкишни ёқтирарди. Одатича яна, ўша жойни эгаллади.

— Асли яна бир марта ош қилиб, ҳаммангизни тўпламоқчи эдим. Йиҳонадан чақириб қолиши. Ўзиям қўнғироқ қилганимга пушаймон еб юбордим. Кулинг ўлгурсун яна бир ҳафтам бор эди, куйиб кетаяпти-я. Ҳа, айтмоқчи, Гулсум опанг билан йиғламоқдан бери бўлиб зўрға ажралишдик. Фарида сенинг олдингдалигини хоним айтди. Севиниб кетдим. Биратўла иккалаларинг билан ҳам хайр-маъзур қиласман деб.

У гапидан тўхтаб, ётоқ томонга ишора қилди.

— Дам оляптиларми?

— Йўқ, ваннахонада.

Унинг кўзлари чаноғидан чиқиб кетди.

— Ваннахонада! Нима тўйгача чидамадиларингми?

Бамайлихотир жавоб бердим.

— Ҳар каллада ҳар хаёл. Кир юваяпти. Кўйлакларим тўпланиб қолганди.

У қувлик билан деди:

— Ёмон экансан, анжонлигим. Ҳалитдан хизматга солибсан. Бир ҳисобда тўғри қиласан. Хотин кишини бошидан эгиб олиш керак. Акс ҳолда у сенинг бурнингга жилов соловлади.

У бир оз тин олиб, бир нима ёдига тушди, шекилли, шошиб қастюмининг ён чўнтағига қўл солди. Битта қинли Шахриҳон пичогини чиқариб, менга узатди.

— Мендан сенга эсдалик. Тўйларда сабзи тўғрашга ишлатгин. Ўлай агар сени ёқтириб қолдим. Энди анжонда учрашиб турайлик. Ҳа, айтмоқчи, совчиликка мени юборасан. Гап-сўзсиз ишни дўндираман. Қани, энди бир бағримга босай-чи.

У билан қучоқлашар эканман, чиндан ҳам унинг меҳроқибатини юрагимдан ҳис этиб, томоғимга бир нарса тиқилиб қолди. Қарасам унинг ҳам қийик кўзлари намланиб, афт-ангори буришиб кетяпти.

— Ортиғали, мусоғирликда орттирган дўст қиёматгача сақланади. Сен эса, жигаримсан. Билиб қўй, жигарим, деяпман.

Ванна эшиги очилиб, иссиқдан юз-кўзлари олмадай товланиб Фарида чиқиб келди. Афтидан ўзи ҳам ювиниб олган, шекилли, сочини сочиқ билан ўраб олибди. У иккаламизни бу аҳволда кўриб, чўчиб тушди.

— Вой, кечирасизлар. Келинг, Талъат ака. Мен ҳозир. Беш дақиқада ўзини тартибга солиб чиқди.

— Фари, кетяпман, синглим, — деб унга қўл чўзди Талъат ака.

— Вой, шунақами? Ҳали бир ой юрмоқчи эдингиз?

— Ҳа, ишга чақириб қолишиди. Аммо бу мендан кутилдинг деган гап эмас. Худо хоҳласа Тошкентга бориб, сени ўзим келин қилиб тушириб келаман.

Фарида уялиб, ўзини четга олди. Шу аснода:

— Тилагингиз учун раҳмат, Талъат ака, — деди овози титраб. - Ўзингиз ҳам яхши етиб олинг, омон бўлинг.

— Хайр, жигарларим, — Талъат ака шу хитоб билан кўтаринки руҳда йўлакка чиқди. Мен уни меҳмонхона майдончаси олдидаги такси тўхташ жойидан машинага кузатиб қўйдим.

Қайтиб кирсам Фарида кирларни балкондаги дорга илаяпти.

— Кўнгли очиқ одам экан, — деди у машғулотини тўхтатмай.

— Ҳа, — дедим мен ҳам креслога, у ўтирган жойга чўкиб.

— Чиндан ҳам юрагида кири йўқ одам.

Фарида балкондан кириб, күzlари билан мени эркалаб ёнимдан ўтиб кетди. Кейин сумкасини очиб, қандайдир қофоз олди. Уни орқасига яшириб, қаршимга келди.

— Бир нарса кўрсатайми? — У бошини сарак-сарак қилиб, ўйноқлаб турарди.

— Бир нарса эмас, ҳамма нарсани кўрсатсангиз ҳам жон дердим.

У худди олёр шафтолидек қип-қизил, жон суви каби ялтираб турган лабларини буриб, ёлғондакам пўписа қилди.

— Ёмон бўп кетяпсиз, Ортигали ака.

Мен унинг яширган нарсасига интилиб, дедим:

— Сиз жудаям яхши бўлиб кетяпсиз.

— Хўп, майли, шу гапиз билан қўнглимга йўл топдиз.

Мана кўринг-чи. — У қалин қофозни менга тутди. Қоғозда мўйқалам билан чизилган суратим акс этганди:

Бир туп магнолия остида олис-олисларга боқиб турибман. Кўзларим негадир мунгли, хорғин. Бир қўлимда гулдаста, иккинчи қўлимни пешонамга соябон қилиб, денгизга қарайпман. Рўпарадаги денгизда бўрон хайқиряпти. Тўлқинлар қирғоқча ёпирилади. Сув зарралари ҳатто ўша бир туп магнолия баргларига, менинг шамолда тўзғиган соchlаримгача сараган.

Сурат фоят таъсирчан эди.

— Ким чизди буни.

— Мен — деди Фарида негадир ўйчан ҳолатда. — Нима, ёқмадими?

— Нега энди жуда зўр, ҳолатлар аниқ. Ҳали мусаввирман, денг.

— Э, йўқ. Мактабда ўқиб юрган кезларим рассомлик мактабига қатнашганман. Табиат манзараларини ёзишни хуш кўраман. Беш-олтита натюрмотларим ҳам бор. Дадамнинг портретини ишлаганман. Энди уйга борсам албатта ойижонимнинг суратини чизаман. Сиз уларни билмайсиз, жуда кўркам, дилбар аёл. Фақат кўзлари хиралашиб, ўзини олдириб қўйганлар. Лекин бари бир чиройли.

— Фарида, — дедим мен ҳамон суратдан кўз узмай. — Нега айнан шу ҳолатни акс эттирдингиз?

— Билмадим. Аввал фақат юзингизни катта планда тасвиirlамоқчи эдим. Кейин бир туп магнолия қўшилди. Қарасам, шунаقا чиқиб қолди. Ўзим ҳам тушунолмадим. Демак, сизга манзур бўлмади, тўғрими?

— Жуда гўзал ҳолат, ҳаяжонли ҳолат. Мен истардимки, сиз ҳам шу ерда кўриниб турсангиз. Ҳеч йўқ денгизда, кема ичида менга интилаётган бўлсангиз. Бу ерда эса, сиз йўқсиз. Шунинг учун бир оз ғамгинми, ҳатто мунглироқ чиқсанми?

Фарида ҳам ўйга чўмди. Изоҳ бермоқ ниятида кресло суюнчигига ўтириб, бир қўлини елкамга қўйди.

— Бу ерда чиндан ҳам ҳолат бор, — деди у фикрларини жамлаб. — Яна ҳис-туйфу мужассам. Сиз мени кутаяпсиз. Қайси тарафдан келишимни билмай бир оз паришонсиз. Денгизда бўрон бошланган. Сизни қаттиқ изтиробга туширган. Негаки, нур шарқдан чиқади, демак мен ҳам бамисоли нур бўлиб, қалбингизни ёритмоқчиман.

— Унда ҳеч йўқ осмоннинг бир четида нур кўринса яхшимасмиди? Ўшанда менинг кўзларим бу қадар маҳзун кўринмасди.

Фарида суратни қўлимдан олиб, стол устига қўйди. Билдимки, ҳозир ўзи ҳам мискин бир кайфиятга тушганди.

— Хафа бўлдизми? - унга тасалли бердим.

У "йўқ" дея дераза томонга юрди. Ўйга чўмди. Худди ўзига сўзлагандай деди.

— Ортиғали ака, ўзим чизган суратдан ўзим хавотирга тушиб қолдим. Аслида ҳаётдаги энг интиқ бир ҳолатни қаламга олмоқчи эдим. Ҳақиқатда эса бошқача чиқди.

— Биласизми гап қаёқда, — дедим унинг кўзларини ўзимга қаратиб. — Бу ички дунёингиз инъикоси. Сиз касаллигингиз, онангизнинг аҳволи, умуман, ҳаёт оғирликларини шу услубда сиртга кўчиргансиз. Бу руҳий сийрат садоси. Агар шу бугун расм чизсангиз, албатта бошқача чиқади. Энди ўтган кунларни унутинг, келажакни ўйланг. Ё фикрим нотўғрими?

Фарида яна кўксимга бош кўйди.

— Сиз ҳақсиз, Ортиғали ака! Энди фақат эзгуликни соғиниб яшашим керак.

\* \* \*

Алуштага кўчиб ўтдим. Аввал Иван Васильевич Подлобошниковдан изн сўрадим. У "Ихтиёриңг, кўнглинг қаерни тусаса, ўша ерда дам ол", — деб телефон рақамини берди. Яна хоҳлаган пайтим мурожаат қилишим мумкинлигини таъкидлади.

Ижарага олган хонам, албатта, аввалгиси билан тенглаштиргудай эмас. У қrim-татар кампирнинг ҳовлисида эди. Энг муҳими ҳовли ёқди. Кафтдеккина ерга нималар экилмаган. Бир тўшак ўрнича томорқада укроп, кашнич, петрушка, яна мен номини билмайдиган кўкатлар ўсаялти. Тоғ этагидан жилдираб билакдай сув ўтган. Ариқ бўйида ёғоч сўри турибди. Худди ўзбек хонадонининг ўзи. Ошхонасида катта-кичик иккита қозоҳ бор экан. Мендан ташқари яна бир оила кираверишдаги ойнаванд хонани эгаллабди. Улар Қозогистондан экан. Эркак киши ўттиз-ўттиз икки ёшлардаги, тепакал, билаклари тўла, бақувват йигит — Ажигали ташкилот раҳбарининг ўринбосари бўлиб ишлар экан. У анчайин оғир-босиқ, мулоҳазали, шу билан бирга, дилкаш сұхбатдош чиқиб қолди. Турмуш ўртоғи Марジョン эса, худди машҳур киноактриса Наталья Оринбосарованинг ўзи эди. Боз устига, сўзамоллигини айтмайсизми. Танишганимиздан сўнг ярим соат ўтиб-ўтмай, сўрида ўтириб, эри Ажигали оиланинг тўнғиз фарзанди эканлиги, яна бир иниси уйланиб, бошқа шаҳарга кўчиб кетаётганлиги, яна икки қайнункаси мактабда ўқиётганлиги, қайнотаси гишт заводида бошлиқ бўлса-да моддий ёрдам кўрсатмаётганлиги, эр-хотин 200 сўмдан ақча олиши, ўтган йили шу ерда москвалик рус аёли билан танишиб, қайтишда Москвада икки кун туриб, совға-саломлар харид қилганлиги тўғрисида гапириб берди.

Ювошгина Ажиғали Маржонининг бидирлаётган лабларидан кўз узмай, итоаткорона ўтирас, аҳён-аҳёнда бурнидан сирғалиб тушаётган кўзойнагини тўғрилаб қўярди.

Ажиғали менга ёқиб қолди. Унга шу ерга келганимдан бўён бошимдан ўтган воқеаларни, юрагимда ишқ ўти ловуллаб ёнаётганлигини айтдим. У жимгина қулоқ солди. Кейин чуқур хўрсинди. Буни ҳамдардлик нишонаси деб тушундим. Бир маҳал бошини кўтариб, астагина елкамга уриб қўйди.

— Бахтингди топғанинг чин бўлсун, жўлдас.

Эртаси қуни тушликка палов дамладим. Фарида Гулсум опа билан чиқди. Маржон жуда олов экан. Бирпасда қизлар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди.

Дастурхон ёзилганда Ажиғали бир шиша конъяк, олма, қази келтириб, хонтахтани безади.

Эрқаклар оз-оздан ичдик. Суҳбат давомида Тальят акани эсладик.

— Агар у бўлганида мана шундай тинчгина суҳбат куролмас эдик, — деди Гулсум опа.

Ҳар нарсага қизиқувчан Маржон энди Тальят ака ҳақида суриштириб кетди. Гулсум опа билганича гапириб берди.

Шаҳарчага оқшом қўнганида қозоқ дўстларимиз сайд қилгани денгиз бўйига йўл олишди. Гулсум опа муолажасини баҳона қилиб жўнаб қолди.

Фарида идиш-товоқларни ювуб, артиб жой-жойига қўйди. Негадир бугун унинг машқи пастроқ эди. Кўзлари ҳам сўлғин. Сўрига ўтирганида қаттиқ нафас олаётганини сездим.

— Тобинг йўқми, Фарида?

Кечадан бўён ўзининг хоҳишига кўра уни сенлай бошлагандим. Умримда бирорни сенсирамаганим учун аввалига ўнғайсизландим. Кейин бундай муомала бизни янада яқинлаштираётганини тушундим. Шунинг учун доимо қалбимизда турувчи Аллоҳга ҳам сен дея илтижо қиласар эканмиз-да, деб ўйладим.

Фарида ўзини бардам тутишга уринаётганлигини англадим. Пешонасига тушиб қолган соchlари устидан бошини ушладим. Иссиғи бор эди.

— Иситманг чиқяпти-ку, нега яширяпсан?

У жилмайиб, нигоҳини ерга қаратди.

— Бу ҳарорат сизнинг муҳаббатингиздан. Сира хавотирланманг. Яхшиман.

Унинг гапларидан кўнглим таскин топса-да, бари бир ортиқ хотиржам бўлолмадим.

— Қани, кетдик.

У эркаланиб, қўш қўллаб билагимга осилди.

— Яна бир оз гаплашайлик. Уй муҳитини соғинибман. Сира тургим келмаяпти.

— Ҳечқиси йўқ. Эрталабки муолажаларингдан сўнг чиқаверасан. Ораси бир қадам-ку. Кейин хоҳласанг, соҳилга тушамиз. Истасанг, кино кўрамиз.

— Бари бир ҳайдаяпсиз. Наҳотки, сиздан узоклашиш менга осон деб ўйлайсиз?

— Бу ҳақда гапирма. Худо хоҳласа, умр бўйи биргамиз. Сени кафтимда кўтариб юраман.

— Кейин бошингизга чиқиб олсам-чи?

— Шу биргина бошим шундоқ ҳам сенини.

Фарида ёш боладай севиниб, бошимга қўлини қўйди. Соchlаримни силади. Сўнг ўша юрак-юрагимга сингиб кетган латиф оҳангда шивирлади.

— Жудаям бахтлиман, Ортиғали ака. Мен ҳам сизни жонимдан ортиқ кўраман.

Мен ҳазиллашдим.

— Унақа дема. Инсон аввал ўз жонини севиши керак. Билдинг, кейин ўзганикини.

Фарида энди қулоғимга қайноқ лабларини яқинлаштириди.

— Ахир жоним сизнинг қўлингизда бўлгач, сизни яхши кўрмаслик мумкинми?

Бу мақтов эритиб юборди.

— Аммо, балосан, фариштам.

У эътиroz билдири.

— Фариштаниям балоси бўладими?

— Албатта. Агар сендай чиройли бўлса. Энди мени чалғитма. Юр, иссигингни ўлчатайлик.

Фаридада чиндан ҳам бу ердан кетгиси йўқ эди. Яна ўжарлик қилди.

— Сиз аввал яна пешонамни ушлаб кўринг. Боя энгашиб идишларни ювганим учун баданим қизиган кўринади. Хозир муолажа кетибди-ку.

Бари бир уни кўндиридим. Етаклашиб кўчага, ундан сиҳатгоҳ ҳовлисига ўтдик. Бахтимга болтиқбўйилик ўшатаниш врач навбатчи экан. Фаридани муолажа хонасига етаклади.

Мен остоноада қолдим. Кейин кўкка отилаётган турфа ранг фавворага тикилиб ўйга чўмдим. Негадир на Фаридада, на Гулсум опадан дарак бор. Қолаверса, кўнглим ғаш. Наҳотки, касаллиги қайталанган. Наҳотки, шунча қаров, шунча муолажа ҳавога отилган ўқдай фойдасиз кетди? Наҳотки, шифокорларнинг гаплари фақат юпатиш учун айтилган?! Ишқилиб, бахтимга омон бўлсин Фаридам. Севмаган одам ишқ нималигини билмайди. Муҳаббат дардига учраган эса, доимо маҳбубаси ёди билан яшайди. Гўё бутун аъзоларинг ўзингда-ю, юрагинг севгилинг қўлида омонат ураётгандай.

Орқадан шип-шип оёқ товушлари эштилди. Аниқки, бу Фариданинг одими эмас. У енгил юради.

— Вой, ҳалиям шу ердамисиз?

Гулсум опа шу ерда кутаётганимни биларди. Саволи эса, шунчаки гап бошлиш учун муқаддима эди.

— Нима гап, тинчликми, шошиб сўрадим?

— Ҳавотирланманг ўтиб кетади.

— Тузукроқ тушунтиурсангиз-чи, ахир? Нима ўтиб кетади? Аҳволи ёмонми?

Гулсум опа ўнгайсизланди.

— Ортиғали ука, сизга нима бўлди? Айтишдики, ҳаммаси яхши деб. Грипп юқсанми ёки шамоллаганми,

иситма чиқиб қолибди. Ҳозир игна санчишди, ухлатадиган дори беришди.

— Нега, ўзи ухлаёлмайдими?

— Қизиқ гапирасиз-да, ука, ахир Лайли билан Мажнунга ўшшаб, тинчингларни йўқотиб қўйдинглар-ку. Ишонасизми, эрталабдан кечга қадар фақат сиз ҳақингизда гапиради. У сўзлаб, мен тинглаб чарчамаймиз. Гоҳо раҳмим келади, гоҳо ҳавасим. Бу ҳам Яратганинг марҳамати.

Аммо, ука, бу қизни алдаб кетиб қолманг. Ҳудди юраги ёрилиб кетади-я. Бу дунёда ёлғиз илинжи сизсиз. Ёш туриб бошидан ўтган савдоларни эшитиб, ҳайратдан ёқамни ушлаб қолдим. Янаям иродаси букилмайдиган, сабрбардошли қиз экан. Рости сиз билан танишганидан буён бошқача, унга жон кирди. Ишқилиб, ўзи ёрлақасин, бечорани.

Гулсум опанинг сўнгги гапи қалтираб чиқди. У қоронғуда юзини тескари ўтириб, афтидан кўз ёшларини артди. Кейин менга юзланиб, бемалол дам олишимни сўради.

— Бари бир қаттиқ ухляяпти. Яна сиз ҳам салқинда қолиб, иш кўрсатманг. Эрталаб ўзимиз олдингизга чиқамиз. Кўк чой ичиб, бир суҳбатлашайлик.

Гулсум опага миннатдорчилик билдириб, истар-истамас хужрамга қайтдим. Қўшниларим ҳам йўқ шекилли, чироги ёнмабди. Китоб варақламоқчи эдим, кўнглимга сифмади. Нима қилишни билмай, оппоқ чойшабга чўзилдим. Юрагимнинг ичини зулмат қоплагандай эди. Анчадан буён Аллоҳни эсламабман. Бошимга қора соялар ёйилганида дарров ёдга олдим:

— Ўзинг мадад бер, эй қодир Эгам!

\* \* \*

Уйқудан уйғонганим ҳамон юрагимдаги ғашлик ҳали ҳам тарқалмагани сезилди.

Аввалига Гулсум опа айтганидай, уларни кутмоқча чоғландим. Бироқ бу ҳозир анчайин мушқул эканлигини тушундим. Ўрнимдан туриб, юз-қўлларимни ювиш учун

ташқарига чиқдим. Муздай ҳаво руҳимга тетиклик бағишилади.

— Ҳар ҳолда яхшиликтен үйлаганим дуруст, яхши ният — ярим мол, дейдилар.

Шу мұлоҳазалар билан сүри ёнидан жилдираб оқаёттан ариқ бүйіга бордим. Қарасам майкачанг, калта шорти кийиб олган Ажигали ҳовли этагида астойдил бадантарбия билан шугулланаяпты. Бурнига құндириб олувчи құзойнаги ҳам йўқ. Сийрак, юмшоқ соchlари түзиб ётибди.

Сал орқароқда нозик баданига ёпишиб турувчи оппоқ футболка, кулранг юбка кийған Маржон ҳам тасма айлантириш билан банд. Бу либосда құргурнинг қомати янаям чиройли күринаркан. Тор майкада олмадай бўртиб турган кўкраклари, қон ичгандай қип-қизил лаблари, оқ мармарга ўхшайдиган тарапнг оёқлари Ажигалининг диди чакки эмаслигидан нишона эди. Айни чоқда тонг саҳарлаб ўзганинг ёрига сүқланиб боққанлигимдан уялдим. Бу нигоҳ ботинида қозоқ қизининг ақл ўғирлагувчи қомати эмас, жонимнинг ороми Фаридага нисбатан жиловсиз соғинч ҳисси зухурланган бўлса ажаб эмас. Фарқи шундаки, бу аёл балонинг ўқидай шиддатли, Чолиқушидаги Фаридадай шўх, олов. Менинг Фаридам эса, ипакдай майин, маҳзун, ўзбек қизларига хос иболи. Унинг дилидаги фаришта ҳаё илиа бокувчи кўзлари, чиройли чеҳрасидан билиниб тургандай.

Яна юрагимда изтиробли ва шириң қийноқ бош кўтарди.

Дарров кийиниб, дарвозахона томон йўналдим. Ортимдан ҳансираф Ажигали югуриб келди.

— Тонг саҳарлаб қаёққа шошяпсиз, жўлдас?

Тўхтаб, у билан саломлашдим.

— Фариданинг мазаси қочувди, шунга хавотирдаман.

Кизиққон Маржон ҳам етиб келганди. У кўзларини жовдиратиб сўради.

— Ахир, не оқшом как огурчик эди-ку?

— Ўшанда ҳам иситмаси бор экан, фақат бизга сездирмабди.

— Шундайми? Унда тезда хабар олганинг маъқул, — деди Ажифали дона-дона гапираркан. - Кейин қўшиб қўйди.  
— Биродар, биздан қандай ёрдам керак бўлса, сира тортина. Худди ўзингнинг туғишганингдай бил.

Унга миннатдор боқдим. Қўлларини маҳкам қисиб, кўчага чиқдим. Кенг йўлда сузиш кийимларини елим халталарга соглан ишқибозлар ҳалитдан денгизга ошиқишарди.

Сиҳатгоҳ хиёбонида эса, аксинча, одам сийрак. Бир-бирларининг тирсагидан ушлаб, осуда ҳавода жимгина сайд қилишаётган беш-олтита қарияни ҳисобга олмаса, деярли ҳеч ким йўқ ҳисоби.

Икки тавақали эшик очиқ турарди. Ичкарига кириб, чўйдай қизил гилам тўшалган зинапоядан кўтарилидим. Кенг ва ёруғ фойедан чапга бурилиб, 217-хонани секин чертдим. Анчагача садо эшитилмади. Бир оздан сўнг кўк баҳмал халатига ўраниб олган Гулсум опа эшикни қия очиб мўралади. Мени кўриб, уйқули кўзларига табассум кўндиromoққа чоғланди.

— Мен — ҳозир, — дея яна ўзини ичкарига олди. Орадан беш дақиқача вақт ўтди. Назаримда беш йилга татидими, билмайман. Ҳеч йўқ Фариданинг соғлифи ҳақида бир оғиз гапириб қўйса Асакаси кетармиди бу жувоннинг.

Хайтовур у йўлакка чиқиб, имлади. Ҳонага кирдим. Фарида ҳалиям ухлаётганди. Худди хуру фильмонлардай соҳибжамол, соchlари оппоқ сийнасини ёмон кўзлардан асрәётгандай. Дур каби тиниқ пешонаси, нақш олмадай, қирмизи юzlари, соchlари орасидан кўриниб турган биллур томоқлари унинг малоҳатини кўз-кўзлаётгандай эди.

Манглайига оҳиста қўлимни қўйдим. Во дариф, ҳалиям иссиғи баланд эди. Юзларидаги қизиллик шунинг аломати экан-да.

Бошини қуи эгиб, ўйчан ўтирган Гулсум опага савол назари билан боқдим.

— Кечаси икки марта игна санчишди, яна уйқу дори беришди, — деди у хижолат тортгандай. Бир чиройли эди.

Кейинги кунларда ўзини қўйгани жой тополмас, сизни сира тилдан қўймасди. Лекин ортиқча қайғуга берилманг. Ахир иссиқ жон, гоҳ ундаи — гоҳ бундай.

Ярим соатча унга термулиб ўтиридим. У худди она қўйнидаги гўдак каби беғубор ётарди. Бирдан мени ваҳм босди. Тунда безовта қилишмасин деган ўйда уйқу дорини кўп бериб юборишмадимикан? Бу шифокорлардан ҳар балони кутиш мумкин.

Худди хаёлларимни уққандай, Гулсум опа мени тинчлантириди.

— Кечаси яхши дам ололмаганди, шунга қаттиқ ухляяпти. Сиз ҳам столда ўтириб чарчадингиз, менинг жойимда мизғиб олмайсизми?

— Раҳмат опа. Яхшиси ташқарида кутиб тураман. Кўзини очиши билан чақиринг.

Энди стулни четга олмоқчи эдим, Фариданинг каравоти фижирлаб қолди. У уйғонди, назаримда. Тор хона қуёш нурига тўлгандай туюлди.

— Вой, шу ердамисиз? — у уялиб ўрнидан туришга уринди. Бироқ иситма анчагина беҳол қилиб қўйганди. Шошиб уни тинчлантиридим.

— Бемалол ётаверинг. Мен ўзим бир хабар олай деб... Ишқилиб, тузукмисиз, Фарида?

У менга таскин бериш учун ночоргина жилмайди.

— Яхшиман, Ортиғали aka. Сиз сира хавотирланманг. Бир оз шаббода еб қолдим, шекилли.

Унинг гапларига эътибор бердим. "Шамоллаб қолибман" деса ҳадигим ортишини сезиб, ҳолатини юмшатиб кўрсатаяпти. Шу ҳолида ҳам мени ўйлаяпти.

— Гап бундоқ, — дедим мен унга тикилиб. — Сиз юз-кўлингизни ювиб тургунингизча қайнатма шўрва пишириб келаман. Нонуштага чиқмай туинглар.

Фарида дарров эътиroz билдириди.

— Нималар деяпсиз, қўйинг, уринманг. Бу ернинг таомлари мазали.

— Тўгри, — дедим унга қўшилиб. — Лекин қайнатма шўрванинг шифобахш хусусияти бошқача. Икки-уч бор ичсангиз, шамоллашни сууриб олади.

— Бари бир сизни уринтириб...

Мен унинг қайноқ кафтини қўлларим орасига олдим. Бутун муҳаббатим ила кўзларига боқиб, дедим:

— Менинг уринганим — баҳра олганим. Сиз оёққа турсангиз, шунинг ўзи катта бахт.

Орадан икки кун ўтди. На қайнатма шўрва, на доридармонлар кор қилди. Фариданинг ичига кириб олган иситма унинг баданидан чиқиб кетишни сира хоҳламаётгандай эди. Шу вақт ичидаги унинг ойдай чехраси сўлиб бораётганини қай тил билан айтайин. Доимо чараклаб турувчи кўзларидаги нур қаерларга фойиб бўлди. Мен фунчага қиёслашга қизғонадиган лабларидан қочаётган қон гўё менинг танимни тарқ этаётгандай.

Наталья Федоровна хайрону лол. "Умримда бундай ҳолатни кўрмагандим", — деди у надомат ила. Бугун бошқа профессорлар ҳам кўришди. Тиббиёт амалиётида ўпкадаги тешик битиб кетгач, ҳеч қачон бу қадар тез янгидан яра очилмаган экан. Айтишларича, муолажани яна бошидан бошламоқ зарур эмиш. Сиҳатгоҳда муносиб муолажаларни бажаришга имконият йўқ эди. Шаҳар шифохонаси эса, беморни қабул қилишдан бош тортибди.

Албатта, юракни тилка-пора қилувчи бу оғриқли гаплардан Фариданинг хабари йўқ эди. Унга қаттиқ шамоллабсан, грипп юқтирибсан дейишиб, кўнглида шубҳа уйғотишмаётганди. Ҳар ҳолда сиҳатгоҳ дўхтирлари у қадар тажрибали, ўткир эмаслигини пайқаб қолдим.

Ўйлаб-ўйлаб, охири Иван Васильевичдан ёрдам сўрашга қарор қилдим. Телефонда бор гапни айтдим. Яхшики, у Фариданинг менга қанақа қариндошлигини, у билан муносабатимни суриштириб ўтиrmади. Эрталаб соат 9 да ҳузурига қелишимни тайинлади холос.

Унинг бу жавоби мени қониқтирмади. Ўйловдимки, шу заҳоти телефонда ҳаммага кўрсатма бериб, шифокорларни

оёққа турғазади деб. Нима қылсаям, танаси бошқа дард билмайды да. Үнга нима, егани олдида, емагани кетида. Пул, мол-дунё, мавке ўшанча, құлини қаёққа узатса етади. Қолаверса, мендан бошқа ташвиши йўқми...

Эрталаб қабулига кирганимда Подлобошников ҳузурида икки киши ўтиради. Мен секингина ён томонга терилган стуллардан бирига чўқдим. Меҳмонлардан бири дум-думалоқ, йўғон бурунли, кўзлари хира йилтираб турувчи, қорни катта одам эди. Иккинчиси ўрта бўйли, соchlарига оқ оралаган, кўзойнаги ортидаги кўзлари маъноли, мулоийм табиатли киши экан.

— Сергей Васильевич, — деди Подлобошников сигаретани чуқур тортиб. Унинг ҳаво чиқариши, адашмасам, бир-икки дақиқага чўзилди. Яна қуюқ тутунни пуфлаб чиқармай, катта оғзини бир оз очиб қўйди. Пағапаға тутун бўшлиққа эринчоқлик билан ўрлаб, унинг юксак мақомини писандা қиласётгандай туюларди. Мен эсам, унинг атрофини худди шу тутун каби қора кучлар ўраб олганлигини англашиб етган эдим.

— Сергей, — деди бу сафар наасбини қайтаришни лозим топмай. — Мана бу йигит Ўзбекистондан. Хотини Алуштадаги санаторияда. Уни шаҳар марказий касалхонасиға олиб ўтасан. Бош шифокорингта ишда қолиши ёки қолмаслик масаласи ўша беморнинг сиҳат-саломатлигига боғлиқ эканлигини айтиб қўясан. Қолган масалаларда, мана, турмуш ўртоғи билан келишиб оласизлар. Тушундингми, Серёжа!

Хўппа семиз одам ўрнидан туриб кетди.

— Тушундим, Иван Васильевич!

Энди меҳмонхоналар мутасаддиси юмшоқ кишига ўгирилди.

— Микоэл Израилович, — деди у салмоқ билан. — Бу борада сизнинг шахсан ёрдамингизга муҳтожмиз. Ўзингизнинг назоратингизда бўлгани маъқул.

Профессор ўрнидан турмай, бош эгиб таъзим бажо келтирди.

— Раҳмат сизларга, — деди Подлобошников олтин пероли ручкасининг орқаси билан столни чертиб. Бу, сизлар бўшсизлар деган маънони англатарди. Олдинмакейин эшикка йўналдик.

Энди оstonага етганимда мезбоннинг ўқтам овози янгради.

— Алек!

Орқамга қарадим.

Подлобошников ўткир нигоҳи ила менга тикилиб турарди.

— Борянинг қўнғироқ қилишиба, ота-онанг хавотирда экан.

Бошимни кўтармай, сукут сақлаб туравердим.

— Сен эркак одамсан. Ўйлайманки, уларни ранжитмайсан.

Ручка яна столга урилди.

Фарида шаҳар марказий шифохонасига кўчирилди. Унга алоҳида хона, ҳамшира ажратилди. Дори-дармонлар керагидан ортиқча ғамлаб кўйилди. Симферополдан кучли мутахассислар, тажрибали пульмонологлар чақирилди.

Дастлабки консилиум якунига кўра ўпкада очилган тешикнинг катталашувини тўхтатиш, беморнинг умумий ҳолатини бир хил даражада ушлаб туриш, қон кетишига, бошқа юқумли касалликларга чалинишига йўл қўймаслик каби вазифалар белгилаб олинди. Энг муҳими, унинг кайфиятини туширмаслик зарур эди. Аммо хаста одамда қандай кайфият бўлиши мумкин. Мен эртаю кеч ёнидан жилмадим. У гарчи аҳволини ички бир туйғу ила сезиб турса-да, сира нолимасди. Аксинча, ҳамиша кўзимга жовдираб боқарди, қизиқ-қизиқ гаплар топиб, кулдиришга уринарди.

Аммо шифокорлар қанчалик жон куйдиришмасин, у бандидан узилган фунча мисол кўз ўнгимда сўлиб бораарди.

Тоғ ёнбағридаги касалхона мўъжазгина. Бироқ энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. Палаталар деразалари денгизга қаратилгани учун ҳавоси ҳамиша мўътадил.

Бу ерга ўтганимизнинг учинчи куни Фарида ўрнидан турмоқчи эканлигини айтди.

Севиниб кетдим. Озғин елкасидан суюб, юмшоқ диванга ўтиргиздим. Дераза рахини очиб юборган эдим, бир зумда хонани кипарис ва игна баргли арча бўйи тутиб кетди.

— Бунча ширин экан-а, — деди у олисларга тикилиб.

Мен унинг белларини жунли чойшаб билан ўрамоқда эдим. Шу боис фикрини яхши тушунолмадим. Фарида шу топда юзимизга урилган мусаффо ҳавони назарда тутдими, ёки умуман ҳаёт завқиними?

Ҳозир ҳар бир каломимни у ўзгача талқин килиши мумкинлигини ўйлаб, ниҳоятда тилимга хушёр бўлардим. Индамаганимни бошқача тушунди.

— Ортиғали ака, сизни ҳам қийнаб юбордим-а.

У менга шу қадар маҳзун боқдики, юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. Ўзимни қўлга олдим.

— Ёнимда борлигинг ўзи мен учун қанчалар баҳт эканлигини билсанг эди.

Фарида юзларимни, соchlаримни силади.

— Яратган Эгамнинг ўзи севар экан. Мендай бир етимчани мусофириликда хўрлатиб қўймади. Сизни Аллоҳнинг ўзи паноҳ учун юборди. Унинг меҳрибонлигига шукр, борлигига шукр.

У кейинги пайтларда Худони кўп ёдга олар, шукр қилиб чарчамасди. Одатда унинг ёшидаги қизлар бундай фикрлардан анчайин йироқ бўлишарди.

— Мен бир орзу билан яшаяпман, — деди у ўз-ўзига гапираётгандай.

Бошимни кўтариб, савол назари билан боқдим. У эса бамайлихотир сўзида давом этди.

— Орзуим шуки, соғайиб, мен ҳам сизнинг хизматингизни бажо айласам, атрофингизда парвонадек ёнсам, бутун меҳр-муҳаббатимни пойингизга поёндоз қила олсам. Сиз чиндан ҳам бошқаларга ўхшамайсиз. Сиз бу дунёning одами эмассиз. Мен сизни бутун вужудим билан севаман. Ёруғ дунёга келиб топганим шу муҳаббатимдир.

Бу түйғу мен учун нечөгли мұқаддас, қанчалар бебаҳо әканлигини тасаввур ҳам қилолмайсиз.

Шу дил изҳорини баён этаркан тонг елидан қалтираган терак барглари каби бутун вужуди енгил титроққа тушди. Үйладимки, у толиқиб қолди.

— Энди ётиб олганинг дурустмикан?

Аммо у таклифимга күнмади.

— Шундоғам орқаларим тарашадек қотиб кетди. Бир оз суҳбатлашай. Бу мен учун энг ёқимли дамлар. Ҳа, айтмоқчи, нега бизга бу қадар муруватт кўрсатишшаётги. Дўхтирларнинг оёғи узилмайди. Ҳамшираларнинг тилидан бол томади.

Мен уни тинчлантиридим.

— Бундай муносабатлар фақат биз учун эмас. Бу ерларда беморлар ҳақини танийди, муолажа кундалигини кузатиб боришади. Шунинг учун ҳам тиббий хизмат аъло даражада ташкил этилган экан.

Шу пайт хона эшиги чертилди. Эшикни очдим. Тор йўлакда Ажигали билан Маржон туришарди.

— Кирсак, мумкинми? Бека беш минутга рухсат этди?

Улар Фарида билан худди иниларида сўрашишди.

Маржон қўлидаги чиройли гулдастани деразадаги гулдонга солиб қўйди.

Хонада ортиқча стул йўқлиги учун тик туриб гаплашишди.

— Фарида, биз сизни соғиниб қолдик, — деди Ажигали кўзойнагини кўрсаткич бармоги билан тўғриларкан.

— Очиғи, ёш ҳамроҳларимиз борлигидан севиндик. — Маржон бидирлаб эрининг оғзидан гапини юлиб олди. — Энди эса, Ортиғали ҳам қорасини кўрсатмайди. Ўртангларда қандай кучли муҳаббат борлигини кўриб, таъсиrlаниб кетаяпман. Менинг Ажигалим эса, сира тишини оқини кўрсатмайди, кўнглида борини айтмайди.

Ажигали азбаройи Фаридани кулдириш учун хотинига ҳазиллашди.

— Бир марта кўнглимдагини айтганим учун, ўн йилдан бўён ёнимдасанда.

Маржон ноз-ишва билан эркаланди.

— Аёл киши ҳар куни чиройли сўзлар эшитишни хоҳлайди... Ҳа, майли, Фаридочка, жоним, тезроқ соғайиб чиқ. А то сўримиз ҳувиллаб қолди.

Қозоқ дўстларимиз хайр-хўшлашиб кетишиди.

— Кўнгли очиқ одамлар экан, — деди Фарида ҳавасланиб. Сўнг дафъатан мавзуни бошқа тарафга бурди.

— Ортиғали ака, рост айтинг, мен тузалиб кетармиканман?

Саволдан ҳам кўра, сўров оҳангги каловлантириб кўйди. Қарасам, у умидворлик билан оғзимга тикилиб, жавоб кутаяпти.

— Албатта, тез орада хасталикдан қутиласан. Ёшсан, ҳаётга чанқоқсан. Қолаверса, қанча одам сен учун қайфураяпти. Энди ўзинг ҳам кайфиятингни кўтаришга интилгин. Ниятни яхши қил. Ҳали олдинда қанча ишлар бор.

— Масалан?

— Масалан, тўй қиласиз. Сени Андижонга олиб кетаман. Ота-онамлар жуда меҳрибон, дилкаш одамлар. Улар бошларига кўтаришади.

Фариданинг зальфарон чехрасига ранг югурди. Кўзларида нур жилваланди.

— Ростдан ҳам мени қабул қилишармикан-а!

— Бўлмасам-чи! Сендай қизни келин қилиш кўпчилик оналарнинг орзуси деб ўйлайман. Сен қишлоғимизга файз киритасан. Мактабга ишга жойлаб қўяман. Синглим ҳам ўша ерда ўқитувчи. Бирга қатнайсизлар.

— Ахир менинг маълумотим йўқ-ку.

— Қишлоқда ҳаммага юмуш топилади.

— Онам бечора мени узоқقا турмушга чиқаришга кўнармикан?

— Кўндирамиз. Иккаламиз бир бўлиб тушунтирамиз. Агар хўп десалар ўзларини ҳам бирга олиб кетардик.

Фариданинг чиройи янаем очилиб кетди. Гўё хасталигини унудди.

— Қанийди... Аммо тоғам бу тақлифга унамайды. Опасини еру күкка ишонмайды.

— Жиянини-чи?

У ўйга толди.

— Ахир бу тақдир-ку. Ким ҳам тақдир ҳукмига қарши борарди.

— Фарида, ростини айт, агар тоғанг тўйимизга бош кўшмасалар, унда қандай чора топасан.

— Менми, — у кўзларини пирпиратиб мулоҳаза юритди.

— Мен у кишига бизни Аллоҳдан ўзга инсон ажратолмаслигини тушунтиришга ҳаракат қиласман.

Мехрим товланиб кетди. Фаридага яқин бордим. Жудаям яқинлашдим. Ба унинг соchlари харир парда каби яширган оппоқ пешонасидан ўпиб кўйдим.

\* \* \*

Дунё кўзимга тор кўриниб турган маҳал кимдир елкамга кўл ташлади. Бу пайтда учар қайиқчалар бандаргоҳида, кучоқ етмас ёндоқ соялари остида ўз хаёлларимни қувиб етолмай афтодаҳол ўтиргандим. Ўгирилиб қарадим. Аммо дарров таний олмадим. Қаршимда қора кўзойнак тақсан, грузинларга ўхшаш сипо йигит қулимсираб нимадир демоқчи.

— Алик, сени қидирмаган жойим қолмади. Алушта ўзбекларнинг дўпписидай жой-у, худди денгиззга отилган игнадай номи-нишонинг йўқ. Қани, кетдик.

— Қаёқقا?

— Дўстлар қаёққалигини сўрамайдилар. Сени шеф йўқлаяпти.

Иван Васильевич бирон янгилик топган, шекилли. Қизиқ, нима гап экан? Ишқилиб яхшилик бўлсин-да. Уйдагилар хавотир олишмадими кан. Ёки докторлар бирон совуқ хабар айтишдими?

— Биласанми, нега дўстлар "қаёқقا деб сўрамайдилар"?

— Иван Васильевичнинг ҳайдовчиси Руслан машинани тоғ йўлидан елдаётчириб бораркан, мендан сўраб қолди.

Индамай елка қисдим. Унинг ўзи изоҳ берди.

— Бу Расул Ҳамзатовда бор. Бир озор йигити ўзига дўст қидириб, овулга тушибди. Дуч келган кишига "Қани, отга мин" дебди. У эса "нега" деб сўрабди. Йигит индамай йўлида давом этиби. Яна бир узун чакмонли кишини учратиб, "кетдик", дебди. "Қаёқقا?" — деган сўроқни эшитиб-эшитмай йўрғасига қамчи босибди. Тоғ этагидаги уй томида бир чўпон най чалиб, кўнглини хушлаб ўтирган экан.

— Ҳой найди, "отга сакра", — дебди.

Чўпон йигит индамай йўловчининг орқасига мингашиб олибди. Улар узоқ йўл юришибди. Шунда отлиқ ҳамроҳига юз буриб, "Биродар, қаерга кетяпмиз, деб қизиқмадинг ҳам" — дебди. Чўпон бўлса бамайлихотир "Дўст дўстга бундай савол бермайди, шундай деб сўраса дўстлиги йўқолади, дўстига ишончсизлик билдирган бўлади", — деган экан.

Бу ҳикоя фоят таъсирили эди. Аммо ҳозир бутун вужудимни "Иван Васильевич Подлобошников нега йўқлаяпти экан?" деган ўй банд этганди.

Тасма каби чўзилган илон изи йўлнинг ҳадисини олган шофёр "Волга"ни усталик билан бошқариб бораради. Аҳён-аҳёнда қалин дараҳтларнинг шохлари орасидан остингда чайқалиб ётган денгиз кўзга ташланиб қолади. Бир қарашда худди денгизга учиб тушаётгандай сезасан ўзингни. Чапда эса, баҳайбат қоялар виқорли турибди. Шуниси яхшики, улар сийдом эмас, бағрида анвойи дараҳтлар барқ урган. Бу ердаги яшиллик чин маънода ҳаёт рамзига айланиб кетгандай. Мен эсам, магнолиянинг покиза, ялтироқ баргларини кўрганимда ҳамиша Фариданинг тим қора, беғубор кўзларини, кишига ҳазин боқувчи мулојим нигоҳини эслардим.

Таниш қабулхона сув қўйгандай жим-жит. Сулув котиба аёл бизларни кўриб, ўрнидан турди, жилмайиб саломлашди. Сўнг хона эшигини очиб, бошлиққа келганимизни билдириди. Иван Васильевич баланд суюнчиғли юмшоқ ўринидигида қовоғини уюб қаршилади. Қўли билан ўтиришга таклиф этди. Юрагим ёрилиб, қандай хабар эшитишмни

тусмоллаб тоқатим тоқ бўлаёди. Бироқ шеф кўзларини ярим юмиб, афтидан мендан садо кутаётганди. Мен нима дейман. Ўз ёғимга ўзим қовурилиб юрганимни айтайнми? Кечиккан муҳаббатим ҳам армонларда қолдириб, йўқлик қаърига учмоқчи эканлигидан сўз очайми? Ахир бир марта ёрдам сўрадим-ку.

Ниҳоят, хона узра унинг Левитан овозидай гулдурос товуши янгради.

— Боря яна сим қоқди. Ота-онанг сендан хавотирда экан.

Бошимни кўтариб, унинг тунд юзига қарамоқча журъят этолмадим. Нафсилашибрини айтганда, бутун Крим ярим оролини ўтириб-тургизишга салоҳияти етган одам мендай бир мусофириңнинг ҳаёти билан қизиқиши, эсидан чиқармаётганлиги ҳайротомуз эди.

— Хўп яхши, — деди у ўткир нигоҳини менга қадаб. — Қачон кетмоқчисан?

Ўзим ҳам сезмаган ҳолда ич-ичимдан бир нидо отилиб чиқди-ю, уни жиловлашга улгуролмай қолдим.

— Иван Васильевич, унинг аҳволи оғирлашяяпти. Худо ҳаққи, ёрдам беринг. Ахир сиз шу ернинг пайғамбари эмишсиз, кўлингиз ҳар ерга етади-ку. Илтимос... усиз ҳаётим хароб бўлади.

Соҳиб кутилмаганда менга ҳамдардлигини яширмади. Афтидан соддадиллигим, болаларча фикрлашим унинг кўпни кўрган дийдасига салгина илиқлик олиб кирганди.

— Ҳақ рост, мени дўстларим пайғамбар деб алқашади. Аммо, тушун, болам, мен Худо эмасман. Хоҳласанг, бутун шифохонани оёғинг остида тиз чўқтиришим мумкин, истасанг, Крим гўзалларини қўйнингта солиб қўяман, бошингдан зар сочишга қурбим етади. Азбаройи хос меҳмоним эканлигинг боис. Аммо мен жон бермоқча ожизман. Сен қанчалар ожиз бўлсанг, мен ҳам шунақаман.

— Унда нима қилай?

Кўзларимдан қуйилган ёшлар юзимни ювмоқча етарди.

Иван Васильевич ҳиссиётларга эрк бериб, хатога йўл қўйганлигини англади. Дарров асл ҳолатига қайтди.

— Күз ёшингни арт, бола. Йигит киши йиғламайды. Дард ва аламларга чидайды. Мен сенга бир яхшилик қиласман. Боря орқали ота-онангни тинчлантираман. Сен неча кун зарур бўлса, шунча вақт маъшуқанг ёнида туравер. Одамларим шифохона билан алоқани узмайды. Пешонасида борини кўради. Сен яххиси мендан эмас, Аллоҳингдан нажот сўра!

Ташқарига чиқиб, қай тарафга юришни билмай серрайиб турганимда ортимдан Руслан чиқиб келди.

— Ўтириб, обориб қўяман.

Рости, бу муруватдан бошим кўкка етди. Негаки, Ялтадан Алуштага қушдай учмоқ истардим. Индамай ёнига ўтиридим. У машинани ўт олдирмай, чўнтағидан бир даста яп-янги ўнталиқ олиб менга узатди.

— Ма, асқотиб қолади.

Мен қатъий қаршилик кўрсатдим.

— Нималар деяпсиз? Ўзимда бор.

Руслан гапларимга парво қилмай, пулни қўлимга тутқазиб қўйди.

— Олмасанг, шеф ранжийди. Феълинин биласанку...

Алуштада енгил ёмғир ёғибди. Ҳавонинг дарди шу билан ариган кўринади. Бирпасда қуёш чараклаб чиқди. Даражат япроқлари, ям-яшил майсалар устидаги биллур томчилар ялтираб қўзингни олади.

Машинадан тушиб, Русланга раҳмат айтдим-у, касалхона ҳовлисига қараб югурдим. Темир панжарали эшик ланг очиқ эди. Ундан ичкарига ўтиб, оқ-қора мармар ётқизилган йўлакдан тўғри шифохона биносига кирдим. Биринчи қават фойесида Гулсум опа мени кутиб турганди. Уни кўриб ўзимни йўқотиб қўяёздим.

— Тинчликми, опа?

У ҳолатимни тушуниб, дарров тинчлантирди.

— Кўрқманг, Ортиғали. Фақат сизни кутиб безовталанди. Ҳаяллаб қолганингиз учун хавотирланди. Ўзи яхши.

Фарида мени кўриб, ўрнидан турмоқча уринди. Унинг чехраси кечагидан ҳам сўлғин туюлди. Елкасидан қучиб

саломлашдим. Юрагимга ишқ оташини қалаган шаҳло кўзлари намли кўринди. Лаблари йиғига чоғланиб тургани янада аламли эди.

— Сиз мени ёдингиздан чиқардингизми деб ўйлабман.

Бу гапда ярим кун соғинчи, энг яқин кишига билдириладиган араз, яна беморлик инжиқлиги мужассам эди.

Унинг юмшоқ қўлларидан ушладим.

— Нималар деяпсиз, Фарида. Сизни унумтоқ осон эканми? Сизни унугишига қодирмидим. Эрталабдан бүён сизнинг ёдингиз билан яшаганлигимни наҳотки билмайсиз. Бунақа сўзлар билан мени ранжитманг. — Дедим яна сизлашга ўтиб.

Фариданинг нигоҳида нур жилваланди.

— Мени кечиринг, Ортиғали ака. Ўзим ҳам хайронман. Сизни кўрмасам бир дардим иккига айланади. Яна ўзимнинг касалимни сизга ортиб қўйганлигимдан, оромингизни ўғирлаётганимдан истиҳоладаман.

Фарида хайтовур бу сўзларни йиғламай, мардона айтди.

— Сиз бу жойларга ярим жон бир кимсанинг ҳолига қараш эмас, ўйнаб-кулиб, дам олгани келгандингиз. Энди мусофир юртларда жонингиз мен учун ҳалак. Мен эсам худди этагингизта маҳкам ёпишиб олгандайман. Сизга ортиқча ташвиш, ранж орттираётгандайман. Ортиғали акажон, мени ўз ҳолимга қўйинг, толеимда борини кўрарман. Сиз денгизда чўмилинг, офтобда роҳатланинг, сайд-томоша қилинг, дегани на тилим айланади, на дилимда журъят сезилади.

Унинг ўқинчларини тушуниш мумкин эди. Аммо ошиқ учун энг яхши юпанч заҳмат эмасми? Ахир тоқقا чиқмасанг, дўлона қайда, деганлари ёлғонми? Агар ҳамма иш хамирдан қил суургандай осон кўчганида, у билан танишиб, ҳаётимизнинг энг гўзал, баҳтиёр дамларини ўтказиб, қайтиб кетганимизда ўртамиздаги муҳаббат биз кутганчалик, шу бугунгидай тобланармиди? Чинакам дўст бошга иш тушганида билинади, дейдилар. Бу машаққатлар,

бу изтироблар энг аввало ўзим учун, ўзлигимни, севгим құдратини теранроқ англашым учун керак эди. Миямда чарх урган мұлоҳазаларни айтиб, уни уринтиришга имкон йўқ эди. Шу боис қисқа қилиб:

— Мен учун муҳими иккимизнинг бирғалигимиз, — дедим.

Бечора қызы шу бир оғиз каломимдан қанчалар таскин топди экан. Ҳар ҳолда у ортиқ зорланмади. Аксинча, соchlаримга озғин бармоқларини олиб бориб, бутун вужудидан ёғилаётган меҳр ила силади.

— Сиздан Аллоҳ рози бўлсин, Ортиғали ака.

Тўшакдан турмай ётиш унинг кайфиятига таъсир қилаётганди. Шу боис бирдан миямга келган фикрдан кувониб кетдим.

— Фарида, юринг соҳилга тушамиз.

У ўйлаб ҳам ўтирумай "Қани кетдик" деди. Шундагина оёқларida мадор йўқлиги эсига тушиб, каловланиб қолди. Секингина:

— Юролмасам-чи? — деди ҳижолат тортиб.

— Бу ҳақда қайғурманг, — дедим.

Югуриб врачлар хонасига бордим. Бўлим мудираси Ксения Серафимовна билан маслаҳатлашдим. У таклифимга розилик билдириди. "Тоза ҳаво беморни рұхан тетиклаштиради", деди хурсанд бўлиб. Кейин қўшиб қўйди:

— Раиса Михайловнага учранг, bemорлар аравачасини беради.

Фарида аввалига аравачага ўтиришга кўнмади. Аммо мен билан бирга сайд қилиш истаги истиҳоладан устун келди. Икковлашиб икки тарафи "гул девор" билан ўралган йўлак бўйлаб денгиз қирғоғига чиқдик. Сузувчилар учун ажратилган соҳил касалхонага қарашли эди. Шу боис оч ҳаворанг халатли bemорлардан ташқари одамлар кўринмасди.

Ям-яшил қирғоқлар узра адоқсиз чексизликка туташган денгиз куч-кудратига ҳамоҳант мәррур чайқалади. Оқ чағалайлар еру кўкни бошларига кўтариб чуғурлашади. Ора-

сира майин қум устида ўзини офтобда тоблаётганлар ўрнидан туриб, денгиз томон отилиб қоладилар.

Фарида қирғоққа келганимизда аравачадан тушиб, биринки қадам босди. Ҳали оёқларида күвват йўқ эди. Худди денгиз эпкинига чайқалаётгандай оғиб кетди. Нозик белидан қучиб, даст кўтардим-да, яна аравачага жойлаштироққа уриндим. Шунда у ёғоч ўриндиққа ўтиргизиб қўйишимни сўради. Аслида аравача унинг bemorligini, oqizligini ёдга солаётган эди. Айтганини бажардим. У одатича бағримга бошини қўйиб, денгиз мавжларини кузата бошлади.

— Ортиғали ака, — деди у бир пайт бошини кўтариб. — Бир гап айтсан тўғри тушунармикансиз?

Шаббода елиб, унинг майин соchlари, юзларини беркитиб қўйди. Бундай ҳол доимо ақлу хушимни шоширап, завқ-шавқимни оширап эди. Димоғимга ўрнашиб улгурган хуш бўйлардан маст эдим.

Фарида безовталанди.

— Нега индамаяпсиз?

Ҳазиллашдим:

— Қандай гапирай? Саркаш соchlарингиз толаси дудоғларимни жиловлаб турибди-ку.

У уялиб соchlарини йифиштириб олди.

— Ана, бўлдими? Энди саволимга жавоб беринг!

— Мен сизни ҳамиша тўғри тушунаман, худди ўзимни англағандай.

— У ҳолда, эшитинг. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қиласи, дейдилар. Билишимча, мен яна жарроҳлик столига ётсан керак.

Бу гап мен учун кутилмаган янгилик эди...

— Нималар деяпсиз, Фарида?!

У бамайлихотир сўзида давом этди.

— Тошкентда ҳам худди шу таҳлит операцияга тайёрлашганди. Демак, дардим оғир. Буни ўзим ҳам билиб турибман.

— Фарида...

— Ишонинг. Мен сиз ўйлагандан кўра анча бардошлиман. Хасталик одамни чидамли қилиб қўяркан. Қисқаси сизга иккита илтимос бор.

Ўрнимдан туриб, унинг қархисига ўтирудим.

— Қандай илтимос экан?

— Биринчиси шуки, мени операцияга олиб кириб кетишганидан сўнг, уйингизга қайтасиз. Ташқарида сизнинг кутиб туришингизни билиб, у ерда хотиржам ётолмайман.

Бу ёғига унинг сўзлари қалтираб чиқа бошлади.

— Умуман, шу икки ҳафта ичida сиздан кўп яхшиликлар кўрдим. Тирик қолсам хотирамга абадий муҳрланадиган кувончларни ҳам сиз бердингиз. Бу ёғига сизнинг меҳрумурувватингизни, одамийлигингизни ортиқча сунистеъмол қилолмайман. Мабодо... Мабодо тиф остидан саломат чиқсан ҳам, эҳтимол, умр бўйи манави аравачани судраб юришингизга тўғри келар. Сизнинг туйғуларингизга ишонаман. Аммо вақти келиб бирон марта ҳаётингиздан афсусланганингизни сезиб қолсан, ўша топда ўлимимга рози бўлиб кетаман. Севмаган кишиңгнинг таъна-дашиномлари, дўқ-пўписалари оғир ботмайди, бироқ ўзингники ёмон оғритади. Муҳими, бирга яласак, иккаламиз ҳам ўз ҳолича баҳтсиз бўлишимиз мумкин. Сизнинг гўзал ҳаёт кечиришингизни Аллоҳдан илтижо қилиб сўрайман. Эҳтимолки менинг бу шикаста дилим ана шунда чинакам таскин топар...

Бу гапларни тингламоққа қаноатим, сабр-бардошим етганидан ҳануз ҳайратдаман. Очифи, Фариданинг юрак ютиб очган дил изҳорини ўзимча ҳиёнатга тенг баҳоладим. Энг оғир дамларда қийинчиликдан бошини кутқарган инсонга менгзадим. Наҳотки, шу фикрлар унинг ҳаёлига келди. Муҳаббат оташида лағча чўғ бўлиб ёнган, ёнаётган ошиқ учун бу гаплар бориб турган ҳақоратдай сезилмайдими? Агар шундай бўлганида, ишқ шаробини тотмоқликнинг пуч ёнғоқчалик қадри қолармиди? Йўқ, фариштам, сен тилингдан адашдинг.

Юрагимда хуружланиб келаётган исённи куч билан босиб, охиста сўрадим.

— Хўш, иккинчи илтимосингизни айтинг?

Фарида кўзларини ердан узмаган куйи деди:

— Иккинчиси жўнроқ. Эртага Тошкентга телефон қилиб, тогамни чақиртирсангиз. Аям бари бир келолмайди. Операция куни тогам тепамда тургани менга далда бўларди. Ҳа, айтмоқчи, телефон рақамини ёзib олинг.

У аввал рақамларни қумга ёзди. Кейин ясама қувноқлик билан кўзларимга тикилди.

— Мени айбламанг, Ортиғали ака, — деди йигидан ўзини босиб. Ахир ўзимга қолса шу қарорга келармидим...

— Тушунолмадим. Бу гапларни сизга бирор ўргатдими?

— Йўқ. Агар тўрт мучам соғ бўлса, сиздан айрилишни асло ўйламасдим. Билсангиз, бу гапларни айтиш менга қанчалар оғирлигини. Инсон бирорга пул, мол-дунё, ҳатто соғлигини ҳам бериши мумкин, аммо муҳаббатидан юз ўгириши ўлим билан баробар. Мен, мен, билсангиз, шунинг учун ўлимимга ҳам розиман, Ортиғали ака...

Энди у ўзини тутиб туролмади. Овозини баралла кўйиб, энтикиб-энтикиб йиглади. Тин олгач, юзларини юзларимга қаратдим, пешонасидан ёниб ўпдим. Назаримда лабларимдаги оташ унинг баданини куидириб юборишга қодир эди. У дарров орқага чекинди.

— Керак эмас... Мени бундай суюшларга, эркалашларга ўргатманг... Энди менинг дунёим бўлак.

— Фарида, — дедим ёшли кўзларига термулиб. — Ҳозирги айтган мулоҳазаларингиз жудаям ўринли. Айниқса, китоб қилиб ёssa арзийди. Аммо хаёл бошқа, ҳаёт бошқа. Сиз ҳозир менинг келажагимни ўйлаш баробарида ўзингизнинг руҳий сокинлигингизни назарда тутяпсиз. Аммо шуни билингки, чин ошиқлар ягона вужудга айланадилар. Наҳотки, сизни шу аҳволда ташлаб, мен Андижонга бемалол учиб кетаман. Наҳотки, икки ҳафта мобайнида кулогингизга эртак сўйладим. Шайх Санъон "Оҳу фифоним ўтига етти дўзах куяди", деган. Мени

бунчалар қийнаманг. Билиб қўйинг, ишқقا ақлнинг кучи етмайди. Менга сизсиз ҳаёт йўқ.

Тоғангиз масаласига келсак, бу фикрни шифокорлар билан келишиб, ҳал қиласиз.

Фарида гапларим тугар-тугамас ўзини қучоғимга отди. Унинг жажжи танаси вужудимга сингиб кетгандай, иккамиз чиндан-да бир тану бир жонга айлангандай туюлди менга.

\* \* \*

Ўрта бўйли оқ сариқдан келган, эгнига қалта нимча кийиб, артистларникидай капалак бўйинбоғ тақиб олган бош шифокор мени тавозе билан кутиб олди.

— Демак, сиз Фарида Асадованинг жуфти ҳалолисиз, шундайми? — деди у бодом қовоқлари орасида чўғдай йилтираб турган кўзлари билан айёrona қараб.

Ортимда "Ялта пайғамбари"дай мустаҳкам қоя борлиги учун ялтоқданаётганлиги аён эди. Шу боис қатъий жавоб бердим.

— Мени йўқлаган экансиз?

— Биласизми, йигит, — деди у баҳайбат столи устидаги қоғозлар орасидан "касаллик варақаси"ни олиб. — Қизимизнинг касали анча муаммоли. Буни ўзингиз ҳам биласиз. Биз мутахассислар ўзаро консилиум ўтказиб, жарроҳлик йўли билан даволаш сўнгги умидимиз, деган фикрга келдик. Очифини айтганда, ўпка яраси битиб кетгач, айнан ўша жойида яллигланиш тиббиётда ноёб ҳодиса. Бу масала билан узоқ йиллардан буён шуғулланаётган Исаак Исаевичнинг фикрича, жарроҳлик аралашуви натижаси ҳақида аввалдан бирон нарса дейиш мушкул. Баҳтимизга пульмонология соҳасининг йирик намоёндаси, москвалик олим Фёдор Игнатьевич Анапада дам олаётган экан. Операцияга у зоти шарифни ҳам таклиф этдик. Хуллас, оиласиз учун тиббиётимизнинг барча "туз"лари курашадилар. Боя таъкидлаганимдай, операциянинг самараси тўғрисида ҳеч ким ҳеч нарса деёлмайди, ваъда ҳам беролмайди.

Бош шифокор худди саҳнада Гамлет тимсолини ярататётган Иннокентий Смоктуновскийга ўхшаб эзмаланиб сўзларди. Гапидан ҳам кўра хатти-ҳаракатларига урғу берадиганлиги энсамни қотирди. У "Алифбо"даги "А" ҳарфини айтиш учун бутун ҳарфларни санаб чиқадиган ҳарфхўрлардан эди. Бошим оғриб, пешонам лўққиллаб кетди. Ниҳоят, у мақсадга кўчди.

— Хуллас, сиз операцияга розилик берасизми-йўқми? Шуни аниқлаб қўйиш менинг миссиямга киради.

— Қаршимда нечта йўл бор? — У негадир жонланиб кетгандай кўринди.

— Афсуски, ягона йўл шу!

— Акс ҳолда-чи?

— Унда хотинингиз бир ойдан узоқ яшамайди.

— Операциядан кейин-чи?

— Униси номаълум.

— У ҳолда бечоранинг жонини қийнашдан не фойда.

— Гап шундаки, операция гарчи юздан бир бўлса-да, умид уйғотади. Кейингисида умуман најот йўқ.

— Демак, чўкаётган одам хасга талпингани каби...

У фикримни жон-жаҳди билан маъқуллаб, давом эттириди:

— Худди шундай. Фарқи шуки, сизлар хасга эмас, бизларга суянасизлар. Биз эса билим, тажриба ва Худога...

Суҳбат аввалида "турмуш ўртоғиман" дея катта кетвортганлигим боши берк кўчага олиб кириб қўйганлигини англадим. Ахир, бундан атиги икки ҳафта илгари етти ёт бегона ҳисобланган одам ҳозир соғ туйғулардан бўлак ҳеч қандай расмий ришта билан боғланмаган кишининг тақдирига жавобгарликни зиммасига олишга ҳаққи борми? Борди-ю, шундай қилганимда ҳам кейинчалик виждан азобида қолмайманми? Ҳозир бирорларнинг хукмронлиги, куч-кудратига ишониб катта кетишим аслида соғлом ақлга тўғри келмайди-ку.

Ўйга чўмганимни бошқача тушунган "Иннокентий" жонимга оро кирмоқчидалай:

— Ҳар қанча сарф-ҳаражатни Иван Васильевичнинг ўзлари тасарруфига олган. Аслида касалхонамизнинг тиббий базаси ҳам мустаҳкам. Бу ёғидан хотиржам бўлаверинг, — деди.

— Операцияни қачонга мўлжалляпсизлар? — дедим унинг гапларига парво қилмагандай.

— Тахминан бир ҳафтадан сўнг. Менимча, шуниси маъқул. Негаки bemornining umumiy fiziologik ҳолати ҳам kўngildagiда эмас. Қолаверса, Fedor Ignat'evich Uglow жаноблари ҳам шунаقا фикр билдирганди. Ҳар ҳолда meҳmonning kўngliga қарашга тўғри келади. Xўsh, siz nima дейсиз?

— Мен "отахон" билан яна бир бор маслаҳатлашиб, кейин хузурингизга келаман.

"Отахон" номини эшитгач, бош шифокор мамнун жилмайди.

— Ў, рост айтасиз. Отахон бу масалага шахсан аралашганлари бизнинг ҳам кўп чигалларимиз ечимига туртки беряпти. У ҳолда мен сизни кутаман.

Бош шифокор қабулидан чиқиб, тўғри марказий телеграфга чопдим. Фарида берган манзилгоҳга унинг номидан "шошилинчнома" жўнатдим. Кейин гул дўконидан оқ чиннигул сотиб олиб, касалхонага келдим. Фарида бу сафар ўрнидан туриб сўрашди. Ҳатто бўйнимга осилиб, кучоқлади. Бу дақиқаларни таърифлашга қаламим ожиз. Ўйлаб кўринг, қалбингизнинг туб-тубидан севган кишингиз билан висол лаззатини totiшдан ҳам ортиқ баҳт борми? Бу шундай висолки, унда на гард, на гуноҳ ва на тан истаги зоҳир бўлсин.

У қўлидаги гулларни анча маҳалгача кўксига босиб турди. Гўё гулни эмас, гул келтирган инсонни қучогидан қўйиб юборишни истамаётгандай. Назаримда, кечаги суҳбатимиздан сўнг у бир оз руҳий таскин топган, ҳиссиётларим куч-кувватига яна бир карра ишонч ҳосил қилган кўринади. Каравотига ўтиргач, севинчиладим:

— Ҳозир телеграфдан келяпман. Тоғангизга шошилинчнома юбордим.

У севиниб кетди.

— Вой, ростданми. Тоғамни шундай соғиндим.

— Аянгничи? — Сүрадим уни сенламоқдан маъно ахтариб.

— Асти сўраманг?

— Меничи?

Фарида кўзларини ёлғондакам сузиб эркаланди.

— Сиз ёнимдасиз-ку.

Мен эсам қаршимда ўтирганингда ҳам кўмсайвераман.

Энди у гап тополмай, дув қизариб кетди. Кейин бошини этиб, гуллардан бўса оларкан, секингина сўради:

— Шу гапларни айтиш, қиз болага ҳам лозимми?

Унинг фикрини чалғитганимдан мамнун эдим. Ҳар ҳолда бир нафас касаллигини ёдидан чиқаргани ҳам яхшида.

— Айтиш шарт эмас. Донога бир ишора, дейдилар.

— Ортиғали ака, намунча гапга устасиз?

— Менинг дилимни чоғлаган, тилимни бийрон қилган сенинг ўзинг, ҳусн малоҳатинг-ку.

Фаридага сұхбат мароми ёқиб, у худди аввалги ҳолатига қайтгандай эди.

— Ҳусн тўйда керак, муҳаббат эса...

— Менинг севгим, сенинг жамолинг каби ҳеч қачон охори тўкилмайди: Мен сувратингдан кўра кўпроқ сийратинг шайдосиман. Сен бу ёруғ оламда танҳо ва ягонамсан. Сендай қизни менга йўлиқтирган Раббимга шукур қиласман.

— Мен ҳам Ортиғали ака! — У шу сўзларни айтаркан, яна жиддий қиёфага кирди. — Биласизми, Алушта менга буюк бир туйғу инъом этди. Шундай мўъжизага қодир Эгам саломатлигимни ҳам қайтарса ажаб эмас.

Беихтиёр қўлларим дуога кўтарилди.

— Илоҳим, айтганинг ўнгидан келсин, фаришталар "омин" десин.

Шу кунги дийдорлашувимиз қош қорайиб, Гулсум опа елим халтада тилларанг мандаринлар кўтариб киргунича давом этди.

\* \* \*

Бир файласуф билиб-бilmай "Дин — афъюн" деган эди. Бу фикрнингadolatдан нечоғли йироқлиги бугун барчага маълум. Мен эсам муҳаббатни шунга қиёслагим, яъни севги, бу савдойиликдир деб айтган бўлардим. Албатта, бу ишқ аҳли учун янгилик эмас. Инсоният яралганидан бўён бу савдо не-не кишилар бошига тушмаган. Аммо муҳаббатнинг улуғлиги шундаки, бу туйбу ҳар кимда ўзгача бир руҳда кечади, гўё шахмат ўйинидаги партиялар бир-бирини такрорламаганидай, ёки курраи заминдаги 6 миллиард одам моҳиятан бир-бирига ўхшамаганидай. Бу иddaодан муддао шуки, кейинги кунларда Фарида билан қанчалик яқинлашганим сайин бу висол онлари шунчалик камлик қилаётгандиги, унинг ёнидан бир зум узоқлашиш қалбимни изтиробга solaётgандигини чуқурроқ англаётgандигимни билдириб қўймоқ эд. Чиндан ҳам инсоннинг инсонга меҳри тушмасин экан. Акс ҳолда бу ҳиссияётларнинг сарҳади сезилмас, адоги кўринмас экан. Муҳаббатни дард деб билмоқлик боиси ҳам шудир-да.

Қарангки, менга нисбатан босиқ табиатли Фаридада ҳам шу ҳолат очиқ-оидин зухурланарди. Энди у юмуш билан ташқарига чиққанимда, киргунимча дақиқаларни санашга одатланди. Фикр-хаёлимиз тамомила бир-биrimizning васлимиз билан банд, десам хато қилмайман.

Фарида худди офтобда қолган гул мисол жисман сўлиб бораради. Аммо энди у ўлимни эмас, ҳаётни, биргаликда турмушимизни хаёлан тасаввур қилиб яшарди. Бу нарса шубҳасиз унинг кайфияти, руҳий ҳолатига файзиёблик, ҳаётбахшлик бағишларди.

Кўпинча деразанинг бир қанотини очиб, барглари шилдираб, дилга осойиш берувчи магнолиянинг виқорли танасига сукланиб боқарди. У менинг дарахтим эканлигини билганлиги учун ҳам соатлаб унга боқиб ўтиришдан зерикмасди.

— Агар төғам келиб қолса у билан тил топишга ҳаракат қилинг, — дерди у ширин орзуларга берилиб.

Мен унинг заъфарон чехрасидаги болаларча соддалик, беғуборликдан чексиз завқланардим.

— Гулини севган, тиконини ҳам ардоқлайди-да.

Фарида дарров тилимдан тутиб олади.

— Ҳали төғам тикон бўлдими?

— Ҳа, энди бу шунчаки сўз ўйини-да. Аслида менга азиз инсонга қавму қариндош ҳар бир одам бошим устида, жоним.

У уялиб юзини яширди.

— Ҳали шунақа эркалашларни ҳам биласизми?

— Буниси холва, Андижонга борганингда бундан-да ажойиб меҳр эгаси бўласан.

Палатага кириб келган шифокорлар мулоқотимизга якун ясади.

— Операция шанба кунига белгиланяпти, — бўлим мудираси аста қулоғимга шивирлади. Кейин "бардам бўл" дегандай елкамга қоқиб қўйди.

Юзлари бужур, алл қоматли дўхтири, — афтидан москвалик олим шу бўлса керак, — Фариданинг ўпкасини узоқ эшилди. Унинг собит юз ифодасидан бирон фикр уқиб олиш қийин эди. Яна шуниси ҳам борки, у на мен, на Фариданинг ўзи билан чурқ этиб гаплашмади. Ҳатто ҳолаҳволини сўрамади. Ярим соат шу зайлда текширди. Сўнг фонедоскопини бўйнига осганича индамай, солланиб ташқарига йўналди. Она товуқ ортидан қанот қоқиб юргурган жўжахўроздардай бошқалар ҳам кетидан чопишиди.

Фарида ҳеч нарса тушунмай менга қаради. Мен ҳам елка қисищдан нари ўтломадим.

— Жуда қизиқ дўхтири эканми? — деди у, хайронлигини яширолмай.

— Қизиқ ҳам гапми. Ким билади, ҳар кимнинг иш услуби турлича-да. Ишқилиб, пойқадами ёқсин.

Шу пайт палата бекаси эшикни тақиллатиб кириб келди. У Фаридага юзланди.

— Тошкентдан тоғангиз келиб сўраяпти, кираверсинми?...

\* \* \*

Акбар ака ўрта бўйли, очиқ чеҳрали, дилкаш киши экан. У билан тезда тил топиша қолдик. Ёши қирқ бешларга борган, умрида даладан бошқа жойни кўрмаган, бутун меҳрини оиласи-ю, ёлғиз опасига улашиб яшаётган бу инсон ажид бир покдомонлик, камтарлик тимсоли эди. Афтидан Гулсум опа жияни билан орамиздаги муносабатларни яхшилаб уқтирган шекилли, мендан бир оғиз гап сўрамади. Аксинча, денгиз бўйидаги овлоқ бир қаҳвахонада меҳмон қилди, сухбатимиз асосан бўлажак операция ҳақида борди.

Акбар акани қаерга жойлаштириш масаласи бир оз ўйлантириб турганди. Фариданинг маслаҳати билан ўзим ётган уйга олиб кетдим.

— Шу баҳона яқиндан танишиб оласизлар, — деди у. Режамиз айни муддао бўлди. Биримиз дам олганимизда иккинчимиз Фаридага қараймиз, айрим кам-кўстларни ҳамжиҳатликда бартараф этамиз. Бизнинг худди отаболадай бақамти юришимиз, бир-биримизга тезда киришиб кетганлигимизни кўриб Фариданинг кўнгли ўрнига тушди. Энди сездимки, Акбар ака унинг учун меҳрибон отага айланиб улгурган экан.

Жума оқшоми шифокорлар учун дастурхон ёздик. Ҳовли этагидаги чорпоя атрофига яна уч-тўртта стул ёндадик. Бизга Ажигали билан Маржон ёрдамлашиб туришди. Гулсум опа Фарида ёнида эди.

Зиёфат кўнгилли ўтди. Ўзбекнинг палови етти иқлимни лол қолдирганлигига яна бир бор ишондик. Айниқса, бош шифокор товоқдан бош кўтаролмай қолди. Девзира гуручининг узунлиги, хуштаъмлиги уни ҳайратга солганди.

Меҳмонлар тарқалишгач, касалхонага қараб югурдик. Акбар ака қозоқ ҳамсоялари билан аччиқ кўк чой дамлаб, гурунглашиб ўтириб қолди.

Фарида кўзлари тўрт бўлиб кутаётган экан. Палатага киришим билан менга талпинди. Ушоқдай қоматини

авайлаб бағримга тортдим. Ана шунда қачонлардан бүён күнглимининг доимо ачишиб туралған тариқдай бир четига малҳам босилғандай түюлди. Нафас етмаётган ўпкам тұлиб, күзларимга аччиқ ёш қуиилиб келди. Ҳаммадан ҳам шунисидан күрқар эдим. Юзимни Фариданинг шалоладай кокиллари орасига бурдим. "Қани, дейман ўз-ўзимга, мана шу нозик вужуд бутун борлиғимга сингиб кетса-ю, умр бүйи армонасиз яшасам".

Кечки салқын шаббода хиёбондан энг муаттар бүйларни учирағы, хонага олиб киргандай эди. Фаридани юмшоқ ўриндиққа ўтиргиздім. Ўзим икки тиззасидан қучиб, юзларига меҳр билан термұлдім. У бошимни силаб әркалар эди. Энгашганида илиқ нафаси димоғимға урилди.

— Мени кутасиз-а, Ортиғали ака, — деди у жон олгувчи латиф овозда.

— Албатта кутаман, Пари, — дедим ҳаяжонимни босиб. Менинг күнглим хотиржам, Худо хоҳласа, дард күрмагандай бўлиб кетасан.

— Мен ҳам... Аллоҳдан сўраяпманки, илоҳим, сизни куттириб қўймай деб. Ёдингиздами бир куни "Сизни кўрганимдан бүён ўлимдан қўрқаяпман" деган эдим. Энди хотиржамман.

— Сендан шу гапни кутгандим, Фарида. Энг муҳими, ўзингда кучли ишонч, умид сўнмаслиги керак.

Шунда Фарида маҳзун жилмайиб, деди:

— Биласизми, муҳаббатни оғир дард, қайғу деб таърифлашади. Кези келса, у ўтқир малҳам, шифо ҳам экан.

— Рост айтдинг. Ҳозир дард битта. Биз эса, икки кишишимиз. Албатта, биз енгамиз. Ўшанда сенга "Қалдирғочлар уяси"ни кўрсатаман. Биласанми нега? Қримдаги энг хушҳаво, гўзал манзара айнан ўша жой ҳисобланади.

— Раҳмат, Ортиғали ака. Энди кетинг. Тоғам зерикиб қолмасин. Эрталаб келиб дуо берасизлар. Сизларни бирга кўрсам кўзим яшнайди, күнглим тоғдай кўтарилади.

— Тоғанг ҳам шу ўйдамикан?

Кувлик билан берган саволим уни қизиқтириб қолди.

— Қанақа ўй экан?

— Яъни иккаламизни бир "арава"да кўрганида худди сендей севинармикан?

Фарида очилиб қулди. Авайлабгина юзимга шапатилади.

— Сиз шу тилингиз билан тоғамнигина эмас, Американи ҳам оласиз.

— Э, қойил. Мени кимга тенглаштиряпсан.

У бошини сарак-сарак қилиб:

- Сизнинг тенгингиз йўқ, сиз мен учун ятонасиз, - деди.

Хайрлашув чоғи уни яна бир бағримга босиб, ортимга қарамай ташқарига отилдим.

\* \* \*

Акбар ака операцияга розилик билдириб имзо чекканидан бошлаб ҳаммамиз ўша кунни кута бошлагандик. Бир тарафдан имкони борича "ўша кун" келиши узоққа чўзилишини истасак, иккинчи томондан операция тезроқ ўтса-ю, унинг натижасини билиб, кўнглимиз тинчиса, деб ўйлардик. Гулсум опа учун Фарида туғишган синглисидан аъло бўлиб қолганди. Бу-ку тушунарли, анови қозоқ дўстларимизни айтмайсизми? Улар ҳам сайр-томошани ийиштириб қўйиб, дардимизни бўлишарди.

Ниҳоят, шанба етиб келди. Эрталаб касалхона саҳнидаги хиёбонга Акбар ака, Гулсум опа, Ажигали ва Маржонлар тўпланишдик. Мен яна бир карра уни кўрмоқ илинжида деразага яқинлашдим. Аммо кечаги хайрлашганимиз охиргиси экан. Врачлар ҳеч кимга рухсат беришмади. Роса аросатда қолдик. Менинг унга айтадиган гапларим юрагимда қолиб кетди. Эҳтимол у ҳам сўнгги бор видолашмоқ умидида ётгандир. Эҳтимол кўришмасликни шифокордан ўзи сўрагандир. Фарида иродали, сабр-бардошли қиз бўлса-да, жарроҳлик столига ётиш олдидан кўринишни истамагандир. У доимо "Сўнгги хотира юракни эзиз юборадиган бўлмасин, акс ҳолда у нигоҳимизда муҳрланиб, бир умр азоб беради" деяр эди. Бу мuloҳазалар

фақатгина мени аяш, эхтиётлаш чорасидан ўзга тадбир әмаслигини яхши тушунардим.

Бир зумда оромим йүқолди. Шунча ўзимни чалғитсам ҳам, хаёлимни бўлмағур фикрлар қамраб бораарди. Бутун вужудимни ларзага солиб, ички хуруж туғён уар, "дод" демоқликка имкон тополмай, қалбимни кемираётган ғашликни ёзолмай, ўз ёғимга ўзим қовурилардим.

— Роса чатоқ-ку ишлар! — Акбар аканинг соддадиллик билан айтган сўзлари бамисоли совуқ ханжардай кўксимга санчилди. Аммо бу деҳқон одамда не айб? У туйгуларини бошқача изҳор қилишни билмагач, нима ҳам десин?

Ўзим ичимдаги типратиконни туфламоққа ожиз вақтимда яна бу бечоранинг кўнглини кўтариш мушкулоти ҳам кўндаланг келди.

— Хавотирланманг, ҳаммаси жойида.

Қариндошим эрталаб соқолини олишга ҳам улгурмаганди. Қоп-қора мўйлар унинг офтоб олган бетини янада тунд қўрсатарди. Сезаяпман, мовий кўзларида ёш йилтираб, портламоққа имкон қидирмоқда.

— Қаранг, — деди у. — Онасининг бир оғиз ўгити бор эди, шунча кундан буён ёдимдан кўтарилибди-да. Эҳ, аттанг...

— Ўзингизни койиманг. Операциядан кейин бемалол айтишга вақт топилади.

У хижолат тортиб, бошидаги дўплисини қоқиб, қайта кийди.

— Ҳа-я... Бу қовоқ бошга ҳеч нарса сиғмаяпти ўзи.

У акация остидаги ёғоч ўриндиққа қараб юрди.

Сал нарида, парвозга шайланган бургут ҳайкалидан отилаётган фаввора ёнида Маржон билан Ажиғали нималардир ҳақида суҳбат қуришмоқда.

Иван Васильевичнинг одамлари ҳам шу атрофда изғиб юришибди. Шуниси қизиқки, улар ҳатто ёнимизга яқин йўлашмасди.

Орадан бир ярим-икки соат ўтди. Уни олиб чиқишидимикан? Ё ҳалиям маҳсус хонада кутяптимикан?

Шу топда бечорагинам нималарни ўйлаяпти экан? Ўзи қай ахволдадир? Эҳтимол ухлатиб қўйишгандир?

Бояги йиги хурожи яна исёнга келди. Агар ўзимни тийсам бутун баданим портлаб, тилка-пора бўлгудай. Овлоқ жой қидирдим. Хиёбон этагидаги бир жуфт магнолия томон йўл олдим. Ҳар ҳолда бу ерда одам йўқ ҳисобида эди.

Дараҳт остидаги ям-яшил майсаларга чўзилиб ётиб, юмюм йифладим. Хуморим ёзилгунча кўз ёши тўқдим. Кўнглим бўшагач, Аллоҳга астойдил ёлвордим.

— Ё Раббим, ўзинг ўн саккиз минг оламни яратгансан. Ўзинг Раҳмонсан, ўзинг Раҳимсан. Ўзинг ҳар неки кўргувчи, билгувчисан. Ҳамонки қалбимга чидаб бўлмас ишқ азобини солибсан, унинг давоси ҳам ўзингсан.

Сендан ўтинаман, бир бечора қизнинг ҳолига раҳм қил, чивиндай жонини асраб қол. Ахир у ҳаётга келиб кимни билди, нимани кўрди? Отасининг қучоғида яйраб-яшнаб ўсишлиқ насиб қилмаганидай, она меҳрига ҳам тўйиб улгурмади. Муштдай юраги устига ота армони, она армони, турмуш армонини қўйибсан-у, яна тан хасталигини ҳам шу азиз бандангга илинибсан.

Эй яратган Эгам! Ўзинг берган дард шифосини ўзинг олгувчисан. Уни ўз паноҳингда аспа. Қирқ йил қирғин бўлса ажали етган ўлади. Фариданинг умрини узоқ, ризқини улуг қил. Майли, агар гуноҳи бўлса, шу гуноҳига яраша азоб бер. Айби бўлса, айбига яраша жазола. Фақат қилдай омонат жонига кўз тикма, уни мендай ожиз бир бандангга тухфа эт, жонини қайтиб бер. Қайтиб бер. Илло, ўзингдан ўзга нажот йўқ, ўзингдан ўзга қудратли зот йўқ.

Худойим, умидим фақат ўзингсан... Ахир Фаридализ ҳолим не кечади? Уни кеч топгандим, эрта йўқотишига бардошим етмайди. Мен муҳаббатнинг моҳиятини энди идрок этдим. Сенинг ризолигинг учун қалбга тушган ўт бутун ёвуз майлларни куйдириб, вужудни поклаб, инсонни камолот сари етаклар экан.

Бу ишқ кўрғонига ҳирс, нафс каби иллатлар яқин йўламаслигини англаб етдим. Энди Фариدادан ажралиш

мана шундай шаффоф туйгуларни йўқотиш дегани эмасми? Инсонни тарбияловчи шундай муқаддас севгимдан жудо қилма, ё Ҳолиқ..

Бир маҳал қулоқларим остида таниш оҳанг жаранглади.

— Акажон, майлими сиздан бир нарса сўрасам?

Ҳолсизгина дедим:

— Менга гапирияпсизми?

— Қизиқсиз-а, ахир сиздан бўлак ўзбекча биладиган одам борми атрофимизда...

Бу Фариданинг овози-ку. Қани у, Фаридам, қаердасан? Нега кўринмайсан? Мени қийнама, ружсорингни кўрсат. Жуда қийналиб кетдим, Фарида!..

Бирдан кўзим ярқ этиб очилди-ю, ўзимни ўтлоқда, узала тушиб ётган ҳолатда кўрдим. Юрагим қинидан чиққудай уради. Кўрқиб кетдим. Соат неча бўлдийкин? Қанча вақт ўзимни билмай ётибман? Нега мени Гулсум опа ёки Акбар ака қидирмаяпти? Наҳотки, операция тугаб...

Ариқчада шилдираб оқаётган сувда юзимни ювиб, дастрўмолимга артдим. Жонимни ҳовучлаб, касалхона эшигига яқинлашдим.

Акбар ака ўриндиқда кўзларини ярим юмиб ўй сураяпти.

Қозоқ эр-хотинлар газета ўқишияпти. Гулсум опа йўлак бўйлаб у ёқдан-бу ёқقا юраяпти. Унинг қаршиисига чиқдим.

Мендан илгари опа ўпкалади.

— Қаерга кетиб қолдингиз, Ортиғали?

Юрагим шув этиб кетди.

Шу тобда унинг "Ортиғали" дегани худди Фариданинг лабларидан учгандай туюлди.

— Ишқилиб, тинчликми?

— Ҳозирча ҳеч ким чиқмади.

— Соат неча бўлди?

— Тўрт соатдан ортди. Аммо, қачон бошлашгани номаълум-да.

Ҳамсояларимнинг ёнига бордим.

— Бориб бир оз дам олмайсизларми, чарчадинглар?

Ажиғали кўзойнагини кўрсаткич бармоғи билан тўғрилаб, елкамга дўстона қўл ташлади.

— Бардам бўл, жўлдас!

Маржон ҳам нимадир демоқقا чоғланди-ю, негадир яна бошини фаввора томон буриб олди.

Акбар aka энди бизни кузатайтганди. Бечорага қийин. Минг қилса ҳам жигарбанди, ёлғиз опасининг қизи-да.

— Сув олиб келайми, чанқагандирсиз?

Оғзимга келгани шу бўлгач, яна нима ҳам дердим.

У маъюс нигоҳ ташлади.

— Ташналикни сув босолмайди, жигар. Ўй-хаёл одамни тириклай еб қўяр экан.

Шу пайт Гулсум опа бизни чақириб қолди. Ҳаммамиз оқ ҳалатли шифокорни ўраб олдик. У оғиз-бурнини тўсган докани бўшатиб, тоза ҳавода нафас ростлади. Жуда чарчаганлиги юз-кўзларидан сезилиб турарди. Кайфияти ҳам мавҳум. Биз билан гаплашиш нияти йўққа ўхшарди. Боз устига биронтамиз юрак ютиб оғиз очишга журъят қилолмасдик.

Ичимизда дадили Маржон эди. У бир қадам олдинга чиқиб, дўхтирдан сўради.

— У яшайдими?

Бу сўроққа жавоб назаримда йилларга чўзилгандай туюлди. Шифокор барчамизга бирма-бир боқиб, секингина жавоб қилди.

- Худо билади, азизлар...

Умидни ўлдирувчи ва айни чоқда умид уйғотувчи бу мужмал жавобдан кўз ўнгим қоронгулашиб, Акбар aka қўлига йиқилдим...

## ХОТИМА

Крим ярим оролидаги бўлиб ўтган бу воқеалар ўғтиз йиллик хотиралар эди. Хотира қаримас экан. Қаранг, ўша кунлар ҳаяжони ҳанузгача юрагимни орзиқтиради, худди Қора дengиз мавжидай кўз ўнгимда гавдаланаверади.

Эртагим қаҳрамонларининг кўпчилиги дом-дараксиз кетди. Ялтанинг норасмий ҳукмдори Иван Васильевич Подлобошников Шўролар ҳокимииятига ўт кетгач, олис Америка Кўшма Штатларининг Кливленд шаҳрида қўним топди.

Юрданидзе Тбилисидаги сайёҳлар маҳкамасида раҳбарлик қилиб юриб, бир хуфя иш билан ҳисбса тушив қолибди. Эшлишишмча, Кутаисидаги сокин турмахонада оламдан ўтибди.

Флот бошлиғи Алексей амаки ҳозир Истроилда эмиш. Яна бир хабарга кўра Истроил-Фаластин муаммоси жунбушга келмасдан аввалроқ Канадага ўтиб кетган дейишади.

Мен учун азиз ва меҳрибон Талъат акам, негадир, Андижонда узоқ ишлай олмади. У Қозогистоннинг Семипалатинск вилоятида фирма очди. Ҳаётга зийраклик билан қарashi қўл келган кўринади. Ҳар ҳолда укаларининг айтишича, кексайганида исломий йўлга кириб, роҳат-фароғатда яшаётган эмиш.

Ўшанда Андижонга қайтгач, тайёрада ҳамроҳим бўлган шаҳрихонлик акахон билан хизмат юзасидан учрашиб қолдим. Қизларини яхши-яхши оиласа узатибди. Бироқ биродарлигимиз узоққа чўзилмади. У буйрак хасталигидан оламдан ўтди.

Туркманистонлик Гулсум опахонимиз Тошовуздан Ашхободга кўчиб, катта савдогарга айланиб кетибди. Ҳозир фарзандлари Сапармурод оғанинг энг яқин аёнлари эмиш.

Зайнаб тикувчилик фирмасини очган, Тошкентда яшаяпти. Икки қизи бор.

Мени олис сафарга йўллаган завод раҳбари, дадамнинг дўсти Баҳриддин ота ҳалиям давраларнинг тўрида. Аллоҳ у кишининг мартабасини зиёда қилли, яхши кексалик ато этди.

Ота-оналаримдан айрилганим ҳақила ёзмоқ мен учун энг оғир ва изтироблидир.

Қозогистонлик Ажигали билан Маржон дастлабига хат ёзиб туришди. Кейин алоқамиз узилиб қолди. Ҳар қалай сўнги хатида Ажигали туман раҳбарлигига кўтарилиганини ҳақида ёзишганди.

Сезиб турибман, Фарида ҳақида нега оғиз очмайсан, дея интиқлик билан сатрларга нигоҳ ташлаётганларингизни. Ҳа, Фарида...

Шошманг. Эшик оҳиста очилди. Юмшоқ шиппакда енгилгина юриб келган фарзандларимнинг онаси, суюкли набираларимнинг бувижониси оҳистагина елкамдан қучди. Аллақачон қиров кўнган соchlаримни меҳр билан силади.

— Тонг отаяпти, дадаси, бир оз дам олсангиз-чи?

Ўрнимдан қўзгалмай Моҳирой томон ўгирилдим. Во ажабо, унинг денгиз эпкинида тўлғонган майнин соchlари, ўтқир нигоҳи ила кўксимга олов ёқувчи тим қора кўзлари, камон янглиғ қайрилма қошлари ҳалиям ўша-ўша эди...

Биз Фарида билан бахтли ҳаёт кечирдик. Ўшанда, раҳматли дадам мени бахтсизликдан қочириб юборяпти, деб ўллагандим. Энди билдимки, падари бузрукворим, аслида, бахтимни топгани жўнатган экан. Уни топдим ва қайтиб қўлимдан чиқармадим. Севганинг билан яшамоқлик, ёруғ дунёнинг ўзида жаннатнинг бир бўлагини яратмоқлик билан баробарлигини энди янада теранроқ ҳис этаяпман.

**Абдумутал АБДУЛЛАЕВ**

**АЛУШТА ЭРТАГИ**

*Кисса*

Муҳаррир *Шукур Курбан*  
Бадиий муҳаррир *Акбарали Мамасолиев*  
Техник муҳаррир *Рустам Исакулов*  
Мусаҳҳилар *Назира Шакарова*

Босишига рухсат этилди. 6 апрель 2006 й.  
Қоғоз бичими 60x84 ¼ „  
Босма табоги 7,75. Адади 1000 нусха.  
Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 56

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти.

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.  
Тошкент, X. Сулаймонова кўчаси, 33